

ЗАРИФ ҚУВОНОВ

АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ
(ҳаёти ва илмий мероси)



Навоий-2010

Алишер Навоий ижодиётини ўрганишда адабиётшунослик илми кўп ютуқларни қўлга киритди. Навоийни англаш ва англатиш, асарларини халққа етказишда навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг хизмати беқиёс.

ҲАЁТ ВА ФАОЛИЯТ САҲИФАЛАРИ

Ўзбек мумтоз адабиётининг тадқиқ этилиши узок йиллик тарихга эга бўлса-да, XX асрнинг бошларига келиб, уни илмий жиҳатдан ўрганишга, қўлёзма ва манбалар асосида ўзбек адабиёти тарихини яратишга жиддий киришилди. Абдурауф Фитрат, О.Шарафиддинов, П.Шамсиев, Х.Сулаймонов, Ойбек, Н.Маллаев, М.Шайхзода ва И.Султонлар бу борада қатор тадқиқот ишларини амалга оширдилар. Булардан кейинги адабиётимиз тарихини ўрганишда, хусусан, навоийшунослик ривожига катта ҳисса қўшган олимлар ичида Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўрни ўзига хосдир.

Таниқли навоийшунос олим филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, икки марта Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати, Буюк хизматлари учун ордени соҳиби Абдуқодир Ҳайитметов заҳматли, ғоятда ибратли ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди.

Азалдан илм йўлини игна билан қудуқ қазиишга ўхшатишган. Бу ҳикматни устоз Абдуқодир Ҳайитметов ижодига ҳам бемалол нисбат бериш мумкин. Чунки олим умрининг салкам олтимиш йилини шу йўлга бахшида этди. Олимни, энг аввало, ҳаёти илмдан, илми ҳаётдан ажралмаган киши деб биладилар. Фақат ана шундагина инсон ўзини илмга тўлиқ бағишлаши ва фан ривожига муносиб ҳисса қўшмоғи мумкин.

Маълумки, мумтоз адабиётни ўқиш-ўрганиш махсус тайёргарликни талаб қилади. Зотан мумтоз ўзбек адабиёти намуналарини чуқур тушуниш ва тушунтириш учун форс-тожик тили ва адабиётидан ҳам хабардор бўлиш керак.

Адабиётга қизиққан ёш Абдуқодир етук мутахассис бўлиш мақсадида ўрта мактабни тугатгач (1932-1943), Ўрта Осиё давлат университетининг Шарқ факультетида таҳсил олди, эрон-афғон тиллари ва адабиётини чуқур ўрганди. Бу ерда у М.Андреев, Е.Бертельс, С.Мирзаев, И.Петрушовский, А.Арендс, В.Беляев, Б.Ҳомидий, М.Кононов, В.Шишкин каби машҳур шарқшунос олимларнинг шарқ халқлари мумтоз адабиёти ва тарихи ҳақидаги маърузаларини тинглади.

1944-1949 йилларда мазкур олий даргоҳнинг эрон-афғон бўлимини

мувафақиятли тугатди. Абдукодир Ҳайитметовнинг дунёқараши, адабий шахсияти, ғоявий-эстетик принциплари бевосита Шарқ ва ўзбек халқ оғзаки ва ёзма адабиёти, Шарқ маданий ва маънавий мероси асосида шаклланиб камол топди.

Одатда муайян ижодкорнинг ҳаёти ва фаолияти, босиб ўтган ҳаёт йўли тўғрисида гап кетганда унинг болалик йиллари, оила ва тарбия муҳити, уни маълум соҳага йўналтирган омилларга алоҳида эътибор қаратилади. Абдукодир Ҳайитметовнинг Фарғонада таваллуд топгани, болалиги Тошкентда кечганлиги ва кейинчалик ўрта мактабни тугатгач СаГУ Шарқ факультетига ўқишга кирганлиги қайд этилади.¹

Профессор Р. Воҳидовнинг 1999 йилда чоп этилган “Навоий меросига ошуфта кўнгил” рисоласида Абдукодир Ҳайитметовнинг ҳаёт йўли, ҳамда илмий-ижодий фаолияти ҳақида бир қанча қимматли маълумотлар берилади:

*“Абдуқодир домла дунёга келган ва унинг балогат йиллари кечган оила муҳити моддий-маънавий имкониятлари нуқтаи назаридан ўрта ҳол эди. Аслида бундай ноёб туйғулар – маънавият ва маърифатга ошнолик йўқ жойдан лўп этиб пайдо бўлмайди. Илм, маданият, адабиётга ҳавас ва иштиёқ авлоддан-авлодга кўчадиган нодир ёдгорликдир. Бугун фан генлар ҳақидаги қарашларни эътироф этаётир. Воқеан, оила, авлоднинг моддий-маънавий турмушида барқарор имкониятлар юзага келса, илму адабга иштиёқмандлик майли қанот ёзади, ўзидан дарак беради”.*²

Олим кейинчалик болалик даври ўтган муҳит, ота-онаси, уларнинг илму ирфони ҳақида шундай деб ёзганди: “Кўхна маданиятимизнинг мени биринчи бўлиб ўзига тортган, маҳлиё қилган томони бобом ўқиган, эҳтиёт қилиб сақлаган эски китоблар ва қишлоғимиздаги масжид бўлган. Масжид ҳовлимизнинг ёнгинасида бўлиб, мен унинг нақш бериб ишланган ҳар бир устунини, гулдор тўсинларини, сеҳрли қилиб терилган ва тарошланган вассаларини ҳавас билан томоша қилардим”.³

¹ Исҳоқов Ё. Абдукодир Ҳайитметов // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968, 4-сон, 70-бет; Абдуғафуров А. Эркинов С. Абдукодир Ҳайитметов // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976, 2-сон, 87-89-бетлар; Сафаров М. Меросимиз заршуноси // Совет Ўзбекистони, 1976, 30 май; Ғаниева С. Каримов Н. Заҳматкаш олим // Ўзбекистон маданияти, 1976, 28 май; Раҳимов Ж. Таниқли навоийшунос олим // Шарқ юлдузи, 1976, 5-сон, 233-бет. Абдукодир Ҳайитметов (В кн. Писатели Советского Узбекистана) изд.им. Г.Гуляма.-Т.:1977.-С.209-210; Абдукадыр Хаджиметович Ҳайитметов // В кн. Библиографические очерки. О деятелях общественных наук Узбекистана. -Т.: Фан. 1977.-С. 230-233; Абдукадыр Хожиметович Ҳайитметов // Ўзбек Совет энциклопедияси. –Т.: 1980. 14-том, 355-бет; Қулжонов А. Абдукодир Ҳайитметов // Илм ва ижод оламида. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.-Т.: 1980, 84-92-бетлар.

² Воҳидов Р. Навоий меросига ошуфта кўнгил. Тошкент, 2005, 25-бет.

³ Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. Тошкент, 1993. 4-бет.

Абдуқодирнинг боболари уста Исмоил, бувилари Шодмон аянинг маданиятга, адабиётга иштиёқи баланд бўлган. Бувилари Шодмон ая ҳақида ўқиймиз: “Катаинамлар кечқурунлари йиғилишиб, “Иброҳим Адҳам қиссаси”ни “Китоби Сулаймон Боқирғоний”, “Девонаи Машраб”, “Китоби биби Фотима”, “Шаҳзода Ҳасан” каби китобларни ўқишар... Биз ҳам баъзан бир чеккада уларнинг ўқиганларини тинглаб ўлтириб, бувиларимизга ҳамдардлик қилар эдик”.⁴

XX асрнинг 20-йиллари охири 30-йиллари боши “мушумзўр қулоқлар”ни қамаш авжига чиққан пайтлар. Ўша йиллари ўзига тўқ оила бўлган Дехқонкул, яъни Абдуқодирнинг отаси ҳам “қулоқ”лар рўйхатига тиркалади ва етти йилга қамалади. Эрини Тошкент қамоқхоналаридан топиш илинжида Хайринисо ая ўғли Абдуқодир ва кизи Сорани олиб пойтахтга келишади. Болалигидаги ана шундай сарсону саргардонликлар ҳақида Абдуқодир Ҳайитметов шундай ҳикоя қилади: *“Ўттизинчи йилларнинг қаҳрли шамолларидан бир қанча оилалар узоқ-узоқларга тўзиб кетди... Тақдир бизнинг оила аъзоларимизни қишлоғимиздан узоқларга олиб бориб ташлади. Ҳаётим тонгида содир бўлган бундай кўнгилсиз воқеа ва ҳодисалар хотирам дафтаридан ҳеч ўчмас...”*

Хайринисо аяга эри Дехқонкулни кўриш насиб этмади. Ая кейинчалик асли андижонлик бўлиб Тошкентда яшаб қолган Ҳожимат Ҳайитмат ўғлига турмушга чиқади. Шу тариқа Абдуқодир домланинг фамилияси Ҳайитметовга айланади. Кейинги оталари, яъни Ҳожимат Ҳайитмат ўғлини домла эхтиром билан эслайди: *“Дадам эскича китобларни яхши ўқирди... Бешинчи синфга ўтганимда мен дадамдан, онамнинг маслаҳати билан эскича ўқиш ва эскича ёзишни ўргана бошладим... Бу эса кейинчалик менинг тақдиримда, иш фаолиятимда катта аҳамиятга эга бўлди”*.

Бундан ташқари, Абдуқодир Ҳайитметов талабалик йилларидаёқ ҳикоялари билан Абдулла Қаҳҳордек зукко ва талабчан адибнинг назарига тушганди. “Шарқ юлдузи” жуналининг 1949 йил 1-сонидан унинг “Меҳр-муҳаббатлилар” ҳикояси Абдулла Қаҳҳор таҳрири остида чоп этилди. 1949 йилдан 2005 йилга қадар унинг элликка яқин туркум шеърлари, ҳикоялари, қиссалари нашр қилинди.

Лекин Абдуқодир Ҳайитметов, энг аввало, адабиётшунос олим, нуктадон матншунос ва манбашунос сифатида шаклланиб, эътибор қозонди.

“Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” мавзуидаги номзодлик диссертациясидан сўнг А. Ҳайитметов Ҳазрат Алишер Навоийнинг ижодининг хос тадқиқотчисига айланди. Бу борадаги олимнинг дастлабки мақолалари 1950 йиллардаёқ нуфузли нашрларда эълон қилина бошланди. Хусусан, “Алишер

⁴ Ҳайитметов А. Бўрилар увлашган кеча. // Мулоқот, 1996, 6-сон, 45-бет.

Навоий поэтик маҳорати ҳақида”, “Мажолис ун-нафоис” ҳақида мулоҳазалар”, “Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда қимматли манба”, “Алишер Навоийнинг сарбадорларга муносабати” сингари долзарб мақолаларида улуғ шоир фаолиятининг турли қирралари тадқиқ этилган. Абдуқодир Ҳайитметов учун Алишер Навоий ижоди бадиий сўз санъатини баҳолаш мезони вазифасини ўтади. У услублар ва жанрлар ранг-баранглиги ҳақида сўзлайдими, метод ва методология тўғрисида фикр юритадими ёки шарқ ва жаҳон адабиёти намояндалари ижодига тўхталадими, композицион бутунлик, мазмун ва шакл бирлиги сингари назарий муаммолар борасида мулоҳаза юритадими – булардан қатъий назар, барчасига Навоий ижодини асос ва мезон қилиб олди. Бадиий сўз кудратини кашф этиш, мумтоз адабиёт поэтикасини ўрганиш, ундаги диний-фалсафий, умумбашарий-ахлоқий муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишда Навоий даҳосига таянди.

1959 йил Абдуқодир Ҳайитметов номзодлик диссертациясини қайта ишлаб янги маълумотлар билан бойитиб китоб тарзида эълон қилди. Бу монография, айниқса, улуғ мутафаккирнинг ўзига ва ўз даври адабий-эстетик қарашлари жамланганлиги ва Навоийнинг илмий-назарий, адабий-эстетик қарашларининг муҳим жиҳатлари таҳлил этилганлиги билан эътиборлидир. Муаллиф унда ўзбек ва форс-тожик адабиётшунослигининг туб илдизларини кўрсатишга эришади. Абдуқодир Ҳайитметов улуғ шоирнинг адабий-эстетик қарашларига алоҳида тўхталар экан, мазмун ва шакл, анъана ва новаторлик, санъатда халқчиллик ва ғоявийлик масаласини теран таҳлил этади.

Кўп ўтмай олим Навоий лирикасини текширишга киришиб кетди. “Навоий лирикаси” асари эса навоийшунослик илми ривожига сезиларли туртки берди. Унда Навоий шеърятининг туб моҳияти, бадиий хусусиятлари, жанрий ранг-баранглиги, новаторлиги каби илмий-назарий масалалар аниқ исботини топди. Шунингдек, Навоий лирикасидаги образлар тизими, хусусан лирик қаҳрамон, лирик персонаж, маъшуқа, ағёр, ринд, ошиқ сингари қатор бадиий образларнинг талқини Навоий ижодини ўрганишни янги босқичга кўтарганини кўрсатади. Адабиётшунос Н.Маллаев уни: “Навоий лирикасининг муҳим хусусиятларини ёритган дастлабки йирик тадқиқотлардан бири сифатида аҳамиятлидир”⁵, дея баҳолаганди.

Зеро, Навоий ижодий меросини ўрганиш – Абдуқодир Ҳайитметов илмий фаолиятининг энг салмоқли, энг намунали қисмини ташкил этади.

Унинг 1963 йилда эълон қилган “Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари” асари юқорида қайд этилган тадқиқотларнинг узвий давоми бўлиб, унга қадар Навоийнинг ижодий методи ҳақида махсус тадқиқот олиб

⁵ Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзими. Тошкент, 1978. 50-бет.

борилмаганди. Шу боис ушбу масала кўп ҳолларда ҳар хил баҳс-мунозараларга сабаб бўларди. Муаллиф Навоий мансуб тарихий муҳит ижодиётининг ўзига хос асосларини ҳисобга олмасдан унинг ижодий методи ҳақида фикр юритиш, уйғониш даври адабиётига хос қонуниятларни Навоий ижодига тўғридан-тўғри тадбиқ этиш масалаларини ўринли танқид қилади. Навоийнинг бош ижодий методи реалистик тамойилларидан ҳам ҳоли бўлмаган романтизм деган хулосага келади.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий ижодий методини Шарқ адабиёти кесимида текширар экан, унинг тадқиқотларида ўзбек, форс-тожик, озарбайжон адабиётлари учун муштарак бўлган масалалар тадқиқи ҳам кўзга ташланади. Навоий ижодий методи бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилгач олим метод муаммосини Шарқ адабиёти миқёсида ўргана бошлади ва “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан” (1970) номли монография юзага келди. Мазкур монографияда Низомий Ганжавий, Умар Ҳайём, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий асарлари қиёсий-типологик таҳлили асносида шарқ халқлари шеърлятидаги ижодий метод масалалари ёритиб берилди.

Абдуқодир Ҳайитметов ўттиз йилдан ортиқ Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ўзбек мумтоз адабиёти бўлимини бошқарди. Шу даврда, айниқса, бой тарихга эга бўлган ўзбек адабиёти тарихини кенг илмий-академик йўналишда ўрганишга эътибор берилди. 1967-1977 йилларда Абдуқодир Ҳайитметов раҳбарлигида беш жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг яратилиши ва 1976-1980 йилларда “Фан” нашриёти томонидан нашр этилиши Республика илмий ва маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Шу асосда 1987-1989 йилларда “Ўзбек адабиёти тарихи” китоби икки жилда, рус тилида нашрга тайёрланди ва эълон қилинди. Мустақилликнинг иккинчи йилида (1992) бу тарих муаллифларидан Абдуқодир Ҳайитметов бошлиқ бир гуруҳ олимлар Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотида сазовор бўлдилар.

Абдуқодир Ҳайитметов бу мукофотни биринчи марта 1970 йилда “История Узбекской литературы” (Москва, 1967) монографиясини яратишда иштирок этгани учун олган эди.

Олимнинг адабий мерос тарихи ва назарий масалаларини ўрганиш билан изчил шуғулланиб келганлигини, албатта, алоҳида таъкидлаш лозим. Унинг “Навоий даҳоси” (1970), “Ҳаётбахш чашма” (1974), “Табаррук излар изидан” (1979), “Мерос ва ихлос” (1985) каби китоблари, мустақиллик даврида яратилган “Навоийхонлик суҳбатлари” (1993), “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” (1996), “Адабий меросимиз уфқлари” (1997) каби мақолалар

тўплamlари китобхонларга яхши маълум. Республика газета ва журналлари ҳамда хорижий матбуотда олимнинг 400 дан ортиқ мақолалари босилган.

Тиним билмас олим мумтоз адабиётимиз намояндалари меросини нашрга тайёрлашда ҳам ташаббус кўрсатди. Бунга у нашрга тайёрлаган Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” (1974), “Шайх Санъон” (1962), Турдининг “Шеърлар” (1971), Машрабнинг “Танланган шеърлар” (1960, 1961), Қул Убайдийнинг “Вафо қилсанг...” (1994), Комилнинг “Девон”и (1975, В.Мўминов билан ҳамкорликда) ва бошқа китоблар мисол бўла олади.

Мирзо Улуғбекнинг замондоши, туркий тилда яратилган биринчи назарий асар муаллифи Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг (XIV-XV аср) “Фунун ул-балoға” асарини Абдуқодир Ҳайитметов нашрга тайёрлади ва “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 2002-2003 йилги сонларида эълон қилди.

Илмнинг машаққатларига бардош бериб, интилиш, изланиш, ўзига ўта талабчанлик, фидойилик билан меҳнат қилган Абдуқодир Ҳайитметов илм-фан равнақига катта ҳисса қўшди, кўплаб шогирдлар етиштирди.

Атоқли фольклоршунос, профессор Т. Мирзаев: *“Зукко олим Абдуқодир Ҳайитметов катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. У бу йўлда нимагаки эришган бўлса, буларнинг барчаси, ўзбек адабиётишунослиги тараққиётининг муайян жиҳатларини ўзида тўла акс эттириб, фаннинг бу соҳаси ривожига арзирли ҳисса бўлиб қўшилган”*⁶лигини ўринли қайд этади.

Абдуқодир Ҳайитметов илмий тадқиқотларида кўтарилган ҳар бир илмий масала махсус ўрганиш, ҳатто монографик миқёсда ёритишни талаб қилади. Дарҳақиқат, камтарин инсон, заҳматкаш олим, фидойи мураббий Абдуқодир Ҳайитметовнинг Навоий мероси, шу билан бирга, мумтоз адабиётимизнинг долзарб масалаларига бағишланган тадқиқотлари ўзбек адабиётшунослиги илмига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Зеро, Абдуқодир Ҳайитметовнинг ҳаёти ва илмий фаолиятида ҳам ўрганиладиган, ибратга арзирли жиҳатлар кўпдир.

⁶ Мирзаев Т. Зукко олим // Мулоқот, 1996 йил, 6-сон, 45-бет.

I. НАВОИЙ ЛИРИКАСИ ТАДҚИҚИ ВА ТАЛҚИНИ

Нодир асарлари билан Алишер Навоий нафақат ўзбек, балки Шарқ халқлари бадиий тафаккури, маданияти, руҳий-маънавий оламининг юксалишига улкан улуш қўшди.

“Хазойин ул-маоний”га ёзган дебочасида шоир “назм василаси ва шеър воситаси билан тамом умр”ини ўтказганини ёзади. Умрини адабиётга тўла бахшида этган бундай ижодкор жаҳон адабиётида кам топилади. Кейинги йилларда олиб борилаётган тадқиқотларда Алишер Навоийнинг ижодий шахсияти Амир Темури асос солган салтанатнинг, шу салтанатдаги маънавий – маърифий кўтарилишларнинг бир ҳосиласи эканлиги тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

“Амир Темури ҳукмролиги даврида шаклланган ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида ибратли натижалар берган давлатчилигимиздаги Бирлик туйғуси Навоийни кўп илҳомлантирар эди”⁷, – деб ёзади адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул.

Чиндан ҳам темурийлар даври тамаддунининг йирик намояндаси бўлган Алишер Навоий ижодий мероси беш асрдан кўпроқ давр мобайнида халқимиз қалбида ҳамжиҳатлик, бирлик туйғусини чуқурлаштириб келмоқда.

⁷ Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. Тошкент, 2007. 109-бет.

Маълумки, Навоий ижодини ўрганиш ишлари шоир ҳаётлик давриданок бошланган. Буни шоирнинг мероси, асарлари юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларда ҳам ўз аксини топганлигидан ҳам билиш мумкин. Адабиётшунос А. Абдуғафуров, навоийшунослик Мавлоно Лутфийнинг Навоий ғазалига берган баҳосидан бошланган, деб изоҳласа, профессор Абдуқодир Ҳайитметовга кўра ундан ҳам олдинроқ, яъни Саййид Ҳасан Ардашер, Камол Турбатийлар берган баҳо билан бошланган.⁸

Абдурахмон Жомий, Лутфий, Ҳусайн Бойқаро, Ҳилолий, Шайхим Сухайлий каби етук сўз санъаткорларининг Навоий шеъриятига бўлган қизиқишлари ва шоир ижоди борасидаги фикрлари, шунингдек Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” тазкирасидаги эътирофи Навоий ижодининг ўз замонасидаёқ зўр кадр эътибор топганлигини исботлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса Алишер Навоийнинг туркий шеърятда тенгсиз шоирлигига алоҳида урғу беради: “Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтқон эмас”.⁹

Абдуқодир Ҳайитметов “Навоий лирикаси”да Навоийдан кейин ижод қилган Мунис, Огаҳий, қардош туркий халқларнинг Фузулий, Махтумқули, Абай, Бердақ, Абдулла Тўқай каби улуғ санъаткорлар ҳам унга юксак баҳо берганликлари ва ижодларида унинг илғор анъаналарини давом эттирганликларини қайд этиб ўтади.¹⁰

Абдуқодир Ҳайитметов илмий фаолиятида Навоий лирикаси тадқиқи алоҳида ўрин тутди. Унинг шоир лирикасининг тадрижий тараққиёти, мавзу кўлами, жанрий хусусиятлари, образлар тизими ҳамда ижодкор бадиий маҳоратининг муҳим қирраларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлари навоийшуносликнинг ютуғидир. Айниқса, олимнинг “Навоий лирикаси” китоби “шоир лирикасининг муҳим хусусиятларини ёритган дастлабки йирик тадқиқотлардан бири сифатида аҳамиятлидир”¹¹. Озарбайжон адабиётшуноси Акрам Жаъфар “Навоий лирикаси”ни: “туркий халқлар шеършунослигига қўшилган катта ҳисса ва бу соҳада олға қўйилган дадил қадамдир”,– деб баҳолайди.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан кейинги навоийшунослик тарихини профессор Абдуқодир Ҳайитметов илмий ишларисиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, унинг “Ҳазойин ул-маоний”даги лирик асарлар тадқиқига бағишланган “Навоий лирикаси” таҳлилнинг батафсиллиги, илмий-назарий

⁸ Шеърят мулкининг султони (Давра суҳбати) // “Мулоқот” журнали, 1993, 2-сон, 17-бет.

⁹ Бобур З.М. Бобурнома. Тошкент, 1960. 233-бет.

¹⁰ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961. 26-бет.

¹¹ Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзими. Тошкент. 1978. 50-бет

мулоҳазаларнинг пухта ва асосланганлиги билан нафақат Навоий лирикаси, балки умуман мумтоз шеърят поэтикасини ўрганишда муҳим манба бўлди.

“Лирика Навоий учун ижод соҳасида маҳорат қозонишнинг асосий мактаби, шоир ҳаётининг ҳар қандай шароитда ҳеч бир тарк қилинмаган, доимо қўл келган севимли ва қулай ижод шакли бўлган,— деб ёзади Абдуқодир Ҳайитметов. — Навоий ўзининг буюк эпик асарларига лирика орқали борган ва унинг ҳаётдан олган таассуротлари тизимли равишда, аввало, лирикада ўз ифодасини топа борган”¹².

Бир тадқиқот доирасида Навоий шеърятининг муайян қирраларинигина ўрганиш мумкинлигини қайд этган адабиётшунос шоир лирикасининг ғоявий-бадий хусусиятлари таҳлиliga киришар экан, аввало, Навоий шеърятининг оламшумул аҳамияти, унинг тур ва жанрий хусусиятлари, мавзу кўламдорлиги ҳамда ундаги образлар тизими ва ранг-баранглигига доир масалалар бўйича кузатишлар олиб боради.

Лирик шеърда “хос ҳол” ва “хос маъно” бўлишини қонуний деб тушунган, шеър мазмунига етарли эътибор қаратмаган замондошларини эса “Мажолис ун-нафоис”да қаттиқ танқид қилган Навоий ўз асарларининг мазмун ва шаклига жиддий аҳамият бериш билан уларнинг умрбоқийлигини таъминлади. Шу боис шоир шеърятини ўз тадқиқотчисидан пухта назарий тайёргарликни талаб қилади. Абдуқодир Ҳайитметов сўз юритаётган монографиясида айтиш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Тадқиқотга тортилган ҳар бир муаммо, адабий турлар ва жанрлар мутаносиблиги ва тарихийлиги, ички пафоси, композицион қурилиши, мавзу кўлами, шакл ва мазмун бирлиги каби назарий масалалар изчил ўрганилади.

Шарқ адабиётида, хусусан форс-тожик ва туркий халқлар адабиётида шеърятнинг энг кенг тарқалган жанри ғазалдир. Бу адабиётларда аксар буюк лирикларнинг ижоди, шеърини девонлари ғазал билан характерланади. Навоий ҳам ўз лирик ижодида ғазалга асосий ўринни берди ва Шарқ ғазалчилигида мисли кўрилмаган ютуқларга эришди.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий ғазаллари таҳлиliga киришар экан, масалани ўзбек ғазалчилигининг тараққиёт тамойилларини ўрганишдан бошлайди ва уни форс-тожик ғазалчилиги билан қиёсий-типологик жиҳатдан солиштира боради. Ғазал мавзуи, ҳажми, композицияси, матлаъ ва мақтаъси, таҳаллуснинг қўлланиши, образлар тизими, лирик чекиниш, радиф каби масалалар тадқиқи Навоий ғазаллари таҳлиliga йўл очади.

¹² Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961. 4-5-бетлар.

Олим Навоий ғазалларини таҳлил қилар экан, улар композициясида унчалик ҳам кўзга ташланавермайдиган ички аломатларни белгилаб беради. Булар:

а) бир мавзудаги ғазаллар; б) кўп мавзули ғазаллар; в) лирик чекинишлар учрайдиган ғазаллар; г) композициясини лирик характер бошқарадиган ғазаллар.

Ғазал поэтикасини қиёсан тадқиқ этишда Ҳайитметов энг кўп мурожаат қилган илмий манба бу— тожик адабиётшуноси Абдуғани Мирзоевнинг “Рудакий ва X-XV асрларда ғазал тараққиёти” асаридир. Мазкур асарида Рудакий, Санойи, Атторм, Румий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз ғазаллари поэтикаси таҳлили мисолида Мирзоев форс-тожик ғазалчилигининг тараққиёт тамойилларини илмий-назарий асослар орқали очиб беради. Муаллиф Н.Шиблий, С.Нафисий, Е.Бертельс, Зебихулло Сафо сингари адабиётшунослар билан баҳсга киришиб, ғазалнинг келиб чиқиши, таркиб топиши ва ривожланишига оид қатор масалалар бўйича муайян хулосаларга келади.¹³

Абдуғани Мирзоевнинг ғазал тарихи ва назариясига оид айрим қарашлари билан Ҳайитметов мунозарага киришса-да, унинг илмий концепциясини, асосан маъқуллайди. Ҳофиз ғазалларига таяниб, Мирзоев ғазалда байтларнинг ўзаро боғланганлиги бу – ғазалнинг асосий ижобий хусусияти деган хулосага келади. Абдуқодир Ҳайитметов кўпгина форс-тожик ва ўзбек шоирларининг ғазаллари таҳлили мисолида бунинг типик ҳодиса эмаслигини исботлайди. Жумладан, ғазалнинг композицион яхлитлигини сақлашда унинг матлаъ, мақтаъ, қофия, радиф, тасвирий ифодалари ҳам муҳим роль ўйнашини таъкидлаган адабиётшунос қуйидагиларни ёзади: “Навоий даврида ғазалнинг матлаиға катта эътибор берилган. Навоий ҳам ўз ижодида шу анъанага амал қилган. Масалан, “Мажолис ун-нафоис” асарида ўзига замондош бўлган 350 дан ортиқ шоирнинг ҳаёти ва ижодига тўхталиб, уларнинг ғазалларидан матлаъларинигина мисолга келтиради ҳамда ғазалларига ва шоирлик маҳоратига шу матълаларга қараб баҳо беради”.¹⁴

Алишер Навоий ғазалларини Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Лутфий, Саккокий шеърлари билан қиёсий ўрганиш асосида олим туркий адабиётда ғазал жанрининг ўзига хос тараққиёт тамойилларига оид муҳим хулосаларга келади.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг кузатишига кўра, Навоийнинг турли жанрлардаги асарларида лирик ҳиссиёт турлича воситалар билан ифодаланган.

¹³ Мирзоев А. Рўдакӣ ва инкишофи ғазал дар асрҳон X-XV. // Сездаҳ мақола. Душанбе, 1977. Саҳифа 5-52.

¹⁴ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 125-бет.

Масалан, муаммоларда киноя, чистонларда юмор, қитъа ва фардларда дидактика, яъни панд-насихат устунлик қилади¹⁵.

Шунингдек адабиётшунос Навоий лирикаси жанрлари тадқиқи доирасида жанрнинг тарихи, ўзига хос хусусиятлари тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритади. Жумладан, ғазал, мухаммас, мустазод, мусамман жанрлари мавзу жиҳатидан ҳам, шакл хусусиятлари жиҳатидан ҳам бир-бирига яқинлигини қайд этар экан, уларнинг деярли ҳаммаси ғазалдан ўсиб чиққан, кенгайтирилган деган илмий-назарий хулосага келади.¹⁶

Турк адабиётшуноси Огоҳ Сирри Леванд 1941 йили чоп этилган “Деван адабиёти” китобида мустазод шеърий шаклининг қадим араб халқ кўшиқларида учрашини ёзган. Абдуқодир Ҳайитметов “Мезон ул-авзон” маълумотларига таяниб, бу вазндаги шеърларнинг ҳам туркий халқлар орасида пайдо бўлганлигини ва тарқалганлигини уқтирар экан, Огоҳ Сирри Леванд қарашларига эътироз билдиради.

Унинг фикрича, мухаммас ғазалнинг бир байтини беш мисрага, мусаддас олти мисрага, мусамман саккиз мисрага кўпайтирилгани, тўғрироғи, ғазал мавзу доирасини янада тўлароқ, атрофлича очиш учун кенгайтирилган шакллاردир.¹⁷

Абдуқодир Ҳайитметов шеърий жанрлар таснифи масаласида Навоий қарашларига яқинлиги боис кўп ўринларда профессор Абдуғани Мирзоев қарашларини маъқуллайди.¹⁸ Чиндан ҳам А. Мирзоевнинг Абдуқодир Ҳайитметов мурожаат қилган китоблари ва кейинчалик нашр этилган асарлари унинг мумтоз адабиётнинг, хусусан, Навоий ижодининг ҳам зукко тадқиқотчиси эканлигини исботлайди. Жумладан, унинг “Сездаҳ мақола” (“Ўн уч мақола”) китобидан ўрин олган “Фоний ва Ҳофиз”, “Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий адабий алоқалари”, “Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”сида Алишер Навоий образи” каби мақолаларида Навоий даҳоси, шеърятининг ғоявий-бадий хусусиятлари, поэтик маҳорати ўзининг янги кирралари билан намоён бўлади.¹⁹

Кўриб ўтганимиздек, Абдуқодир Ҳайитметов Навоий шеърятини ўрганиш жараёнида нафақат унинг шеъряти, балки илмий-назарий қарашларини ҳам асосий ўлчов қилиб олганлигига гувоҳ бўламиз.

“Алишер Навоий тақдири тарихдаги кўп буюк сиймоларнинг тақдирига ўхшайдиган эмас, улардан принципиал фарқ этмайди, – деб ёзган эди академик

¹⁵ Ўша манба. 36-бет

¹⁶ Ўша манба, 67-бет.

¹⁷ Ўша манба, 67-бет.

¹⁸ Ўша манба, 70-бет.

¹⁹ Мирзоев А. Сездаҳ мақола. Саҳ. 211-239, 266-274.

И.Султон,—ўша ёлғизлик, ўз ижтимоий муҳити билан нифоқ, умидлар билан воқелик орасидаги ер билан осмондек масофани идрок этган ақлнинг даҳшати, ўша ушалмаган орзулар надомати... Аммо, бахтимизга, Алишер Навоий сиймоси ва ижодида муқаддас надоматдан ҳам савоблироқ ва қудратлироқ динамит бор: ҳаётга кўнгил бериш, ҳаётнинг жамолидан маст-аластлик...”²⁰

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий лирикасини текшириш жараёнида ундаги ҳаётга муҳаббат, ҳаётга ошуфталик сифатларини тўғри англаб, изчил тадқиқ этгани ҳолда баъзи ўринларда Иззат Султон айтганидек, “муқаддас надомат”га шўро мафкураси нуқтаи назари билан ёндашади. Бундай ёндашув, дастлабки саҳифаларида аниқроқ кўзга ташланади. Чунончи, “Навоийнинг лирик қаҳрамони ёки лирик образи қанча ақлли, виждонли, серфазилят, инсонпарвар, халқпарвар, муҳитидан норози, унга душман бўлмасин, умуман, у бизнинг давримиздан, тушунчамиздан анча узоқ бир киши. У ўз ёғига ўзи қоврилади, қийналади, азоб чекади, лекин ўз мақсадига етишиш учун актив курашиш, жамиятни ўзгартириш зарурлигини тушунолмади”²¹, — деб ёзади муаллиф. Назаримизда, адабиётшунос Навоий лирик қаҳрамонига бундай талаб қўйиб бўлмаслигини била туриб, атайлаб шундай дейишга мажбур бўлган. Чунки, тадқиқотнинг кейинги фаслларида муаллиф юқоридаги фикрига қарши бориб, Навоий лирик қаҳрамони сиймосидаги ҳақпарварлик, инсонпарварлик, ҳаётсеварлик фазилятларини исботлаб беради. Навоийшунос Иброҳим Ҳаққул асосли таъкидлаганидек, “Навоий тўғрисида баҳс юритган ҳеч бир олим шўро мафкураси томонидан белгиланган чизикдан четга чиқа олгани йўқ. Айтиш зарур бўлган фикр-мулоҳазаларнинг аксарияти тадқиқотчиларнинг кўнглида қолиб кетганлиги энди сир эмас”.²²

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий шеърининг ўрганар экан, ҳар бир шеърнинг поэтик ғоясини англаш, анъанавий образлар замиридаги маъно қатламларини идрок этиш, оламни шоирнинг лирик қаҳрамонидек қабул қилишга ҳаракат қилади. Ҳазаллардаги ботиний туйғуни, шоирона руҳни, ҳолатдаги зиддиятлар замиридаги завқ-шавқни ҳис этади ва ёритади. Жумладан у шундай ёзади: “Навоий дунёга ошиқ-шоир кўзи билан қарар, уни осмондаги қуёшнинг учиши ҳам, юлдузларнинг ярқираши ҳам, булбулларнинг нағмаси ҳам, бинафшанинг мўлтираб маъсумона боқиши ҳам, гулларнинг иси ҳам, итларнинг увиллаши ҳам, отлиқнинг чопиши ҳам, гадонинг тиланиши ҳам, аёлларнинг гўзаллиги ҳам, муродга етолмаган севувчиларнинг ғиғони ҳам, дарёларнинг оқиши ҳам, денгизларнинг чайқалиши ҳам, сарвнинг ўсиши ҳам, янги чиққан ойнинг ярим ҳалқаси ҳам, одамлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги

²⁰ Султон И. Устод сабоқлари // “Совет Ўзбекистони” газетаси, 1966, 9-февраль.

²¹ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 21-бет.

²² Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. Тошкент, 2007. 110-бет.

муносабатларнинг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам — ҳамма-ҳаммаси унинг диққатини ўзига тортар, ҳар нафасда унинг шоирлик илҳомини кўзғар эди”.²³

“Навоий лирикаси”нинг биринчи қисмида юқорида қайд этилган мавзу ва мотивлар умумий тарзда тадқиқ этилади. Унинг “Навоий лирикасининг тематик хусусиятлари” бобида муаллиф шоир дунёқараши, ҳукмрон идеал замондан шикоят оҳанглари, ишқ, ҳижрон, май мавзулар, марсия, автобиографик характер (ҳасби ҳол)даги ранг-барангликларни бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда таҳлил ва талқин қилади.

Маълумки, лирик қаҳрамон масаласи адабиётшуносликнинг муҳим назарий масалаларидан саналади. Мавжуд назарий қўлланмалар, дарсликлар ва изоҳли луғатларда бу масала турлича талқин қилинади. Ҳайитметов тадқиқотининг катта бир боби ҳам шу муаммони ўрганишга бағишланган. “Навоий лирикасидаги асосий образлар” деб номланган ушбу бобда у шоир шеъриятидаги уч асосий образни: лирик қаҳрамон, шоир образи, лирик персонажга ажратади. Чинданам ошиқ, шоир, унинг ҳаёлот дунёсидан туғилган тўқима образлар бирлашиб лирик қаҳрамон образини яратади, яъни яна-да соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, Навоий, Навоийнинг ижодий фантазиясидан туғилган Навоий ҳамда ошиқ образлари лирик қаҳрамон сиймосида қуйма ҳолатга келади. Абдуқодир Ҳайитметов “адабий маънодаги, маълум даражада тўқима образ — лирик қаҳрамон билан шоир образини бир-биридан бутунлай ажратган ҳолда тушуниш асло мумкин эмас”²⁴лигини тўғри қайд этади ҳамда шоир образи автобиографик шеърларида аниқ намоён бўлишини шундай характердаги шеърлар мисолида исботлайди²⁵. Бироқ олимнинг лирик персонаж талқини масаласидаги мулоҳазаларига қўшилиш қийин. Унингча, ғазалда таърифу тавсиф этилаётган шахс, яъни гўзал лирик персонаж бўла олади. У Алишер Навоийнинг:

*Кирди симобий либос ичра яна ул гулузор —
Ул қуёшдекким, анга монёъ бўлур абри баҳор.*

*Ул булут янглиз либос ичра сизилгон хатлари,
Бор анингдекким, ёгин тушгай булутдин тор-тор.*

*Бу либоси сиймгул ичра сенинг нозик танинг—
Ул қумушдекдурким, ул сиймоб аро тутқай қарор...*

²³ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 105-бет.

²⁴ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 164-бет.

²⁵ Ўша манба, 165-бет.

каби мисраларини таҳлил қилар экан, қуйидаги хулосаларга келади: “Гарчи унинг тасвири ошиқ-шоир номидан бораётган бўлса ҳам, бундаги киши диққатини тортаётган асосий одам – симобранг либос кийган гўзалдир. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, ғазалнинг асосий қаҳрамони ҳам шу гўзал ҳисобланмоғи керак. Унинг ҳақида сўзлаётган одамни шоир десак, у вақтда бундай ғазаллардаги асосий киши образини персонаж, яъни лирик шеърда биринчи планда тасвирланаётган, асосий ўринга чиқиб қолаётган, асарнинг гоёвий-бадий йўналишини, қимматини белгилаётган лирик персонаж ҳам деб айтиш мумкин бўлади”.²⁶

Бизнингча, ғазалда таъриф-тавсиф этилаётган гўзал лирик персонаж бўлолмайди. “Персонаж” – атамаси “шахс” маъносини англатади, демак, у лирик персонаж бўлиши учун шахсий қарашларига, ўзига хос феъл-атворга эга бўлиши керак. Биз бу ўринда симобранг либос кийган у гўзалнинг фақат суратинигина кўриб турибмиз ва лирик қаҳрамоннинг унга бўлган муносабати асосий ўринда турибди. Лирик персонаж бўлиши учун маъшуқа образи бирор бир масалада фикр-мулоҳазасини, истак-талабини, кечинма-ҳиссиётини билдириши зарур.

Назаримизда, Абдуқодир Ҳайитметов юқоридаги ғазалда маъшуқа образига нисбатан ишлатган лирик персонаж атамасини Алишер Навоийнинг савол-жавоб ёки диалог шаклида ёзган ғазалларига тадбиқ этиш ўринли бўлса керак. Бундай ғазалларда лирик қаҳрамон саволларига жавоб бераётган маъшуқа ўз жавобларида ички руҳий оламини, у ёки бу нарсага хоҳиш-майлини, истак ё орзусини – хуллас, характерининг маълум бир белгисини намоён қилади.

Абдуқодир Ҳайитметов Алишер Навоий лирик қаҳрамони характерида намоён бўлган сифатларни ҳам учга бўлиб ўрганади: ошиқ, ринд, мутафаккир. Гарчи шоир лирик қаҳрамони табиатидаги ошиқликни риндликдан айри тасаввур этиб бўлмаса-да, лекин таҳлил қилинаётган муайян ғазалнинг мавзу йўналишидан унда лирик қаҳрамоннинг қай бир хусусияти етакчилик қилаётганини аниқлаш мумкин бўлади. Шу билан бирга лирик қаҳрамон характеридаги маълум хусусиятни ажратиш маълум асар моҳиятига киришга кўмак беради.

Навоий шеърлятида образларнинг серқирралигини маъшуқа образи мисолида ҳам кўрса бўлади. Шоир ғазалиётида маъшуқа образи мисолида ёр образи қарама-қарши қутбларнинг бир бутунликка айланган тимсоли сифатида рўёбга чиқади. Чунончи, ундаги ижобий хислатлар янги чиққан ой, қуёш, гул ва бошқа тимсолларда кўринса, салбий хислатлар бемехр, бевафо, душман,

²⁶ Ўша манба, 168-169-бетлар.

қотил, жаллод, худбин, маккора сингари қатор сифатларда аксини топади ҳамда образнинг ички мазмунини характерлайди.

Маъшуқа – ошиқ, яъни лирик қаҳрамон ички кечинмаларини ҳаракатга солувчи, унинг ҳис-туйғуларига парвоз бағишловчи образдир. Кечинмалар қуюқлиги ва муттасиллигини таъминлашда рақиб - муддаий образи ҳам муҳим ўрин тутади. Тадқиқотда ошиқона ғазаллар қурилишида ошиқ, маъшуқадан кейинги асосий учликдан бирини ташкил этувчи рақиб образи шайх, зоҳид каби образлар қаторида умумий тарзда таҳлилга тортилади. Бизнингча, ошиқона ғазаллар композициясида асосий ўрин эгаллаган рақиб образини алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганиш ғазал поэтикаси хусусиятларини тўлароқ очишга хизмат қилади.

“Навоий лирикаси”да лирик қаҳрамон характерининг бир қирраси бўлган риндликка алоҳида бир фасл бағишланган. Май, ринд мавзулари Шарқ мумтоз адабиётда қадим тарихга эга. Рудакий бошлаб берган бу анъанани Ҳофиз Шерозий юқори пардаларда тасвирлайди. Абдуқодир Ҳайитметов Навоий шеъриятида риндлик масаласини текширар экан, аввало, бу жиҳатга реалистик нуқтаи назардан ёндашса-да, “шу билан бирга сўфий адабиётда “фано майи” термини ҳам бор. Бу эса мистик мазмунда бўлиб, худонинг жамолини кўриш, ундан баҳраманд бўлишни билдиради. Соқий эса худодир. Навоий ғазалларида бу хил майни кўзда тутган моментлар ҳам бор”,– дея эътироф этади.²⁷

Алишер Навоий “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида ўзининг отахон устози Саййид Ҳасаннинг бир вақтлар ичкиликка қаттиқ берилганлигини ҳикоя қилади. “Бобурнома”да ёзилишича, Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари рўза кунларида ичкиликка ружу қўйганлигини баён этилган. Навоий даврида маст бўлиб юрадиганлар ўзларини ринд деб атаганлари чин. Абдуқодир Ҳайитметов Навоий лирикасидаги ринд фақат анъанавий, тасаввуфий мазмундаги риндгина эмас, шу билан бирга ҳаётдаги реалистик шахс ҳамдир деган хулосаларга келади. Навоий лирикасидаги ринд образига бирёқлама муносабатда бўлиш, уни сўфий ринд, ёки ҳаётда учраб турадиган майпараст дея тасвирлаш шоир талқинидаги ринднинг поэтик қиёфасини хиралаштирган бўларди. Бироқ, ушбу масала бўйича талқин этилган ғазалларнинг аксариятига муаллиф реалистик ҳаётий ҳодисалар сифатида ёндашади. Ҳар бир деталь, қиёслаш, тасвирий воситаларнинг ҳаётий илдизларига эътибор қаратади. Масалан, муаллиф бир ўринда: “Ринд – Навоий нима учун май ичмоқда? Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, давр ва киши умри ўткинчи. Бу умрни ғам-ташвиш билан эмас, хурсандчилик билан

²⁷Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 229-бет

ўтказиш керак. Май эса хурсандчилик симболидир. Аслини олганда, Навоий май термини остида дунёвий шодлик ва хурсандчиликни назарда тутди. Шунинг учун Навоий лирикасидаги майни дунёвий мазмунда тушуниш керак, лекин уни ҳаммавақт ҳарфма-ҳарф тушуниш шарт эмас”.²⁸

XX асрнинг 80-йилларига қадар тасаввуф “зарарли”, “идеалистик”, “мистик”, “хукмдорлар манфаатига хизмат қилган” таълимот ҳисобланарди. Шунинг учун тадқиқотчилар Навоий асарларини бу таълимотга алоқасиздек талқин қилишга ҳаракат қилганлар. Чунончи, “Навоий лирикаси” асарида ринд образи билан бирга ёр образига ҳам кўпроқ дунёвий мазмун бериш тамойили сезилади. “Сўфизм таълимоти,—деб ёзади Абдуқодир Ҳайитметов, — X-XI асрларда пайдо бўла бошлади. Лирикада ёр образига илоҳий тус бериш эса, сўфиёна адабиётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан (XII-XIII асрлар) боғлиқдир... Навоий ўзбек ва форс-тожик ёзма ва оғзаки адабиётларининг энг соғлом традицияларини ўз лирикасида давом эттирди. Шундай экан, Навоий лирикасидаги “ёр”образига мистик тус бериш хато бўлур эди”.²⁹

Абдуқодир Ҳайитметов Алишер Навоий шеърини унинг диний, тасаввуфий, дунёвий-фалсафий қарашлари синтези маҳсули эканлигини тўғри эътироф этади. Талқинда эса кўпроқ дунёвий мазмун акс эттирилган ғазалларга кенг ўрин беради.

Адабиётшунос олим 70-йилларнинг иккинчи ярмидан кейин яратган тадқиқотларида “психологик тасвир” иборасини илмий истеъмолга киритади. Унинг 1976 йилда ёзган “Дунёвий лирикада психологизм” мақоласида Гадоий, Лутфий, Атойи, Саккокий каби мумтоз сўз санъаткорлари ижодида лирик қаҳрамоннинг ички руҳий олами моҳирона акс эттирилганлигини тасдиқлайди. Бу мақола кейинчалик Алишер Навоийнинг ғазалчиликдаги психологик тасвир маҳоратини кўрсатишга йўл очди.³⁰

Навоийнинг ғазаллари ва бошқа шеърини асарларидаги поэтик маҳорати лирик қаҳрамоннинг ички оламини, руҳиятини изчил ва ҳар томонлама очганлигида намоён бўлади. Шу сабаб Абдуқодир Ҳайитметов бу масалани алоҳида мавзу сифатида текширади.

*Кўнгиллар ноласи зулфинг камандин ногаҳон кўргач,
Эрур андоқки, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.*

Байтини таҳлил қилган тадқиқотчига кўра, “шарқ шеъриятида ёрнинг қадди ҳақида гап борганда, албатта, сарв эслатиб ўтилганидек, унинг сочи

²⁸ Ўша манба, 230-бет.

²⁹ Ўша манба, 172-бет.

³⁰ Ҳайитметов А. Табаррук излар изидан. Тошкент, 1979. 64-81-бетлар.

таърифланганда илон билан боғлиқ бир гап бўлади. Навоийнинг ушбу байтида ҳам шу традиция сақланган. Аммо байтдаги психологик тасвирнинг эмоционаллиги билан шоир шартлилик, схематизм, традиционаллик доирасидан дадил чиқиб кета олган”.³¹

Бу хилдаги ҳаётий манзаралар ва қиёслар орқали лирик қаҳрамон кўнгил кечинмаларини объективлаштириш натижасида шоирнинг лирик тасвири психологик характер касб этган.

Навоий лирикасини ўрганишда олим ҳамма вақт девон дебочаларига энг қимматли манба сифатида ёндашади. Навоий шеърий меросининг жанрий хусусиятларини ўрганиш масаласи шоир шеърияти тадқиқининг устувор масаласи ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Абдуқодир Ҳайитметов шеърият таҳлилида ҳар бир жанрнинг ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама тадқиқ этади. Навоий лирикасида асосий ўрин тутувчи ғазал жанри таҳлилида олим ғазаллардаги айрим байт ва мисралар қатига сингдирилган мазмун моҳият билан чекланиб қолмай, ундаги асосий йўналишни, ғазалнинг бутун руҳини ташкил этган ички қувватни текширади, шу боисдан ҳам уни яхлит ҳолда таҳлил қилади ва умумлашма хулосалар чиқаради. Биргина “Навоий лирикаси” китобида шоирнинг шундай 76 та ғазалининг таҳлилида бунга гувоҳ бўламиз. Олим “ғазалга ўзбек адабиёти тарихида катта ўрин эгаллаган, ўз қонун қоидаларига эга бўлган бир бутун бадиий асар”³² сифатида қарайди, ғазалчиликда ҳар битта янги унсурнинг шоир ижодий ютуғи эканлигини таъкидлайди.³³

Навоий ғазалларининг тили, услуби, композицион қурилиши, турли-туман байтларнинг мазмун ва шаклан бир-бирлари билан табиий боғланиб кетиши ва бошқа муҳим жиҳатлар тадқиқотчи ишларида нозик кузатилади ҳамда улар ҳақида эътиборли фикрлар баён қилинади.

“Бадиий адабиётнинг ҳақиқий тараққиёти сўз санъаткорларининг инсон қалбига, руҳиятига қанчалик кира билгани, сўз орқали унинг сезимларига таъсир кўрсата олгани билан аҳамиятли. Шеърият инсоннинг ички оламига, психологиясига чуқур таъсир ўтказиши билан қудратли. Бунинг учун эса унда психологик кечинмалар тасвири кенг ўрин олиши шарт”.³⁴ Навоий ижодидаги ички руҳий ҳолат тасвири, лирик қаҳрамоннинг ботиний аҳволи руҳиясини бутун чуқурлиги ва нозиклик билан тасвирланган ўринларни оддий ўқувчи тезда англай бермайди. Абдуқодир Ҳайитметовнинг бир қанча тадқиқотлари

³¹ Ҳайитметов А. Мерос ва ихлос. Тошкент, 1985. 29-бет.

³² Валихўжаев Б. Навоий лирикаси ҳақида тадқиқот // Ўзбек тили ва адабиёти, 1963, 1-сон, 74-бет.

³³ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 108-бет.

³⁴ Ҳаққулов И. “Табаррук излар изидан...” // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979, 10-сон, 76-бет.

яратилишида шоир лирикасидаги психологик тасвир ва унинг бадиий талқини масалалари сабаб бўлди. “Дунёвий лирикада психологизм”³⁵, “Ғазалда психологик тасвир маҳорати”³⁶, “Ғазалда ички руҳий ҳолат тасвири”³⁷ сингари илмий-назарий мақолаларида Навоий ижодидаги ошиқнинг, кўп ўринларда ошиқ-шоирнинг ички руҳий дунёсини очиб беришга қаратилган жиҳатлар, психологик тасвир билан боғлиқ хусусиятлар теран таҳлил қилинган. Олим “руҳий ҳолат тасвири орқали образнинг моҳияти, инсоннинг ички дунёси очиб берилади”³⁸, деганда тўла ҳақ эди. Шу билан бирга руҳий ҳолат тасвири Навоий асарларида алоҳида мақсадга эмас, ижодкорнинг ниятини чуқурроқ англашга, инсоннинг мураккаб ҳилқат эканлигини тўғри тушуниб олишга қаратилгандир.

Олимнинг тадқиқотларида ички руҳий ҳолат тасвири билан боғлиқ Навоий шеъриятидаги бу хусусиятлар унинг ҳасби хол мазмунидаги ғазал ва рубоийларида, мухаммас, таржибанд ва бошқа жанрдаги асарларидан ўрин олганлиги назарда тутилади. Шоир бадиий маҳоратини ўрганиш борасида ички руҳий ҳолат тасвир йўналишида уларни таҳлил қилиш зарурлиги ўртага ташланади.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий ғазалларидаги психологизмни лирик қаҳрамон ҳолати, ўй-кечинмалари асносида таҳлил қилар экан, лирик қаҳрамоннинг ошиқлик ҳолатининг руҳий манзараси “кўнгиллар ноласи”, “*Ишқ дардида ғизон чекиб, Телба кўнглум жавридин андоқ парижон ҳолмен*”, “*Хомтама кўнглим дудогингни тилаб афгон қилур*” каби кўнгил кечинмалари, ички дард, ҳаяжон ва изтироблари, қалб ўртанишлари, қайғу ва ҳасратлари тасвирида акс этса, психологик ҳолатнинг яна бир кўриниши баъзан ҳазил, кулги орқали ифода этилганлигини кўрамиз. Олим бунга мисол тариқасида Навоийнинг бир байтида келтирилган кулгили ҳолатни, яъни ошиқ ўз севгилисининг дудоғини, лабини орзу қилиб, бошини ҳар деворга уриб ғизон чеккан ҳолатни ўқувчига қизиқарли, юмористик йўсинда етказди.

Умуман олганда, психологик тасвир ижодкорнинг поэтик ғоясини чуқур ва таъсирчан очишга, ҳаётий зиддият ва чигалликларнинг кўнгилдаги акс-садосини аниқроқ ифодалашга, руҳий ҳолат ва кечинманинг авж пардаларини сусайтирмасликка йўналтирилган адабий усулдирки, бу Навоий лирикасида теранлик, ҳассослик билан қўлланилган. Абдуқодир Ҳайитметовнинг мақоласида илгари сурилган фикр-мулоҳазаларини умумлаштирадиган бўлсак,

³⁵ Ҳайитметов А. Табаррук излар изидан. Тошкент, 1979. 64-81 бетлар.

³⁶ Ҳайитметов А. Мерос ва ихлос. Тошкент, 1985. 27-35 бетлар.

³⁷ Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. Тошкент, 1993. 60- 67 бетлар.

³⁸ Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. 61-бет.

психологик тасвир улуғ шоир шеъриятида полифонизмдан ташқари ҳаётӣ, юмористик, трагик, драматик бўёқларда ўз ифодасини топган.

Мумтоз адабиётимизда қитъа – шеъриятнинг қадимий турларидан бири бўлиб, **кесик, парча, қисм, бўлак** маъноларини англатади. Унинг кўплиги муқаттот деб юритилиб, арузнинг ҳамма вазнларида яратилади. Қитъа ҳақида Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида шундай маълумот беради: “Қитъа улдурким, аввалғи мисрасинда қофия бўлмас. Ва ақалли (кичиги)икки байт бўлур. Ва мунинг ҳам аксари муқаррар эрмас. Ҳар нечаким қофия тобсалар айтурлар”³⁹. Кўринадики, қитъа қофияланиши, шакл кўриниши, мавзу доирасининг кенглиги билан бошқа шеърий жанрлардан, хусусан, ғазалдан фарқ қилади.

Қитъа жанрининг илк намуналари форс-тожик адабиётида Ибн Ямин Фарюмодий ижодида учрайди. Унинг “Девони муқаттот” номли асарини мингга яқин қитъа ташкил этади.⁴⁰ Ўзбек адабиётида эса қитъанинг дастлабки намуналари Хоразмий “Муҳаббатнома”сидаги “*Таъма доминда қолур қуш эмас мен*”⁴¹, деб бошланадиган ўзи ҳақидаги фахрия мазмунидаги қитъадир. Бу анъана мумтоз адабиётимиз тарихида Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Бобур, Мунис, Огаҳий ҳамда Аваз каби сўз санъаткорлари ижодида давом эттирилди.

Алишер Навоий шеъриятида қитъалар алоҳида ўринга эга. Шоир қитъаларининг 210таси “Хазойин ул-маоний” девонига киритилган. “Девони Фоний”да ҳам 70 дан ортиқ қитъа борлигини ҳисобга олсак, Навоий 300 га яқин ўзбекча ва форсий қитъалар ёзганига гувоҳ бўламиз. Қитъаларда, асосан, ижтимоий, фалсафий-ахлоқий мавзулар бадий акс этган.

Навоийшунослик соҳасида шоир қитъалари тадқиқига доир қарашларни А. Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Б.Валихўжаев, Р.Орзибеков, Ё. Исҳоқов, И. Ҳаққул ҳамда С. Олим⁴² сингари бир қатор адабиётшуносларнинг ишларида кузатиш мумкин. Бу борадаги тадқиқотларда қитъанинг Навоий шеъриятидаги ўзига хос аҳамияти, мавзу доираси, бадий қиммати хусусида қимматли фикрлар билдирилган.

Шоирнинг баъзи қитъалари кейинчалик унинг ғазалларига асос бўлганлигига гувоҳ бўламиз⁴³. Навоий қитъаларининг жуда кўпчилиги ҳаётӣ

³⁹ Шайх Аҳмад Тарозий . Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002, 1-сон, 83-бет.

⁴⁰ Ибронов С. Ибн Ямин Фарюмади. Душанбе, 1966.

⁴¹ Муборак мактублар. Хоразмий. Муҳаббатнома. Тошкент, 1987. 38-бет

⁴² Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 1961; Ҳаётбахш чашма. Тошкент, 1974; Адабий меросимиз уфқлари. Тошкент, 1997; Абдуғафуров А. Навоий қитъаларининг сарлавҳалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, 1-сон; Валихўжаев Б. Навоий шеърияти. Самарқанд, 2002; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент. 1983; Ҳаққулов И. Камол эт касбким. Тошкент, 1991; Олим С. Лукмаи ҳалол. Тошкент, 1997.

⁴³ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 127-бет.

ва илмий-адабий аҳамиятга молик бўлиб, шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Чунки Навоий қитъалари асосан анъанавий мазмун ва шакллар, анъанавий образлар билан эмас, балки тўғридан-тўғри ҳаёт билан, шоирнинг турмуши билан боғланган. Бу улуғ шоирнинг у ёки бу ҳодисалар муносабати билан яратган бадиалар туркуми, ҳаётий мушоҳада-ўйланининг шеърий изоҳлари ва хулосаларидир.

Навоий қитъаларининг мавзу доираси бағоят кенг бўлганлиги учун, “бадийликда мавжуд ҳаёт нафаси билан йўғрилган бўлиб, уларни шоирнинг ўзи ҳикмат сувидан баҳраманд бокқа қиёслаган эди”⁴⁴.

*Мундоқ муқаттаотким, мен йиғмишам эрур,
Ҳар бир ҳадиқаи хирад айлар учун фароғ.*

*Мажмуин уйла кишвари англаки, сатҳини,
Ҳикмат суйидин айламишам қитъа-қитъа боғ.*⁴⁵

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий ижодий методи масалаларига бағишланган тадқиқотида ёзади: “Навоий лирикасида метод нуқтаи назаридан кўзга ташланадиган муҳим томонларидан бири – унда реалистик элементларнинг ҳам тез-тез учрашидир. Биз бунда ҳар томонлама реалистик характерга эга бўлган шеърлар билан бир қаторда реализмга кўп тамойил кўрсатувчи шеърий формаларни ҳам кўрамиз”⁴⁶. Мазкур фикрлар далили Навоий қитъаларида ҳам акс этган бўлиб, реалистик характерга эга: шоир яшаган давр ва ижтимоий муҳит, шахсий ҳаёти ва ижодига дахлдор мавзулар кўп учраши билан ажралиб туради. Бунинг биргина “Навоий шеъри тўққиз байту, ўн бир байт, ўн уч байт” мисраси билан бошланадиган қитъасида ҳам кўришимиз ўринли. Шоир ўз ғазалларидаги поэтик маҳорати ҳақида тўхталиб, уларда “дурру маҳкум”, яъни яширинган дурлар борлигига ишора қилади.

Шоир қитъалари ҳаётий мушоҳаданинг кенглиги, лирик қаҳрамоннинг муайян масалага аниқ муносабат билдириши, реал ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлиги, умуман Навоий таржимаи ҳолини аниқлаштириш бўйича ҳам жиддий аҳамиятга эгалиги билан эътиборга молик.

⁴⁴ Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. Тошкент. 1997. 204-бет.

⁷ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик, 6-том. Фавойид ул-кибар. Тошкент, 1990. 520-бет.

⁸ Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижодий методи масалалари. Тошкент. 1963. 126-бет

⁹ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 125-бет

Навоий китъаларининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, уларнинг “Хазойин ул-маоний”га киритилган барча намуналарида махсус сарлавҳалар мавжуд. Адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов Навоий китъаларига сарлавҳа қўйиш сабабини бир ўринда: “Навоий китъаларининг ҳар бирига сарлавҳа қўйишнинг сабаби шундаки, у ўз китъаларининг ижтимоий аҳамиятини реал тушунар эди, ва уларнинг ўз адресатига тўғри етиб боришини, тез англанишини истар эди”⁴⁸ деб кўрсатса, яна бир ўринда китъаларга сарлавҳа қўйишини қайси мақсадда ёзганини таъкидлаш учун шу йўлни тутганлигини қайд этади.⁴⁸ Абдуқодир Ҳайитметовнинг китъалар сарлавҳаси масаласида билдирган фикрлари кейинчалик қизгин баҳс-мунозараларнинг бошланишига сабаб бўлди.⁴⁹ Абдурашид Абдуғафуров ўз мақоласида сарлавҳаларнинг “Навоий томонидан қўйилганлигига жиддий шубҳа”⁵⁰ билдиради. Олимнинг таъкидлашича, китъа сарлавҳаларининг кейинчалик (яъни “Хазойин ул-маоний” тузилаётганда, чунки “Бадоеъ ул-бидоя”га киритилганда китъалар сарлавҳасиз эди), уларда муаллифга нисбатан учинчи шахсда мурожаат қилиниши сарлавҳаларнинг Навоий томонидан эмас, балки уни яхши билган, китъаларнинг ижодий тарихидан хабардор котиб томонидан қўйилган дейиш учун асос беради.

Бу баҳсда қатнашган адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқов эса, кўпроқ Абдуқодир Ҳайитметов мақоласида илгари сурилган қарашларни ёқлайди, асосли далиллар билан сарлавҳаларнинг Навоий томонидан қўйилганлигини исботлайди. Унинг аниқлашича, Навоий ўз китъаларига сарлавҳа қўйишда Анварий ижодий анъанасига эргашган. Анварий девонидаги юзлаб китъаларнинг барчасига сарлавҳа қўйилган. Бу ҳодисанинг Навоийга таъсири унинг Анварий ижодига бўлган ҳурмати, эътиқоди нақадар юксаклиги билан исботланади. Шоирнинг сарлавҳаларда номи ёки тахаллусини учинчи шахсда бериши эса ғазалда кенг қўлланилган поэтик усул билан алоқадор.

Шоир китъада айтмоқчи бўлган гапининг қарийб ярмини сарлавҳадаёқ ўқувчига маълум қилади. Сарлавҳа баъзан бутун бошли бир жумлани ташкил этади. Айрим сарлавҳаларда мазмун амалда тўла баён этиб қўя қолиниши⁵¹

⁴⁸ Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. 204-бет.

⁴⁹ Қаранг: Абдуғафуров А. Навоий китъаларининг сарлавҳалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, 1-сон; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент, 1983. 66-78-бетлар.

⁵⁰ Абдуғафуров А. Навоий китъаларининг сарлавҳалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, 1-сон.

⁵¹ Олим С. Лукмаи ҳалол. Тошкент. 118-бет.

ҳамда улар шунчаки сарлавҳа бўлмай, балки, қитъанинг узвий бир қисмини ташкил этиши хусусида мулоҳазалар билдирилган⁵².

Навоий ижодида қитъалардан ташқари “Ҳамса” дostonларида ҳам насрий сарлавҳалар мавжуд бўлиб, улар бадиият намунаси саналади.

Фикримизча, Навоий шеъриятидаги қитъа жанридаги асарлар анъанавийлик асосида, яъни уларга махсус сарлавҳалар қўйиш Анварий ижодига хос услуб бўлса, Ибн Яминнинг моҳир қитъа яратувчи сифатидаги таъсири биринчи маротаба шоир ижодида кўзга ташланади. Шундай бўлса-да, Навоий қитъалари новаторлик мақомига кўтарилди.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий шеърияти масалаларини талқин этар экан, ҳар бир шеърӣ жанр Навоий ижодидаги, адабиётимиз тарихидаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратади. “Навоий лирикаси” асарида таҳлилга кенг ўрин берилган жанрлардан бири рубоӣдир. “Ҳазӣин ул-маонӣ”нинг биринчи девони, “Ғаройиб ус-сиғар”да 133та рубоӣ киритилганини аниқлаган олим унинг бу шеърӣ жанри билан, хусусан, илмӣ тафаккур соҳасига жуда яқиндан боғланганлигини, шунингдек илмӣ-адабий, насрий асарлари: “Мезон ул-авзон”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Маҳбуб ул-қулуб” ва бошқаларда ўнлаб оригинал рубоӣлар яратганини, жумладан, “Ҳазойин ул-маонӣ”нинг “Дебача”сида бу ҳисобга кирмаган 30 та рубоӣси учрашини қайд этади.⁵³

Кейинчалик адабиётшунос шу мавзуга яна мурожаат қилиб, “Расмӣ девонларга кирмаган шеърлар” мақоласини эълон қилди.⁵⁴ Унда тадқиқотчи бу тизмага оид шеърларни икки гуруҳга бўлади:

1. Шоирнинг илмӣ-филологик, тарихӣ ва насрий асарлари таркибидаги шеърлари.
2. Шоирнинг бошқа авторлар асарларида эслатилган ва ўша манбалар орқали бизга маълум бўлган шеърлари.⁵⁵

Кўринадики, Абдуқодир Ҳайитметов томонидан аниқланган Навоийнинг насрий ва илмӣ-филологик асарларидаги 100 дан ортиқ рубоӣлар, қитъа ва маснавӣлар, мустақил байт ва ўзга назм намуналари шоир шеъриятини мазмун эътибори билан ҳам, бадиӣлик нуқтаи назаридан ҳам тўлдиради ва унга тарихӣ аниқлик бағишлайди.

Абдуқодир Ҳайитметов улуг шоир лирикаси мисолида унинг поэтик маҳорати қирраларини кашф этиш билан бирга, адабиётшуносликнинг, хусусан,

⁵² Қаранг: Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. Тошкент. 106-бет.

⁵³ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 58-бет.

⁵⁴ Қаранг: Ҳайитметов А. Расмӣ девонларга кирмаган шеърлар // Мерос ва ихлос. Тошкент, 1985. 10-бет.

⁵⁵ Ўша манба, 10-бет.

навоийшуносликнинг келгусида амалга оширилиши зарур бўлган долзарб муоммоларни кўрсатиб берди. Захматкаш олим илмий мақолалар доирасида сўз юритган Навоийнинг расмий девонига киритилмаган, яъни илмий, насрий ҳамда номаларидаги шеърлар, шеърий парчалар муоммоси, пейзаж шеърлари, психологик тасвир маҳорати, “Девони Фоний”нинг ғоявий-бадий хусусиятлари, Навоий лирикасининг издошларига таъсири, шоирнинг расмий девонларига кирмаган шеърлари поэтикаси каби қатор йирик масалалар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

II. НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАРИ ТАДҚИҚИ

Бадий сўз санъатига оид адабий-танқидий қарашлар улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодининг ажралмас бир қисмини ташкил этади. Илмда такрор-такрор таъкидланганидек, Алишер Навоийнинг сўз санъатига доир тушунчалари ўзигача маълум ва машҳур бўлган араб, юнон, форс-тожик, ўзбек, озарбайжон халқларидаги адабий-танқидий қарашлар доирасида шаклланди, камол топди ҳамда унинг ижодий ёндашуви билан янги сифат босқичига кўтарилди. Улуғ шоирнинг лирик, лиро-эпик, насрий асарларида Эрон, Чин (Хитой), Юнонистон, Арманистон, Ажам ва Араб юртларига оид лавҳалар, у юртлар кишисининг феъл-атворига оид характерли белгилар, шунингдек, бутун шарқ маданиятида қайта-қайта ишланган сайёр сюжетларга мурожаат қилиши ҳамда бошқа кўплаб асослар унинг бу халқлар маданиятидан яхши хабардор бўлганлигини англатиш билан бирга ижодий қамров доираси ниҳоятда кенглигидан ҳам дарак беради.

Юқорида қайд этилган юртлар шунчаки жўғрофий жой номлари эмас, балки улуғ ижодкорнинг қаҳрамонлари ҳаракат қиладиган, фаолият кўрсатадиган бадий кенгликлардир. Ана шу қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, нутқи, руҳий ҳолати, турмуш тарзи, юриш-туриши ва бошқа жиҳатларидан Алишер Навоийнинг ғоявий-эстетик қарашларини англаш қийин эмас.

Шу боис Абдуқодир Ҳайитметов Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини бадиий асарлари билан бир бутунликда текширади. Унинг 1959 йилда чоп этилган “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” номли асари мутафаккир ижодкорнинг адабий-танқидий қарашлари монографик асосда таҳлил қилинган илк тадқиқотдир.

Адабиётшунос Абдурахмон Саъдий “Адабиёт олими ва танқидчиси сифатида Мир Алишер Навоий” мақоласида Навоийнинг ўзигача бўлган танқидчиликдан юқори кўтарилгани, бу танқидчиликнинг илмий-назарий асослари, замондош шоирларга муносабати ҳамда “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Мезон ул-авзон” каби асарлари борасида муҳим мулоҳазаларни билдиради.⁵⁶

Е.Э.Бертельснинг “Навоий”⁵⁷, Ҳ.Олимжоннинг “Фарҳод ва Ширин”⁵⁸, Ҳ.Ёқубовнинг “Навоийнинг “Сабаи сайёр” достони”, С.Айнийнинг “Алишер Навоий” каби асарларида Алишер Навоий адабий-танқидий қарашларининг айрим қирралари таҳлил этилганлигини кўрамиз.

Абдуқодир Ҳайитметов Алишер Навоийни жаҳон адабиётининг А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, В.Гёте, О.Бальзак сингари намояндаларидек профессионал танқидчи сифатида эмас, санъаткор танқидчи, яъни илмий қарашларини амалда исботлайдиган танқидчи дея баҳолайди.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг бу тадқиқотидан сўнг С.Ғаниева ва Ҳ.Қудратуллаевларнинг номзодлик диссертациялари ҳам Навоий адабий-эстетик қарашларини ўрганиш борасида муҳим аҳамият касб этди.

Олим Алишер Навоийгача бўлган адабий-танқидий қарашларни олти қисмга бўлиб ўрганади:

- адабий мажлислар, адабий мунозара ва суҳбатлар шаклида;
- филологик характердаги назарий асарлар шаклида ёки уларнинг таркибида;
- тазкирачилик ва ёзма ҳамда оғзаки адабиётларни йиғиш шаклида;
- адабий-бадиий асарларнинг солиштирма матнларини тайёрлаш шаклида;
- адабий хотира ва мемуарлар ёзиш шаклида;
- адабий-бадиий шаклда.

Академик Б.Валихўжаев “Ўзбек адабиётшунослиги тарихи” асарида мумтоз адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг ифодаланиш

⁵⁶ Саъдий А. “Адабиёт олими ва танқидчиси сифатида Мир Алишер Навоий” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1938, 11-12-сонлар.

⁵⁷ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Тошкент, 1958. 10-11-бетлар.

⁵⁸ Ўша манба, 7-10-бет.

“жанр”ларини уларнинг моҳиятига қараб икки гуруҳга ажратади: 1) бевосита “жанр”лар, яъни адабиётшунослик ва адабий танқидга бағишланмаган асарлар: фахрия, шеърӣ парчалар каби; 2) бавосита “жанр”лар, яъни адабиётшунослик ва адабий танқиддан баҳс юритувчи асарлар гуруҳи.⁵⁹

Б.Валихўжаев адабий-танқидий қарашлар ифодаланган асарларни гарчи икки гуруҳга ажратган бўлса-да, ҳар иккала адабиётшуносликнинг бу масаладаги таснифларида тафовутдан кўра умумий яқинлик кўпроқ кўзга ташланади.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” монографияси ёзилган йиллар Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари ҳали фанга номаълум эди. Агар маълум бўлганида, Навоийгача бўлган адабиёт назариясининг ютуқлари умумлаштирилган бу илк туркий қўлланма олимнинг мазкур тадқиқотида бой материаллар берган бўларди.

Абдуқодир Ҳайитметов адабиётда ва илмда Навоийгача эндигина шакллана бошланган адабий масалалар сифатида адабий ижоднинг турмуш билан боғланиши, адабиётда мундарижа ва шакл муносабати, адабий маҳорат каби масалалар эканлигини тўғри қайд этгани ҳолда Навоий асарларига юксак баҳо бериб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ижодига шўро мафкураси нуқтаи назаридан туриб ёндашади.⁶⁰ Ўз даври учун бу, албатта, табиий бир ҳол эди. Истиқлолдан кейин, яъни 1993 йилда яратилган “Ўзбек адабиётшунослиги тарихи” ўқув қўлланмасида айтилган масалалар талқинига ҳолисона муносабат кўзга ташланади.⁶¹

А.Ҳайитметов Навоийгача бўлган адабиётшуносликда шоирларнинг ижодий тажрибаси кун тартибига қўйилган назарий масалаларни традиция, новаторлик, бадиий асар тили каби жиҳатлар мисолида қайд этади. Навоийгача яшаб, адабиётшунослик масалаларига кўп аҳамият берган ўзбек шоирлари орасида Ҳайдар Хоразмийнинг қарашларини у диққатга молик ҳисоблайди. “Ҳайдар Хоразмий Хоразмда тўпланган адабиётшуносликка оид бой меросни жиддий ўрганиб, унинг яхши томонларини ривожлантиришга, ўз ижодида уларни қўллашга ҳаракат қилган”⁶²лигини қайд этади.

Келтирилган мисоллардан келиб чиқиб, А. Ҳайитметов Навоий адабиётшунослигининг илгариги адабиётшуносликдан ажратиб турадиган энг биринчи фазилати сифатида унинг бу масалаларга ўз даврининг илғор дунёқараши билан халқпарварлик, инсонпарварлик каби жиҳатларга таяниб ёндашганида деб билади.

⁵⁹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Тошкент, 1993. 9-бет.

⁶⁰ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Тошкент, 1958. 30-бет.

⁶¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. 39-40-бетлар.

⁶² Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. 39-бет.

Маълумки, тазкирачилик қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, ўзининг муайян жанрий хусусиятлари билан ажралиб туради. “Тазкиралар кўпинча ё географик, ё монографик, ё хронологик, ё сулолавий, ё ижодий принципда курилади ёки шоир номларининг охиридаги ҳарфларига қараб алифбе тартибда берилади. Аммо бу принципларнинг икки-учтасини қўшиб, аралаштириб тазкира тизган муаллифлар ҳам бор”.⁶³ деб ўринли кўрсатади олим.

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари композицион тузилиш жиҳатидан ҳам юқорида таснифи берилган тазкираларга ўхшамайди. Ундаги биринчи, иккинчи, учинчи мажлислар хронологик тартибда ёритилган. Бешинчи ва олтинчи мажлислар эса жўғрофий ақидага амал қилиб тузилган – Хуросонда яшаганлар ва Хуросондан ташқарида яшаганларга ажратилган. Еттинчи мажлис сулолавий тазкира кўринишига эга бўлиб, унда тўпланганлар теурийлар сулоласининг вакиллариدير. Султон Ҳусайн Бойқаро шеърияи таҳлил қилинган саккизинчи мажлис эса монографик тадқиқот тарзида тартиб берилган.

Абдуқодир Ҳайитметов ушбу асарни “сифат жиҳатидан янги типдаги тазкира–антология”⁶⁴ дея баҳолар экан, эҳтиёткорлик юзасидан бўлса керак, теурий сулола шоирлари ҳамда Ҳусайн Бойқаро адабий маҳорати акс этган еттинчи ва саккизинчи мажлислар таҳлилига махсус ўрин ажратмайди.

Олим адабиётнинг ижтимоий вазифаси, унда мазмун ва шакл бирлиги, анъана, маҳорат, тил, адабий маҳорат, ҳаётйлик, жанрий хусусиятлар, ижодкорнинг хулқ-ахлоқи каби масалалар Алишер Навоий адабий танқидчилигининг туб масалалари эканлигини унинг илмий ва бадиий баркамол асарлари таҳлили мисолида исботлайди.

Алишер Навоий адабий-танқидий қарашларининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, шоир адабиётшуносликнинг қай бир муаммосига тўхталмасин, унда, албатта, ижодкорнинг ахлоқи масаласи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мисол учун “Бадое ул-бидоя” девони дебчасида Алишер Навоий ғазалнинг мазмун ва тузилиши жиҳатдан яхлит бўлиши лозимлиги, ошиқона кайфиятлар баёни ичида ахлоққа, маърифатга доир фикрларнинг бўлиши зарурлигини уқтиради. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари шаклланишида унинг ахлоқий дунёқараши ҳам муҳим роль ўйнаган. Абдуқодир Ҳайитметов масаланинг бу жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида шоирнинг шеърий

⁶³ Шайхзода М. Тазкирачилик тарихидан. // Навоийга армуғон. Тошкент, 1968. 49-бет.

⁶⁴ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. 69-бет.

ижодига баҳо берилишидан олдин, аввало, унинг ахлоқи тўғрисида мулоҳаза юритганлигига бир қанча мисоллар келтиради.

Навоий шоирнинг ахлоқий қиёфаси ва ижоди ўртасидаги муносабатни текширишда уларнинг бир-бири билан маҳкам боғлиқликда эканлигини кўрсатиб, ҳам ахлоқий қиёфаси ва ҳам ижоди гўзал бўлган шоирларга самимий муносабатда бўлади. Алишер Навоийнинг бу масалани ёритишида унинг иккинчи томони кўзга ташланади: у ҳам бўлса, ахлоқий қиёфаси ёлғон ва адолатсизликдан иборат бўлган шоирлар гуруҳига унинг салбий муносабати масаласидир. Бу каби масалаларнинг айна жиҳатларига эътибор қаратган Абдуқодир Ҳайитметов “Мажолис ун-нафоис”нинг халқчиллик анъанасида яратилганлигига ўнлаб мисоллар келтиради ҳамда Навоий адабиётшунослиги ва танқидчилигининг муҳим хусусиятларидан бири – қалам аҳллари ижодига нисбатан унинг бетараф, холис туришидир, деган хулосаларга келади. “Мажолис” фақат адабий-танқидий аҳамиятга эга бўлмай, балки тарихий, этнографик аҳамиятга ҳам эгадир. Чунки унда ўша давр тарихи, урф-одатлари, шоирлардан бошқа давлат арбоблари, илм, маданият, санъат аҳллари ҳаётини ўрганишга доир муҳим маълумотлар ҳам учрайди”⁶⁵.

Навоий асарларида турли адабий жанрлар – ғазал, маснавий, туюқ, муаммо ҳақидаги мулоҳазалар, уларнинг назарий хусусиятлари тўғрисида қимматли фикрлар билдирилади. Бу фикрлар Алишер Навоийнинг адабий жараёни, қайд этилган жанрларнинг тараққиёти ва хусусиятларини чуқур кузатиши, умумлаштириши натижасида майдонга келиб, замонасидаги адабий тажриба, бадиий маҳорат каби масалалар билан бевосита боғлиқ эканлигининг илмий исботланиши Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотининг жиддий ютуғидир.

Бироқ Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганиш давомида олим айрим муҳим масалаларга эътиборсизроқ қарайди. “Навоий танқидчилигида биз яна бошқа нарсани, яъни адабиётнинг майда-чуйда масалалари устида, баъзан бадиий асарнинг шаклига оид кичик масалалар устида узоқ тўхталиш, баҳслашиш каби ҳолларни ҳам кўрамиз, – деб ёзади А.Ҳайитметов ва бунга мисол қилиб “Хамсат ул-мутаҳаййирин”асарида Ҳасан Дехлавий шеъридаги ўхшатиш устида кечган баҳсни мисол келтиради:

“Зиҳи дарунам диرو замон-замон бату майли...” то бу байтга етиштики:

*Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дур шуд,
Чунин осор диҳад алҳақ тулун чун ту Сухайли.*

⁶⁵ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. 76-бет.

Мажлис аҳли мутаййин ва хуштаб эл эрдилар ва пири мажлис ҳам хуштаб ва подшоҳ нишон. Муғаннийға баъзи эътироз юзидин ва баъзи танбийя юзидин дедиларким: “Сиришки ман ҳама дур шуд” ўрнига “ҳама хун шуд”, –ўқики, “дур шуд”нинг маъноси йўқтур...”⁶⁶

Навоий бу баҳсга аралашиб, “дур шуд”нинг тўғрилигини таъкидлайди. Ниҳоят баҳсга Абдурахмон Жомий аралашиб, “дур шуд”нинг мантиқан тўғрилигини исботлайди. Мазкур шеърда сенинг Сухайл юлдузидек чарақлаб чиқишини менинг ёмғир томчиларидек кўз ёшларимни дурга айлантирди маъноси ифодаланган. Мумтоз шеъриятда кўзёшни қон томчиларига ўхшатишга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Иккинчидан, мажлис аҳли бизнингча шу ўхшатишни ҳисобга олган бўлишлари ҳамда “дур шуд”ни “йироқлашди”, “кўзёшларим битди” маъноларида тушунган кўринадилар. Агар “хун шуд” бўлганида ўхшатиш йўққа чиқарди, байт мазмуни бузиларди, поэтик ифода таровати йўқоларди.

Кўриниб турибдики, бу байт устидаги баҳс – бадий асарнинг шаклига оид кичик масала эмас. Чунки ноўрин қўлланилган биргина сўз поэтик асарнинг мазмундорлигини, эстетик таъсирчанлигини сусайтириши мумкин.

1970 йилда чоп этилган “Навоий даҳоси” тўпламидаги “Навоийнинг текстологик тадқиқотлари ва уларнинг тақдири ҳақида” номли мақоласида Абдуқодир Ҳайитметов айнан шу байт атрофида кечган баҳсни характерли мисол сифатида келтиради.⁶⁷

Шунингдек, А.Ҳайитметов Навоий асарларининг тили тўғрисида қуйидаги мулоҳазаларини ҳам билдиради: “Навоийнинг ўз асарларининг айрим ўринларида форс ва араб сўзларидан кўп фойдаланиши натижасида поэтик шакл мураккаблашиб кетган ҳоллар ҳам учрайдики, бу нарса Навоийнинг назарий қарашлари билан амалий ишлари ўртасида маълум даражада тафовут борлигини кўрсатади”.⁶⁸

Кейинчалик олим бу каби мулоҳазаларига ўзи тузатиш киритиб, бадий асар тилига баҳо беришда ўша даврда ҳукм сурган ижодий метод принципларидан келиб чиқиш зарурлигини уқтиради.⁶⁹

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, Абдуқодир Ҳайитметов Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларига ҳар гал қайта-қайта мурожаат қилар экан, олдинги ишларида баён этилган фикр-мулоҳазарини тўлдиришга, бойитишга ҳаракат қилган ва бунга эриша олган.

⁶⁶ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. 57-бет.

⁶⁷ Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Тошкент, 1970. 147-бет.

⁶⁸ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. 110-бет.

⁶⁹ Ҳайитметов А. Шарқ шеърияти ижодий методидан. Тошкент, 1960. 69-бет.

Олим Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари акс этган асарлар сифатида “Мажолис ун-нафоис”, “Хамса”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Мезон ул-авзон”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Хазойин ул-маоний”ларни таъкидлаб ўтади. Мавзуни ёритишда эса, асосан, “Мажолис ун-нафоис”, шунингдек “Хамса” таркибига кирган дostonларга кўпроқ мурожаат қилади. Албатта, Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини бир монография доирасида қамраб олишнинг имкони йўқ. Қолаверса, Абдуқодир Ҳайитметов шоирнинг санъаткор тадқиқотчилигини ўрганишни мақсад қилиб олган. Тадқиқотнинг асосий учинчи бўлими фаслларининг “*Бадиий сўзни қурол қилиб*”, “*Чуқур мазмун ва гўзал форма учун*”, “*Юксак оригинал асарлар яратиш йўлида*”, “*Санъатда ҳаққонийлик учун*” дея номланишидан ҳам тадқиқот олдидаги асосий мақсад-муддао Алишер Навоий адабий қарашларининг амалиётда – унинг бадиий асарларида қай тарзда рўёбга чиққанлигини текширишдан иборатлиги англашилади.

Шу боис ишда “Мезон ул-авзон”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари таҳлили бир неча саҳифалик мулоҳазалар билан чекланилади.

“Мезон ул-авзон” асарида Алишер Навоий туркий, хусусан ўзбек тилида яратилган шеърят тажрибаси асосида аруз қонун-қоидаларини баён этади. Бу масалани шоирнинг ўзи шундай изоҳлайди: “Ғараз бу мақомотдин ва мақсад бу муқаддимотдин бу эрдиким, чун турк алфози билаким, назм воқеъ бўлубтур, анга зобитае ва қонуне йўқ эркандур ва ул фан ривожу учун киши аруз фанида китобе ё рисолае битмайдур... бу сабабдин бу илм зобитасига қалам сурилди”.⁷⁰

Алишер Навоий ушбу асари билан туркий шеърят назариясига доир кузатишларини умумлаштирди. Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотининг муҳим жиҳатларидан бири яна шундаки, у улуғ мутафаккирнинг қай бир илмий асари хусусида тўхталмасин, албатта, ўша асардаги адабий-танқидий қарашлар тадбикини унинг бадиий асарлари билан қиёслаб мулоҳаза юритади. Шу орқали Навоийнинг сўзда ва тажрибада, назария ва амалиётда ягона бир бутунликка эришган шахслигини кўрсатиб беради.

Абдуқодир Ҳайитметов “Навоий эстетикасининг гултожи” мақоласида улуғ шоирнинг эстетик қарашлари “Хамса”да ўзининг олий нуқтасига кўтарилганлигини эътироф этар экан, жумладан қуйидагиларни ёзади: “Хамса”га кирган беш дostonнинг ҳар бирида Навоий ҳам киришда, ҳам хотимада бадиий ижоднинг асосий муаммоларини кўтаради, адабиётни ҳаёт билан боғлаб ўрганишнинг классик намунасини кўрсатади, яна бир муҳим томони, адабиётшунослик муаммоларига у фақат олим сифатида эмас, айти

⁷⁰ Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 14 том. Тошкент, 1967. 182-бет.

чокда гениал шоир ва мутафаккир сифатида, ўз ижодий тажрибаларига суяниб ёзадики, бу ғоят муҳим ва диққатга сазовордир”.⁷¹

Маълумки, Алишер Навоий фақат шоир, олим, ёзувчигина эмас, балки мусиқачи ва бастакор ҳам бўлган. У замонасининг машҳур санъаткори Хожа Юсуф Бурхондан мусиқа санъатини чуқур ўрганади. Шу сабаб Навоий ўзининг адабий-эстетик қарашларида шеърият аҳлини санъатнинг фақат бир тармоғи билан чекланиб қолмасликка даъват этади. Ана шу қоидага амал қилган шоирларни алоҳида таъкидлаб ўтиш билан уларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатади. Абдуқодир Ҳайитметов Алишер Навоийнинг адабиёт ва санъат турлари ўртасидаги алоқадорликка доир қарашларини қуйидагича талқин қилади: “Навоийнинг фикрича, ҳар қандай лирик шеър маълум бир мусиқага тушадиган бўлиши керак... “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Навоий шоир Биноийни мусиқа чолғуларини билмагани учун танқид қилганини ва Биноий Навоийнинг бу танқидини қабул қилиб, маълум вақтдан кейин биринчи даражали мусиқа чоғуларини чаладиган созанда бўлиб етишганини, ҳатто у баъзи куйларни ихтиро қилганлигини ҳикоя қилади”⁷².

Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотида шахсан Навоийнинг моддий ва маънавий кўмаги билан Биноий, Ҳилолий каби шоирлар, Мирхонд ва Хондамир каби тарихчилар, Абдужамил ва Султонали Машҳадий каби хаттотлар, Беҳзоддек мусаввирлар, Қулмуҳаммад Удий сингари созандалар етишиб чиққанлигини ва уларнинг ҳар қайсилари маданият тарихида чуқур из қолдирганлигини асослайди.

Алишер Навоий адабиётнинг санъатнинг бошқа турлари билан алоқадор бўлишини, хусусан, шеъриятнинг мусиқа билан боғланиш натижасида унинг таъсир кучи янада ошишини яхши тушунган ва шунинг учун мусиқа, хаттотлик, мусаввирлик, наққошлик санъатини эгаллаган шоирларни алоҳида ҳурмат билан тилга оладики, бу бугунги кунда ҳам адабиёт, санъат назариясида алоҳида мавзу сифатида ўрганилиши зарур бўлган долзарб масаладир.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг ушбу тадқиқотида улуғ мутафаккир шоирнинг жанрлар борасидаги қарашларига ҳам муайян изоҳлар берилади. Жумладан, унинг маснавий, ғазал, муаммо жанрлари тўғрисидаги қарашлари ҳануз ўз аҳамиятини сақлаб келаётганлигини таъкидлайди.

Бу ўринда Алишер Навоий асарларида турли адабий жанрлар ҳақида сўз юритилиб, уларнинг хусусиятлари бўйича муҳим адабий қарашлар, мулоҳазалар баён этилганлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу фикрлар Алишер Навоийнинг адабий жараёни, жанрларнинг тараққиёти ва хусусиятларини

⁷¹ Ҳайитметов А. Навоий эстетикасининг гултожи // Навоийхонлик суҳбатлари. Тошкент, 1993. 175-бет.

⁷² Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. 180-бет

чуқур кузатиши, умумлаштириши натижасида майдонга келиб, замонасидаги адабий тажриба билан бевосита боғлиқдир. Шу жиҳатдан Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девонидаги дебочада ғазал ҳақида баён қилган мулоҳазалари алоҳида қийматга эга. Негаки “Навоийнинг лирика масалалари билан боғлиқ биринчи яхлит иши, илмий тадқиқоти “Бадоеъ ул-бидоя” девонига ёзган дебочасидир... Бунда ғазалнинг мавзу жиҳатдан яхлит бўлишлиги, ғазалда фақат ишқ ҳақида эмас, балки ижтимоий-ахлоқий мавзуларда ҳам қалам тебратиш зарурлиги ҳақидаги ғоялар фақат ўзбек адабиёти ривожига эмас, бутун Шарқ адабиёти ривожига ижобий аҳамият касб этгани, принципиал аҳамиятга эга бўлгани шак-шубҳасиздир”⁷³, - деб ўринли таъкидлайди адабиётшунос.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Ҳусайн Бойқаро шеърятига алоҳида боб бағишлаб, унинг поэтик маҳоратини атрофлича таҳлил қилади. Абдуқодир Ҳайитметовнинг сўз юритаётган монографиясида бу боб таҳлилга тортилмайди. Адабиётшунос 1982 йилда ёзилган “Навоийда лирика таҳлили” мақоласида бу мавзуга қайтиб, Навоий томонидан Ҳусайн Бойқаро шеърятига берилган талқинларга муносабат билдириб ўтади. “Мажолис ун-нафоис”да энг кўп таҳлилга тортилган Султон Ҳусайн Бойқаро девонидир, – деб ёзади адабиётшунос. – Бунда Навоий унинг 160 ғазали матлаъига муносабат билдириб ўтади. Воҳид Жузжоний нашрида Султон Ҳусайн Бойқаронинг 202 та ғазали келтирилган. Демак, Навоий вафотида кейин у қирқтача ғазал ёзган. Навоий бу шоир девонини дунёвий адабиёт миқёсида баҳолаб, ундаги яхши, такрорланмас деб билган байтларини Лутфий, Саккокий ва унга ўхшаш “туркигўйларнинг” шеърлари билан қиёслаган”⁷⁴.

Абдуқодир Ҳайитметов ўзининг кўпгина тадқиқотларида турли муносабат билан Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларига муносабат билдириб ўтган. Масалан, “Ягонаи аср” (Ҳофиз), “Навоий шеърӣ маҳорат ҳақида”, “Хисрав Дехлавӣ ва ўзбек адабиёти”, “Алишер Навоӣ ва Ҳасан Дехлавӣ” каби мақолалари шулар жумласидан.

Алишер Навоий адабий-танқидий қарашларида мумтоз бадиӣ тасвир воситаларидан тортиб асар композициясигача туюқ, чангий, орзуворӣ, муҳаббатнома, туркий сингари ўз даври учун янгилик ҳисобланган ўзбек шеърӣти жанрларидан тортиб ижодкор бадиӣ маҳоратигача бўлган илмӣ-назарӣ тушунчаларнинг хусусиятлари, ўзига хосликлари камраб олинган. Биз мутафаккир шоирнинг адабий-танқидий қарашларидан Арестотелнинг “Поэтика”сидаги андозаларни, бугунги адабиётшуносликнинг ўлчов

⁷³ Ҳайитметов А. Навоийда лирика таҳлили // Мерос ва ихлос. Тошкент, 1985. 19-бет.

⁷⁴ Ўша асар, 26-бет.

мезонларини излашимиз ва уларга тўлиқ жавоб топишимиз мушкул. Бироқ асосий масалалардаги умумий муштараклик Навоий адабий-танқидий қарашларининг бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келаётганлигини кўрсатади.

Навоийшунос С.Ғаниева Навоийнинг илмий-филологик характердаги насрий асарлари “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Мезон ул-авзон”, “Рисолаи муфрадот”, “Мажолис ун-нафоис”ларни XV аср иккинчи ярмида яратилган илмий ва шартли маънодаги бадиий насрнинг ажойиб намунаси ҳисоблайди⁷⁵. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларини эса мемуар-биографик характердаги асарлар сирасига киритади ва бу асарларни бадиий портрет намуналари дея баҳолайди.⁷⁶

Абдуқодир Ҳайитметов бу масалага аниқлик киритиб, шундай изоҳ беради: “Ўзбек адабиёти тарихида назм каби насрнинг ҳам илк жиддий тараққиёти Алишер Навоий ижоди билан боғлангандир. Албатта, ҳали Навоийда “наср” тушунчаси соф бадиий асар маъносини билдирмайди. Оддийроқ қилиб айтганда, Навоий назмга оид бўлмаган, шеър билан ифодаланмаган ҳамма асарларни насрга нисбат беради”⁷⁷.

Бизнингча, Навоийнинг илмий-филологик асарлари нафақат илмий, балки сўз санъати сифатидаги насрнинг ҳам бетакрор намунасидир. Чунки, уларга ижодкорнинг сўз санъаткори сифатидаги фазилатлари ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари ўзбек адабиётшунослигининг тарихий йўлидир. Устоз Абдуқодир Ҳайитметов эса ана шу тарих йўлини бизга илмий-назарий жиҳатдан ҳолисона ёритиб бергандир.

III. “ХАМСА”ГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАР

⁷⁵ Ғаниева С. Алишер Навоий ижодиёти ва наср проблемалари // Ўзбек насри тарихидан. Тошкент, 1982, 37-бет.

⁷⁶ Ўша асар, 41-42-бетлар.

⁷⁷ Ўша асар, 6-7-бетлар

Абдуқодир Ҳайитметовнинг илмий фаолиятида “Хамса”га оид тадқиқотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Олим “Навоий лирикаси” номли йирик тадқиқотида улуғ шоирни “буюк эпик асарларига лирика орқали борган”лигини, “Хамса” асарининг ижтимоий мазмундорлиги жиҳатидан шоир адабий меросининг чўққиси эканлиги⁷⁸ни қайта-қайта таъкидлайди. Адабиётшунос Навоий ҳақидаги илк йирик тадқиқотидаёқ шоирнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганишда “Хамса”га асосий манба сифатида қарайди. Илгари сурилган илмий мулоҳазаларини “Хамса”нинг композицион қурилиши, сюжет мотивлари, образлар олами, ғоявий-бадий хусусиятлари билан қувватлаб боради. Олимнинг Навоий ҳақидаги бирор-бир асари йўқки, унда “Хамса” ҳақида сўз бормаган бўлсин, “Хамса” асос қилиб олинмаган бўлсин. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари бўладими, лирикаси тадқиқи бўладими ёки адабий методга оид диссертация, ёхуд монография бўладими барчасига “Хамса” асосий объект қилиб олинади. Олимнинг ранг-баранг мавзуларда битилган илмий мақолалари, суҳбатлари, ҳатто жажжи этюдларида ҳам биз шу ҳолатни кўрамиз. “Хамса” олим учун Навоий шахсияти ва бадииятини, умуман адабиёт ва ҳаётни тушуниш, идрок этиш воситаси. Чунки “Хамса”да Навоий даҳосининг юксак моҳияти акс этган.

Адабиётда шаклбозлик, ғоясизлик кучайган бир пайтда Навоий муҳим ижтимоий масалаларни ўзида акс эттира олувчи эпик асарлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Навоий даврида эпик асар, яъни дoston маснавий деб юритилган. Улуғ шоир бошқа асарларга нисбатан маснавийда катта имкониятлар борлигини, ижодкор мақсадини кенг ва чуқур ёрита олишга қодирлигини “Сабъаи сайёр” достонидаги қуйидаги мисраларда таъкидлаб ўтади:

*Ўзгаларни гар этмадим маскур,
Боқ эмас, чун эрур машхур.*

*Маснавийнинг бурун дедим они,
Сўзда келди васеъ майдони.*

*Вусъатида юз ўлса маъракагир,
Кўрсатур санъатин бори бир-бир.*⁷⁹

Навоий “Садди Искандарий” достонида ҳам “ушoқ” жанрлар унинг “улуғ муддаo”ларни акс эттириш учун тор келганлигини қайд этиб ўтади.

⁷⁸ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 4-5- бетлар.

⁷⁹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Тошкент, 1997. 26-бет.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий дostonлари тадқиқи асносида асарлардаги ижтимоий масалалар талқинига алоҳида эътибор қаратди. Унинг “Ҳамса” қаҳрамонларининг ижтимоий муҳитга муносабати масаласи” номли илмий мақоласи бу борада умумлаштирувчи мазмунга эга тадқиқотдир.

Бадиий адабиётдаги ҳар бир воқеа-ҳодиса, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, тақдири, характери, ижтимоий муҳит замирида рўёбга чиқади. Алишер Навоийнинг ўз давридаги реал муҳитга муносабати “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларидаги образлар орқали ёрқинроқ намоён бўлишини қайд этган адабиётшунос муҳит билан шахс ўртасидаги ўша даврга хос зиддият масаласи шу қаҳрамонлар билан боғлиқ дostonларда анча таъсирли ва халқчиллик тамойиллари жиҳатидан ёритилганлигига эътибор қаратади.

Олим “Навоий дostonларидаги реалистик хусусиятлар” мақоласида “Ҳамса” даги романтик услуб мустаҳкам реалистик асосларга таянганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Фарҳод образи тадрижи орқали қаҳрамонлик идеалига эстетик идеал қўшилаётганлигини XV асрдаги мавжуд шароит ва тарбия-тартиботлари мисолида кўрсатади.

Маълумки, характер белгиларининг ҳаётийлиги шароит, муҳит хусусиятлари билан асосланиши керак. Бу адабиёт учун қонуний бир ҳол. Шу жиҳатдан Фарҳод образини кўриб ўтсак. Унинг характеридаги баъзи бир хусусиятларни юзага келтирган омиллар ҳаётнинг реал воқеа-ҳодисалари бўлмай, балки афсонавий, фольклор ва мумтоз адабиётнинг анъанавийлиги дostonга шартли равишда киритилган. Фарҳод бир томондан реал тарихий шахслар Меҳинбону, Хисрав ҳаёти билан боғлиқ тасвирланса, иккинчи томондан афсонавий девлар ва аждаҳолар оламида ҳаракат қилади. Ёки Сукротнинг ғорда ётиб Фарҳодни минг йил кутишию, васиятини айтиб оламдан ўтиши эпизоди ҳам ўта шартли тасвир. Алишер Навоийнинг бошқа асарлари каби “Фарҳод ва Ширин” ҳам исломий ғояларга тўйинган асар. Шу боис унда реал намоён бўладиган шароит, муҳит билан бир қаторда тақдири азал талқини ҳам муҳим ўрин тутди. Фарҳод ҳам, Ширин ҳам бошларига тушган бахтсизликларни тақдири азалдан кўрадилар. Шу муносабат билан Абдуқодир Ҳайитметов “тақдир” сўзининг маъно доирасини шундай талқин қилади: “Агар биз “тақдир” деганда фақат илоҳий истак ва қудрат тушунчасини эмас, балки унга кенгроқ ва чуқурроқ маъно бериб, унинг остида маълум даражада жамият ва социал муҳитни ҳам, шу жамиятдаги киши ҳаёти, бахтини ва бахтсизлигини белгиловчи тартиб ва қоидаларни ҳам тушунсак, моҳият эътибори билан тўғрироқ бўлади”.⁸⁰

⁸⁰ Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Тошкент, 1970, 29-бет.

Ўтган асрнинг 60-70-йиллари билан бугунги навоийшунослик ўртасида жуда катта фарқ бор. Жумладан, 60-70-йиллардаги талқинларда Навоий асарларининг юзада кўриниб турган бирламчи маънолари, агар таъбир ўринли бўлса, материалистик жиҳатлари таҳлил қилинарди. Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Хамса” қаҳрамонларининг ижтимоий муҳитга муносабати масаласи” мақоласида ҳам шу ҳолни кўрамиз. Адабиётшунос Алишер Навоийнинг шўро мафкурасига мос келадиган ғояларигагина диққат қаратишга мажбур бўлади: “Улар мавжуд социал тартиб ва қонунлардангина норозидирлар. Улар бундай мудҳиш муҳит билан курашда ҳалокатга юз тутар эканлар, ҳаётга нисбатан улкан муҳаббат билан кўз юмадилар...”⁸¹

Алишер Навоий дostonларида илгари сурган ғоялар, кўзда тутган мақсадлар 60-70-йиллар адабиётшунослигида гарчи юзакироқ ва замонабопроқ тарзда талқин этилган бўлса-да, Навоий ижодини кенг кўламда, бутун мураккабликлари билан ўрганишга туртки бергани, шоир асарларининг жаҳоншумул аҳамиятини тарғиб қилгани, ижодига оммавий муҳаббат уйғота олгани ўша йиллар адабиётшунослигининг жиддий ютуғидир.

Алишер Навоийнинг тасаввуф адабиётининг йирик вакили эканлиги ва унинг қаҳрамонлари Фарҳод – комиллик тимсоли, Мажнун – Ҳақ ошиғи сингари янгича ёндашув ва талқинлар ўтган асрнинг 80-йилларининг иккинчи ярмида кўзга ташлана бошлади. Шу жиҳатдан Абдуқодир Ҳайитметовнинг 1996 йилда чоп этилган “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” китобидан ўрин олган “Хамса”да ислом нури”, “Хамса” ва жаҳон адабиёти” номли жиддий илмий мақолалари улуғ шоир дostonларининг илдизларига янгича назар солганлиги билан эътиборлидир.

Алишер Навоийнинг диний-тасаввуфий дунёкараши акс этган дostonларидаги ҳамд, муножот, наът қисмлари ҳозиргача кам ўрганилган. Абдуқодир Ҳайитметов ўзининг “Хамса”да ислом нури” мақоласида ана шу қисмларни қиёсий-типологик усулда текширади. Шеърӣ байтларни “Қуръон”оятлари, “Ҳадис” ҳикматлари билан қиёслаб таҳлил қилади ва бу билан Навоий “Қуръон” руҳини ўбек адабиётига олиб кирганлигининг илмий тасдиғини кўрсатади.

Исломда Аллоҳга муносабат, унинг биру борлигига иймон келтириш, қудратининг чексизлигини тан олиш, еру осмоннинг, жами жонли-жонсиз нарсаларнинг яратувчиси у эканлигига ширк келтирмаслик, шу билан бирга банданинг унинг олдидаги қарзлари ва бурчларига садоқат кўрсатиши каби исломий, тасаввуфий-ирфонӣ, илмий-фалсафӣ қарашларнинг “Хамса” дostonларидаги мадҳ, муножот қисмларида куйма ҳолатда бадийлашганлиги

⁸¹ Ўша манба, 33-бет

мақолада ўз аксини топади. Эътиборли томони шундаки, олим “Ҳайрат ул-аброр”даги ҳамд, наътларнинг айримларини эмас, барчасини изчил тарзда ўрганади. Мисол учун “Ҳайрат ул-аброр”да бешта наът берилган. Абдуқодир Ҳайитметов буларнинг ҳаммасини қиёсий-таҳлилий жиҳатдан ўрганади ва муайян илмий умумлашмаларга келади.

“Ҳамса”да ислом нури” мақоласи тўрт қисмдан иборат бўлиб, ҳамд, муножот, наътлардан сўнг “Ҳайрат” боби ва Навоийнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий масалаларга бағишланган қарашларига доир фасллар тадқиқини қамраб олган.

Алишер Навоий “Ҳамса”сининг улуғворлигини олим кўп жиҳатдан ислом нури билан суғорилганлигида, унда олға сурилган ғояларнинг умумбашарий ва умрбоқийлигида, бадииятнинг энг соф анъаналари билан боғланганлигида кўради.

Адабиётшунос Навоий дostonларини тадқиқ этиш борасида 80-йиллар охири, 90-йилларда баракали ижод қилди. Кўплаб илмий мақолалар ёзди. “Ҳамса”нинг яратилиш жараёни”, “Навоий эстетикасининг гултожи”, “Навоий ва Аланкуво афсонаси”, “Навоий дostonларида шартли тасвир”, “Истиғно водийси – орзу водийси”, “Ҳамса”да янги ижтимоий тип талқини”, “Навоий ва табиий фанлар”, “Навоий ва ҳаёлот” сингари мақолаларида ҳазрат Навоий дostonларининг янгидан-янги қирраларини талқин ва тадқиқ этишга эришди. Олим илмий мақола доирасида ўрганган бу мавзуларнинг ҳар бири алоҳида монографик тадқиқотларни талаб қиладиган масалалардир.

Абдуқодир Ҳайитметов “Ҳамса”нинг яратилиш жараёни” номли мақоласида ўқувчини бевосита улуғ шоир ижодий лабораториясига олиб киради. Одатда китобхон маълум бир асарни ўқиб эстетик завқ олади, дилини қийнаган саволларга маълум даражада жавоб топади. Рухий олами бойийди, дунёқараши кенгаяди, ҳаётга, атрофдагиларга яна-да теранроқ назар солади ва ҳоказо. Кўпинча китобхонлар шулар билан чекланади, бироқ, асарнинг қай тарзда, қандай меҳнат ва машаққатлар эвазига юзага келганлигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Шу жиҳатдан, “Ҳамса”нинг яратилиш жараёни” мақоласи мароқли ва қизиқарли маълумотларга бой. Алишер Навоий ҳам оддий инсон сифатида яшаган, муҳитидан четда турмаган, сиёсий-ижтимоий воқеликка аралашиб турган, мамлакат бош вазири сифатида халойиқнинг арзу додини тинглашга мажбур бўлган, ижод қилишга эса шулардан ортиб вақт топган. Бундай турмуш тарзини шоирнинг ўзи қуйидагича тасвирлайди:

*Менда бу мобайн эрур зорлиқ,
Халқ жафосига гирифторлиқ.*

*Бир дам улус меҳнатидин ком йўқ,
Бир нафас эл жавридин ором йўқ.*

*Келгучи бу хаста ҳамбодига,
Кетмаги худ келмай анинг ёдига.*

*Бир сурук албатта кўриб кетмайин,
Токи бурун икки сурук етмайин.*

Абдуқодир Ҳайитметов Навоийнинг шу каби сатрларини мисол келтириб, “Хамса” ёзиш жараёнида шоир кайфиятида, руҳиятида кечган ўзгаришларни реал воқелик асносида ёритади. Мақолада билдирилган мулоҳазалар ўша воқелик ва шоир биографиясига тааллуқли тарихий фактлар, саналар билан далилланиб борилади.

“Хамса” ўз даври ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётининг, шу билан бирга, Навоий поэтик истеъдодининг улкан маҳсули. Ўтган давр “Хамса”нинг халқимиз маданияти тарихидаги муҳим воқеалардан бири эканлигини кўрсатиб турибди. Шу боис ёзилиш жараёнини кузатиш, ўрганиш, ижодкорлар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўташи шубҳасиз.

Бадиий ижод жараёни сингари илмий ижод жараёни ҳам ғоятда ранг-баранг ва хилма-хиллигини Абдуқодир Ҳайитметовнинг илмий меросини кузатиб ишонч ҳосил қилиш мумкин. Унинг илмий мақолалари кейинчалик диссертация, монографияларининг юзага келиши учун хизмат қилган бўлса, баъзан диссертация, монографияларида билдирилган мулоҳазалари кейинчалик қайта ишланиб, янги маълумотлар билан тўлдирилиб илмий мақола тарзида жамоатчиликка тақдим этилган. Масалан, “Навоий лирикаси” монографиясида мулоҳаза тарзида айтиб ўтилган фикрлар “Орифона ғазаллар”, “Расмий девонларга кирмаган шеърлар”, “Ғазалдан ғазалга”, “Ғазалда ички руҳий ҳолат тасвири” сингари қатор мақолалар шаклида чоп этилди. Шунингдек, “Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари”, “Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари” каби йирик тадқиқотларида қайд этилган фактлар, таҳлил қилинган манбалар, агар таъбир ўринли бўлса, “илмий чекиниш” тарзида билдирилган мулоҳазалар “Навоий поэтик маҳорати ҳақида”, “Хамса” қаҳрамонларининг ижтимоий муҳитга муносабати”, “Анъанавий поэтика ва Навоий”, “Хамса” ва жаҳон адабиёти”, “Шеърининг нурафшон чўққиси”, “Алишер Навоий ижодиёти манбалари ҳақида” каби кўплаб илмий мақолалар яратилишига сабаб бўлган. Санаб ўтилган бу мақолаларнинг ғояси адабиётшуноснинг монографик тадқиқотларида тезис ёки чизги шаклида намоён бўлган эди. Биргина мисол, олимнинг “Хамса”га доир тадқиқотларига

алоқадор “Шеърятнинг нурафшон чўкқиси”, “Хамса” ва жаҳон адабиёти”, “Навоий ижодининг улуғворлик хусусиятлари” сингари мақолаларидаги илк маълумотлар ва талқинлар “Навоий лирикаси” асарининг бошланишида, “Алишер Навоий адабий-танқидий қарашлари” монографиясининг “Юксак оригинал асарлар яратиш йўлида” деб номланган бобида учрайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Абдуқодир Ҳайитметов илмий услубида қуйидаги хусусиятлар алоҳида ажралиб туради:

- Абдуқодир Ҳайитметов кенг қамровли олим. Асарларида муайян бир мавзунинг таҳлил қилиш учун кўпдан-кўп жиҳатларни, яъни ўша мавзунинг илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, маданий томонлари қамраб олинади;

- муайян илмий мушоҳада далили учун Алишер Навоийнинг илмий, насрий, шеърӣ асарларидан мисоллар келтирилади;

- факт ва ҳужжатлилик Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотлари илмий услубини тайин этади;

- Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотларида академик илмий тилдан кўра оммавийликка, яъни содда ва рағбатли интилиш кучли;

- олимнинг айрим мақолалари монографик тадқиқотлари учун асос бўлган бўлса, йирик тадқиқотларидаги айрим мулоҳазалар кейинчалик баъзи бир мақолалар ёзилишига тўртки берган.

VI. ТАДҚИҚОТЧИЛИК ВА НАЗАРИЁТЧИЛИК

Абдуқодир Ҳайитметов адабиётшунос олим сифатида катта илмий мерос қолдирди. Бу илмий мероснинг деярли барчаси муайян ижодкор асарлари мисолида адабиёт назариясининг муҳим масалаларини ҳал этишга қаратилган илмий-назарий характердаги асарлардир.

Маълумки, адабиёт назариясига оид масалалар тўрт катта туркумни ташкил этади: адабиётнинг ижтимоий роли ва ўзига хослигига оид қарашлар; адабий асарнинг структураси, мазмуни ва шаклига доир масалалар; адабий-тарихий жараёнга тегишли ҳамда адабий тур ва жанрларга тааллуқли масалалар. Шу жиҳатдан Абдуқодир Ҳайитметов илмий меросига назар ташлайдиган бўлсак, адабиётшуноснинг илмий-назарий мақолаларидан тортиб, монографик тадқиқотларининг барчасида айна жиҳатлар изчил ўрганилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Чунончи, “Навоий лирикаси” монографиясида Навоий лирикасининг жанр ранг-баранглиги, ғазал, қитъа, рубоӣ каби шеърӣ шаклларнинг специфик (ўзига хос) хусусиятлари, мазмуни

ва шаклига оид илмий-назарий қарашлар атрофлича ўрганилганлигини кўрамиз.

“Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари”, “Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари”⁸², “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан”⁸³ сингари йирик тадқиқотлари мустаҳкам илмий-назарий пойдевор асосида тикланганлиги Абдуқодир Ҳайитметовнинг етук назариётчи олимлардан бири эканлигини белгилайди.

Ўтган асрнинг 60-йилларигача адабиётшунослик илмида адабиёт назарияси йўналишларида санокли ишларгина амалга оширилган эди. Бу даврда ўзбек адабиётшунослиги адабиёт тарихи, адабий-танқид, адабиёт назарияси каби таркибий қисмларини шакллантирди. Янги бир босқичга ўтиш жараёнини бошдан кечирди. Буларнинг барчаси илмий-адабий ташкилотларнинг, давр адабий муҳитини ташкил этган олимларнинг фаолиятлари туфайли ўзига хос тарзда амалга оширилди. 1927 йилда яратилган Фитратнинг “Ўзбек адабиёти намуналари” дарслик-мажмуаси ўзбек адабиёти намуналарини маълум тизимга солганлиги билан муҳим роль ўйнади. Олим Шарафиддинов томонидан тайёрланган “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси”да (I том 1941 йилда, II том 1946 йилда нашр этилган) XX асргача бўлган ўзбек адабиёти материаллари чоп этилди ва муайян илмий баҳосини олди.

1960-йилларда олий ўқув юртлари талабалари учун адабиётшунослар Натан Маллаев, Воҳид Абдуллаев, Ғулом Каримовлар томонидан “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигининг уч жилдлигининг юзага келиши адабиёт тарихини ўрганиш борасидаги муҳим қадам бўлди. Бироқ бу асарларда жанр табиати тақозоси билан муайян таҳлилдан кўра умумий илмий мулоҳазалар, обзор характери етакчилик қилиши табиий эди.

Ўзбек адабиётшунослиги, хусусан, адабиёт назарияси борасида юзага келган Абдурахмон Саъдийнинг “Амалий ва назарий адабиёт дарслари” (1925), Абдурауф Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” (1927) асарлари адабиёт назариясига оид тушунчаларни умумлаштириш йўлидаги дастлабки изланишлар маҳсули бўлса-да, кейинчалик турли хил айблар билан муомаладан чиқарилди.

1937-1939-йилларда назариётчи олим Иззат Султон томонидан яратилган “Адабиёт назарияси” 80-йилларга қадар асосий қўлланма бўлиб қолди. Ҳар қандай тадқиқот ўзигача яратилган асарларнинг ютуқ-камчиликларини ўқиб-ўрганиш асосида юзага келади.

⁸² Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. Тошкент, 1963.

⁸³ Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. (X-XV асрлар)-Тошкент, 1970.

Ўзбек адабиётшунослигида яратилган илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа халқлар адабиётшунослигида эришилган ва эришилаётган ютуқлар ўтган асрнинг 60-йилларига келиб адабиёт тарихини ҳам, адабиёт назариясини ҳам ўқиб-ўрганишни янги сифат босқичига кўтариш эҳтиёжини туғдирдики, Абдуқодир Ҳайитметовнинг қатор тадқиқотларини ана шу эҳтиёжнинг ҳосиласи сифатида баҳолаш ўринли бўларди.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам Алишер Навоий ижодининг назарий муоммоларига бағишланган. “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” номли асарида улуғ шоирнинг истеъдодли адабиётшунос ва адабий танқидчи сифатидаги хизмати илмий асосини топган.

“Мажолис ун-нафоис”, “Мезон ул-авзон” Алишер Навоийнинг адабиётшунослик ва адабий танқидга оид махсус асарлари ҳисобланади. Шу билан бирга, улуғ шоирнинг адабиётшуносликка доир жуда кўп ноёб фикрлари унинг бошқа асарларида ҳам учраши маълум. Аёнки, айни масалаларнинг тадқиқи Навоийнинг бутун бой меросини ўқиб-ўрганишни тақозо этади. Алишер Навоийнинг адабиётшуносликка, тилшуносликка оид илмий асарлари, лирикаси, дostonлари, насрий асарлари, мактублари мутолааси, илмий тадқиқи унинг адабий-танқидий қарашларини яхлит бир асарга жамлаш имконини берди. Бугина эмас, Абдуқодир Ҳайитметов улуғ шоир адабий-танқидий қарашларини ўрганишда Навоийгача шу мавзуда сўз юритилган туркий ва форсий илмий-адабий манбаларни синчиклаб таҳлил қилади. Натижада, адабиёт назарияси, адабий танқидга доир Навоийгача ва Навоий давридаги қарашлар умумлаштирилади.

Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари адабиётшуносликни муҳим соҳаларидан бири – шеър тузилиши назариясига бағишланган. Улуғ шоир бу асарида етук адабиётшунос сифатида ўзбек адабиёти тарихида биринчилар қаторида шеър тузилиши ҳақидаги таълимотни яхлит бир тизимга солиб, ғоятда қимматли назарий қўлланма яратди. Навоий адабий танқидчилик борасидаги қарашлари, бу борада илгари сурган масалалар бугун ҳам ўз адабий-эстетик аҳамиятини сақлаб келмоқда. Адабиётнинг ижтимоий вазифаси, мазмун ва шакл бирлиги, анъана, маҳорат, тил ижодкорнинг хулқ-ахлоқи каби масалалар Навоий адабий танқидчилигининг етакчи масалалари эканлиги Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотида батафсил ва изчил ифодасини топган. “Навоий адабий танқидчилигининг ўзбек адабиётшунослигидаги энг қимматли, Навоийгача бўлган адабиётшуносликдан принципал фарқ қиладиган ери ҳам шуки, – деб ёзади адабиётшунос, – у биринчи бўлиб адабий

асарга ва адабий ижодга баҳо беришда турмушдан, тажрибадан ҳамда адабиётнинг муҳим назарий масалаларидан келиб чиқиб ёндаша бошлади”⁸⁴.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг мазкур монографиясидаги изланишлар марказида сўзсиз “Мажолис ун-нафоис” туради. Гарчи тадқиқотда Навоий “Хамса”сига кўп мурожаат қилиб, бу дostonларнинг дебоча, хотима қисмларидан (айниқса, “Ҳайрат ул-аброр”дан) иқтибослар келтирган бўлса-да, “Мажоил ус-нафоис”дан олинган парчалар, қайдлар, мулоҳазалар таҳлили Алишер Навоийнинг адабиётшунос қиёфасидаги сиймосини ёрқинроқ очишга хизмат қилган. Мазкур тазкиранинг яратилишига халқ оғзаки ижодининг таъсири кучли бўлганлигини, унинг ёзилиш услубидаги жонлилик, ихчамлик, пишиқлик, халқ латифаларини ҳам эслатиши мазкур тадқиқотда таъкидлаб ўтилади.

“Алишер Навоийнинг адабий танқидий қарашлари” илмий-назарий жиҳатдан пишиқлиги билан ўтган асрнинг 50-йиллари навоийшунослигининг жиддий ютуғидир. Бу асар олимнинг “Навоий лирикаси”, “Алишер Навоийнинг ижодий методи масаласи”, “Шарқ адабиёти ижодий методидан” каби тадқиқотларнинг юзага келиши учун кенг йўл очди.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Навоий лирикаси” тадқиқоти шоир девонлари қўлёзмалари асосида юзага келган. Чунки, ҳали Алишер Навоийнинг мукамал асарлари чоп этилмаган эди. Иккинчидан, 60-йилларга қадар адабиёт тарихи, адабиёт назариясига оид дарслик, қўлланма, адабиётшунослик луғатлари деярли яратилмаган бир шароитда илмий-назарий маълумотлар ҳам турли қўлёзмалар бағрида сочилиб ётардики, бу ҳолат тадқиқотчидан жуда катта меҳнат, тинимсиз изланиш ва сабр-тоқат талаб қилганлиги шубҳасиз.

“Навоий лирикаси”нинг биринчи боби Алишер Навоий шеърининг жанрлари ранг-баранглиги тадқиқига бағишланган. Тадқиқотчи ғазал, мухаммас, мусаддас, мустазод, соқийнома, рубоий, қитъа, чистон, туюқ, фард, қасида сингари мумтоз жанрларга доир назарий қарашларни имкон қадар бойитишга, уларнинг жанрий сифатларини тайин этишга интиланган.

Муаллиф эстетик идеали бадиий асарда бевосита образларда акс этса, илмий асарда маълум тадқиқот объектига муносабат шаклида намоён бўлади. Ижодкор эстетик идеалини умуминсоний, миллий ва индивидуал хусусиятларнинг зоҳир бўлиш даражасини ҳам айнан шу муносабат воситасида аниқлаш, бу орқали муаллиф илмий-эстетик тафаккури, ижод психологияси тўғрисида маълум хулосага келиш мумкин⁸⁵.

⁸⁴ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Тошкент, 1959. 78-бет.

⁸⁵ Жўракулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. Тошкент, 2003. 32-бет.

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов ҳар бир жанр намуналари таҳлилига киришар экан, аввало, ўша жанрнинг назарий асослари ҳақида батафсил ва атрофлича мулоҳаза юритади. Мисол учун олим талқинидаги рубоий жанри хусусиятларини кўриб ўтсак.

Тарихи: “Рубоий формаси, аввало, форс-тожик адабиётида кенг тараққий қила бошлади. Х асрдаёқ Рудакий ва Шаҳид Балхий каби тожик шоирларининг ажойиб рубоийлари яратгани маълум...”⁸⁶

Таърифи: “Рубоий тўрт мисрадан иборат тугал лирик асардир. Унда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари ниҳоятда сиқик, аммо ниҳоятда аниқ ва равшан, ўта характерли, ифодали, тасвирий образлар воситасида акс этиши керак...”⁸⁷

Тадқиқи тарихи: “Навоий рубоий билан амалий шуғулланибгина қолмасдан, унинг назариясининг пухта ишланишига катта ҳисса қўшди. У “Мезон ул-авзон” асарида рубоийнинг вазн хусусиятларига тўхталиб, уларнинг мукамал жадвалларини тузиб берди...”⁸⁸

Таққослаш: “Рубоий мусика ва қўшиқнинг авж моментини эслатади. Бунда фикр билан бирга ҳис-туйғулар ҳам баробар туғёнга келиб, ғояни мўлжалдаги юксакликка кўтариб чиқишга фаол ёрдамлашади”.

Ғоявийлиги: “Навоий рубоийларининг ғоявий характери ранг-барангдир. У ўз рубоийларида мавжуд ижтимоий тузум ва бўғиқ ҳаётни танқид этиш билан бирга, ундан қутулиш йўллари ҳам қидирди, эрксеварлик ғояларини ҳам илгари сурди”.

Мавзуси: “Навоий рубоийлари орасида сиёсий характердаги рубоийлар ҳам, дидактик характердаги рубоийлар ҳам учрайди... Навоийнинг бир қанча рубоийлари ишқий темададир”.

Қофияланиш тартиби: “Рубоий кўп вақта а-а-б-а схемаси бўйича қофияланади. Тўрт мисраси қофияланган рубоийлар одатда кам учрайди. Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний”даги 133 рубоийсидан 116 тасида эса тўрт мисра ҳам қофиядош”.

Тадқиқотдан тасвир воситаларининг ишлатилишидаги шоир бадиий маҳорати тўғрисида ҳам қатор кўчирмалар келтириш мумкин.

Абдуқодир Ҳайитметов Алишер Навоий шеъриятидаги ҳар бир жанр намуналарини ана шундай мустаҳкам илмий-назарий асослар воситасида таҳлилга тортади ва шундан сўнггина мантиқли мулоҳаза ҳамда хулосаларини ўқувчи билан баҳам кўради.

⁸⁶ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 58-бет.

⁸⁷ Ўша асар, 59-бет.

⁸⁸ Ўша асар, 59-63-бетлар.

Маълумки, “Хазойин ул-маоний” Навоий умум меросининг салмоқли қисмини ташкил этади. Ундан жами 16 лирик жанрга оид асарлар ўрин олган. Мажмуада ғазал энг асосий жанр ҳисобланади. Шу боис адабиётшунос ғазал таҳлили учун алоҳида фасл ажратади.

Абдуқодир Ҳайитметов ғазал жанрининг илмий-назарий хусусиятларини, хусусан, Навоий ғазалиёти қалбини, бадиияти оламини Шарқ адабиёти контекстида ўрганади. Бунда у кўпроқ Шарқ адабиётининг билимдони Абдулғани Мирзоевнинг илмий ишларига таянади, кўп ўринларда фикрларининг тасдиғи учун унинг мулоҳазаларидан кўчирмалар келтиради. Академик А.Мирзоевнинг “Рудакий ва X-XV асрларда ғазалчилик тараққиёти” номли монографияси ўтган асрнинг 60-йилларига қадар Марказий Осиё адабиётшунослигида Шарқ мумтоз адабиётининг муайян жанрига бағишланган ягона махсус илмий асар эди.

Ишда Навоий ғазалларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, композицион яхлитлиги, лирик характер ва лирик образнинг такомил тадрижи, мавзу ранг-баранглиги каби қатор илмий-назарий муаммолар Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий ғазалларидаги айни масалалар солиштирилиб, қиёсий-типологик усулда ўрганилади. Бу эса ўз навбатида ўрганилаётган мавзунинг кенгроқ ёритиш имконини беради.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг фикрича, форс-тожик ғазалчилигида ҳажаж баҳри кўп қўлланилиб келинган. Бу айниқса, Ҳофиз ижодида яққол намоён бўлади. Ўзбек ғазалчилигида эса рамал баҳри тармоқлари катта ўрин эгаллаган. Хусусан, рамалнинг рамали мусаммани маҳзуф ё мақсур вазнларида ғазал ёзиш энгил ва бу ўзбек тили хусусиятлари билан боғлиқ.

Олимнинг бу қарашлари кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда қайта исботини топди. Шунинг учун олим вазн масаласида, шунингдек, пароканда ва мусалсал ғазалчилик масаласида форс-тожик ғазалчилиги ва ўзбек ғазалчилигига бир хилда ёндашиб бўлмаслигини тўғри эътироф этади: “А.Мирзоевнинг фикрича, — деб ёзади А.Ҳайитметов, — ғазалда байтларнинг ўзаро мазмунан боғланганлиги ғазалнинг асосий ижобий хусусиятидир... Умуман, Ҳофизга, унинг ғазалларига берилган юксак баҳо мутлақо тўғри. Бироқ ғазалда байтларнинг ўзаро мазмунан боғланиши-боғланмаслиги масаласида Ҳофиз ғазалларини асосий ўлчов қилиб олиш, бизнингча, унча тўғри эмас. Чунки, биринчидан, ғазалдаги айни шаклий жиҳат кўпчилик форс-тожик ва ўзбек шоирлари ижоди учун унча хос хусусият эмас. Иккинчидан, бу хусусият Ҳофиздан кейин кенг тараққий топмади”⁸⁹.

⁸⁹ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 91-бет

Мумтоз шеърӣ жанрлар, хусусан, ғазал жанри тарихи ва назариясини ўрганишда Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Навоӣй лирикаси” асари ҳамон муҳим манба бўлиб келмоқда. Ғазалнинг тарихи, шаклланиш босқичлари, етук намояндалари, жанрнинг ҳажми, баҳрлари, таҳаллус қўллаш масаласи, ғазал байтларининг мустақил маънога эга бўлиш ёхуд бўлмаслиги муоммоси, мавзу доираси, матлаъ ва мақтаси, структурал бутунлиги, композицион тузилишнинг лирик қаҳрамон характеридан келиб чиқиши, образлар тизими, анъанавий қоидалари ва ижодкор маҳорати сингари қатор илмий-назарий масалалар кенг қамраб олинади ва тадқиқ этилади.

Тадқиқотнинг “Навоӣй лирикасининг тематик хусусиятлари”, “Навоӣй лирикасидаги асосий образлар” каби бобларида муаллифнинг “дарди” ичида қолиб кетганлиги, давр мафқураси кўтара оладиган даражада фикр юритганлиги англашилиб туради. Жумладан, тадқиқотнинг 106-бетида Навоӣй лирикасининг тематик хусусиятлари тўғрисида “...Шеърят Навоӣй даврида, Навоӣй ижодида турмуш ҳодисалари ва масалаларини реалистик адабиётдаги сингари тўғридан-тўғри, қандай бўлса шундай эмас, кўп вақт традицион услубда, традиция рамкаларида, традицион образларга, темаларга боғлаб акс эттирилар ва лирика тематикаси ҳам шу йўл билан тараққий қилдирилар, кенгайтирилар, чуқурлаштирилар эди”⁹⁰, – деб асосли мулоҳаза юритилгани ҳолда кейинги саҳифада “ҳар эҳтимолга қарши”, “ҳатто ишқ тушунчасида ҳам кишиларни реал, ҳаётӣй масалалардан чалғитишга уриниб иш кўраётган сўфӣй шоирларни ғоявӣй позицияси меҳнаткаш халқ оммасидан кўра кўпроқ ҳукмрон реакцион синф манфаатларига яқин эди”⁹¹, – каби давр руҳига мос қарашлар билдирилади.

Умуман олганда, “Навоӣй лирикаси” ўзигача бўлган навоӣйшуносликка муайян даражада яқун ясади, мумтоз асарларни ўқиб-ўрганишга ва навоӣйшунослик истиқболига ижобӣй туртки берди.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Алишер Навоӣй ижодӣй методи масалалари” номли асари адабиётшуносликнинг энг муҳим назарӣй масалаларидан бири - Навоӣй ижодӣй методини текширишга бағишланган. Бу ишга қадар Шарқ адабиётининг, жумладан, муайян бир ижодкор асарларининг ижодӣй методи масаласи ўзбек адабиётшунослигида махсус ўрганилмаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, тадқиқотчи ўз олдида қатор назарӣй масалаларни ҳал қилишни вазифа қилиб олганлиги ойдинлашади. Сабаби, метод, услуб, дунёқараш, воқеликни қабул қилиш ва акс эттириш

⁹⁰ Ҳайитметов А. Навоӣй лирикаси. 106- бет

⁹¹ Ўша манба, 107- бет.

принциплари, эстетик ёндашув каби муоммолар доирасида ҳал бўладиган масала.

Бирор бир асарнинг қайси метод асосида ёзилганлигини аниқлашда ёзувчининг, шоирнинг ўз асарларида қандай ғояларни ифодалаганлиги, ўз даврининг қандай муҳим масалаларини кўтарганлиги эмас, образларни, сюжетни қандай тасвир тамойиллари асосида яратганлиги асосий мезон ҳисобланади.

Романтизмда образлар характери, кечинмаси, хатти-ҳаракати ва фаолиятини уларнинг руҳий ҳолати, ҳаёлоти, хоҳиши тақозосига кўра бўрттириб, муболағалаштириб, афсонавийлаштириб тасвирлаш мумкин. Бу борада ўзбек адабиётшунослигида турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, Абдуқодир Ҳайитметовнинг монографиясида Навоий асарларининг ифода-тасвир тамойиллари романтизм методига мос келиши батафсил исботини топган.

Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Натан Маллаевларнинг бу бордаги қарашлари Абдуқодир Ҳайитметов илмий хулосаларига ҳамоҳанг. Чунончи, И.Султон ўзининг “Адабиёт назарияси” дарслигида Шарқ адабиёти етук намояндалари ижодий методи–романтизм тўғрисида қуйидаги мулоҳазаларини билдиради:

- орзу қилинган воқелик тасвирига мурожаат қилиш;
- ёзувчи замонини ёки яқин воқеликни тасвир этганда бош ижобий қаҳрамонларни идеаллаштириш;
- ўтмишнинг афсоналарига кўпроқ мурожаат қилиш ва қаҳрамонлар тасвирида афсонавий, ғайритабиий, мўъжизавий ҳодисаларга алоҳида аҳамият бериш;
- тасвир этилаётган ҳодисаларни бошқа тарихий даврларга ва бошқа мамлакатларга кўчириш;
- персонажлар ҳаётидаги энг гўзал, энг изтиробли ҳолатларни тасвирлашга алоҳида эътибор бериш.

Бироқ адабиётшунос олим Ғулом Каримов Навоийнинг эпик ва лирик мероси реалистик метод принциплари асосида яратилган деган ғояни илгари суради. Ғ.Каримов “Ўзбек адабиётида реализм ва романтизм муоммоси” мақоласида Б.Сучков, С.Петров каби рус олимларининг реализм тамойиллари ҳақидаги қарашларини тўғридан-тўғри ўзбек мумтоз адабиёти асарларига тадбиқ қилади: “Хамса” дostonлари, унинг асосий қаҳрамонлари Мажнун, Лайли, Фарҳод, Ширин, Баҳром ва бошқалар, – деб ёзади Ғ.Каримов, – ҳеч шубҳасиз, XV аср тарихий шароити туғдирган, ўша ижтимоий муҳит

масалаларини ўзида гавдалантирган, ўша муҳит интилишлари учун курашган адабий қаҳрамонлардир⁹².

Ғулом Каримов мақоласида Алишер Навоий асарларида кўтарилган ғояларга урғу беради. Бизнингча, асарда кўтарилган ғоялар эмас, балки тасвир усуллари, сюжет қурилиши, образ яратиш йўллари асар ёзилган методни аниқлашда асосий мезон бўлиши керак. “Масалан, Юсуф ва Зулайҳо ёки Лайли ва Мажнун ҳақида дoston ёзган шоирлар ўз асарларида асосий сюжет чизиги, мавзу билан бир қаторда олдин ёзилган дostonлардаги асосий қаҳрамонлар образини ҳам сақлаб қолди. Реалистик адабиётда эса бундай хусусиятнинг бўлиши мумкин эмас. Чунки, реалист санъаткор ўз асарини ёзаётган моментда мумкин қадар реал ҳаётни кўз олдида тутди”⁹³, – деб таъкидлайди Ҳайитметов.

Тадқиқотчи Навоий ижодининг бой материаллари асосида унинг ижоди романтизм асосида қурилган деган илмий хулосага келади. Бироқ бу шоирга бадиий тасвирда реалистик усулларни қўллашга, реал инсоний характерлар ва ҳаётий манзаралар яратишга монелик қилмаганлигини алоҳида кўрсатади.

Адабиётшуносликда метод масаласини аниқлаш турли халқларда яратилган бадиий ижод намуналарини қиёсий-типологик ўрганишнинг асосларидан ҳисобланади. Шу боис Алишер Навоий ижодий методини ўрганиш ўзбек, форс-тожик, озарбойжон адабиётларининг ижодий методини ўрганишни тақозо этади.

Монографиянинг “Навоий тасвирида субъектив-эмоционал томонлари”, “Бадиий тасвирда шартлилик ва традиционлик”, “Реалистик хусусиятлар” каби соф илмий-назарий масалаларнинг таҳлили Абдуқодир Ҳайитметовни адабиётшунослигимиздаги етук назариётчи олимлардан бири эканлигини кўрсатади. “Реалистик тенденция асосида ёзилган шеърлар Навоийнинг қирқ беш минг мисрага яқин тўрт девонида мутлақ кам сонни ташкил этади, – деб ёзади олим. – Шунинг учун улар Навоий лирикасини метод нуқтаи назаридан характерлаб бера олмайди. Яъни, ана шу шеърлардангина келиб чиқиб, биз Навоийнинг лирикадаги бадиий тасвир принциплари ҳақида умумий бош хулоса чиқара олмаймиз”⁹⁴.

Тадқиқотда Навоий лирикаси анъанавий хусусиятларгагина эга бўлиб қолмасдан, балки мазмун жиҳатдан ҳам, шаклий мукаммаллик жиҳатдан ҳам анъанавий қонун-қоидалар замирида юзага келганлиги, улар билан деярли ҳамма ўринда яқиндан боғланганлиги ва бу хусусият ўша давр Шарқ адабиётининг аксарият асарлари учун хос бўлганлиги илмий-назарий жиҳатдан исботини топди.

⁹² Каримов Ғ. Ўзбек адабиётида реализм ва романтизм муаммоси. Тошкент, 1977. 103-бет.

⁹³ Ҳайитметов А. Навоий ижодий методи масалалари. Тошкент, 1965. 37-бет.

⁹⁴ Ҳайитметов А. Навоий ижодий методи масалалари. 128-бет.

Ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётлараро алоқа ва ўзаро таъсир муоммоларига бағишлаб ўтказилган қатор анжуманлардан сўнг бу йўналишда илмий изланишлар олиб бориш кучайди. Абдуқодир Ҳайитметов докторлик диссертациясида Навоий ижодий методи масалаларини тадқиқ этгач, ижодий метод масаласини Шарқ адабиёти миқёсида ўрганишга киришди. 1970 йили ана шу илмий изланишларнинг самараси ўлароқ “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан” асари юзага келди. Монографияда реалистик ва романтик тасвир, бу масаланинг Шарқ адабиётида Ғарб адабиётидан бир мунча фарқланиши, мажозийликнинг Шарқ адабиётида таянч нуқта эканлиги ҳамда Ғарбу Шарқнинг ўзаро алоқа ва ҳамкорлиги масаласи мумтоз шоирларнинг асарлари таҳлили мисолида батафсил ўрганилади. Асарда кўтарилган масалалар, илгари сурилган ғоя, аниқ таҳлил асосида билдирилган мулоҳазалар ва чиқарилган хулосалар Шарқ адабиёти ривожланишининг илмий-назарий асосланган манзарасини ёритиб беради. Шарқ шеъриятининг романтик бадиийлик жозибadorлиги, романтик тасвирнинг тарихий ва ғоявий негизлари талқини Абдуқодир Ҳайитметовга Низомий, Умар Ҳайём, Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби сўз санъаткорларнинг ижодий методини кенг назарий асосда ойдинлаштиришга йўл очган. Олим Навоий ижодий методини ўрганишда кўтарган масалалар “Шарқ адабиёти ижодий методи тарихидан” асарида янада чуқурлашди ва X-XV асрлар Шарқ адабиёти жараёни тўғрисида қатор муҳим назарий умумлашмаларга келинди.

Шу билан бирга Абдуқодир Ҳайитметов адабиёт назариясининг муҳим бир тармоғи бўлган ижодий метод масалалари хусусида қатор илмий мақолалар эълон қилди. Ҳар бир мақолада ижодий методнинг ўзига хос муҳим бир қирраси тўғрисида илмий кузатишлар баён этилди. Улар ўтган асрнинг 60-йиллари охиридан эътиборан турли илмий мақолалар тўпламларидан жой олди. Жумладан, “Навоий дostonларида реалистик хусусиятлар” (“Навоий даҳоси”), “Алишер Навоийнинг ижодий методи” (“Ҳаётбахш чашма”), “Адабиётимизнинг реалистик анъаналари” (“Табаррук излар изидан”), “Навоийнинг ижодий методи масаласи”, “Навоий дostonларида шартли тасвир” (“Навоийхонлик суҳбатлари”) каби муҳим назарий масалалар талқини ва тадқиқига бағишланган мақолаларни санаб ўтиш ўринли.

Бу мақолаларнинг айримлари олимнинг докторлик диссертацияси ҳамда “Шарқ адабиёти ижодий методи тарихидан” монографияси яратилишига асос бўлиб хизмат қилди. Баъзи мақолалари йирик тадқиқотлардан кейин ёзилдики, бу етук адабиётшунос ва назарийчи олимнинг айни масалалар билан муттасил шуғулланиб келганлигини кўрсатади.

Олимнинг ижодий методга оид мақолалари чуқур назарий қарашлар билан суғорилганлиги боис бир китобидан бошқа бир китобига кўчганда, яъни

қайта нашр этилганда деярли ўзгаришсиз чоп этилган. Масалан, 1974 йилда нашр қилинган “Ҳаётбахш чашма” тўпламидан жой олган “Навоийнинг ижодий методи” мақоласи 1993 йил нашр этилган “Навоийхонлик суҳбатлари” китобига деярли ўзгаришсиз ва тузатишсиз киритилган.

“Навоий шеърий маҳорати ҳақида”, “Улуғ шоир шеърий услубига доир” каби мақолалари тўғрисида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Абдуқодир Ҳайитметовнинг илмий-тадқиқот ишларида адабиёт назарияси ва методологияси муоммолари салмоқли ўрин тутганлигини қайд этиш зарур. Бу ишлар қуйидаги йўналишларда давом этди:

- Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари талқини;
- Шарқ мумтоз шоирлари, хусусан, Низомий, Деҳлавий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Навоий, Машраб, Турди, Увайсий, Мунис, Ҳамза ва бошқа шоирлар ижоди ҳамда адабиётшунослик методологияси масалалари тадқиқи;
- шеърият жанрлари таснифи, ўзига хос хусусиятлари тадқиқи;
- вазн, қофия, бадий-тасвирий воситалар таҳлили;
- Навоий ва Шарқ адабиётининг ижодий методи масалалари;
- романтизм, реализм тамойиллари, адабий таҳлил усуллари тўғрисидаги илмий қулатишлар ва бошқалар.

Кўриб ўтилган бу масалаларнинг таҳлили ва талқини ўтган асрнинг 60-йилларидан кейинги ўзбек адабиётшунослигининг жиддий ютуғи бўлди деб бемалол айтиш мумкин.

V. МУМТОЗ АДАБИЁТДА УСЛУБ МУАММОСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Услуб – ғоявий-эстетик хусусиятлар умумлашмаси бўлиб, ижодкорнинг тасвир усули демакдир. Ижодкор асарларида намоён бўлган ғоялар, сюжет ва характерлар доираси, тасвир воситалари, тил хусусиятлари ҳам услуб тушунчасини ташкил этади. Адабиётшунос Абдуғафур Расулов: “Услуб – ижодкорнинг ботиний, руҳий суврати. Услубда санъаткорнинг моҳияти, дунёқараши, маданий даражаси, бетакрорлиги акс этиши”ни қайд этади.⁹⁵ Услуб атамаси маълум бир адабий оқимга нисбатан ҳам, ижодкорга нисбатан ҳам ишлатилади. Романтизм оқими услуби ёки Алишер Навоийнинг поэтик услуби каби.

Услуб – мумтоз адабиёт тадқиқи мисолида кам ўрганилган назарий масалалардан бири. Бу балки анъанавийликка асосланган мумтоз Шарқ

⁹⁵ Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. Тошкент, 2006. 212-бет

шеъриятида сюжетлар, образлар, рамзлар бир хиллиги ижодкорнинг услубий индивидуаллигини маълум даражада чеклайди, деган қарашлар туфайли бўлса керак.

Адабиётшуносликда услубга доир берилган таърифларни қисқача қилиб айтадиган бўлсак, метод – ижодкор асарларида намоён бўлган хусусиятларнинг умумий кўриниши бўлса, услуб – ижодкор асарларида кўринган унинг индивидуаллиги, ўзига хослигидир. Бошқача айтганда, метод – умумийликка, услуб – хусусийликка таянади.

“Услуб,—деб ёзади Абдуқодир Ҳайитметов – ижодий методнинг конкрет ва хилма-хил кўриниши бўлиб, давр ва ҳаёт характери билан яқиндан боғланади, унинг хусусиятларини ёзувчининг шахсий темпераменти, ҳаёт тажрибаси, миллий хусусиятлари, бирор адабий йўналишга хос тамойили ва ҳоказолар орқали акс эттиради”⁹⁶.

“Навоийнинг ижодий методи масалалари”, “Шарқ адабиёти методи тарихидан” каби тадқиқотлари кейинчалик муаллифни услубий кўринишлар масаласида кузатишлар олиб боришга ундади. Ана шу илмий кузатишларнинг натижаси ўлароқ, мумтоз адабиёт асарлари таҳлили мисолида илк бор услуб масаласини илмий-назарий текширишга бағишланган мақолалар юзага келди. “Алишер Навоийнинг бадиий поэтик услуби юзасидан мулоҳазалар”, “Улуғ шоир поэтик услубига доир”, “Туркистон ва Хуросон услублари”, “Ўзбек адабиётида халқчиллик ва халқчил услуб ҳақида”, “Ўзбек адабиётида халқчиллик тенденцияси”, “Сеҳрли назм” каби мақолалар шулар жумласидандир.

Абдуқодир Ҳайитметов талқинида услуб икки маънода қўлланилган: биринчиси – индивидуал услуб, иккинчиси – услубий оқим. Олимнинг “Улуғ шоир поэтик услубига доир” мақоласи 1974 йилда ёзилган. Умумий мулоҳазалар тарзида баён этилган мақола Алишер Навоий шеърятининг ўрганилиши зарур бўлган яна бир қиррасига эътиборни жалб этади. “Бу масалани нисбатан кечикиб ўрганилаётганлигининг ўз сабаблари мавжуд, – деб ёзади адабиётшунос олим. – Чунки, адабиётшунослик тажрибаси шуни кўрсатадики, у ёки бу ижодкорнинг услуби масаласи одатда ижодининг умумий кўлами маълум бўлгандан кейингина яхшироқ ўрганилади”⁹⁷.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий поэтик услубини ўрганиш анча қийин кечишини эътироф этиб, унинг ғазалларига ўхшаш шеърый асарларни форс-тожик, ўзбек, озарбойжон шоирлари девонларида кўплаб учратишимиз мумкинлигини, уларда олдиндан маълум бўлган бир мавзуда, шеър аҳллари

⁹⁶ Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Тошкент, 1970. 309-бет.

⁹⁷ Ҳайитметов А. Улуғ шоир поэтик услубига доир// Табаррук излар изидан. Тошкент, 1979. 21-бет.

маълум тасвир воситалари: ўхшатиш, истиора, муболаға, такрорий ундовлар воситаси ҳамда ҳаммага таниш образларда ёзилишини тўғри таъкидлайди. Бу фактлардан Алишер Навоий поэтик услубига анъананинг таъсири катта бўлганлиги аёнлашади.

Абдуқодир Ҳайитметов мазкур мақоласида услуб масаласининг назарий асосларини тўғри талқин этган бўлса-да, унинг Навоий поэтик услубига доир мулоҳазалари баъзи эътирозларни туғдиради. Масалан, олим бу хусусда шундай деб ёзади: “У (Навоий назарда тутилмоқда – З.Қ.) фавқуллодда бир шеърӣй талантга эга бўлиш билан бирга, ниҳоятда чуқур билимга, бой ҳаётӣй тажрибага, атрофида юз берган воқеа-ҳодисаларни олимларча синчиклаб кузатиб, бу ҳақда файласуфларча теран мулоҳаза юритиш қобилиятига эга эди. Унинг бу шахсий хусусиятлари шеърларида ҳам, достонларида ҳам, насрий асарларида ҳам ҳар доим ўз ифодасини топган. Буларнинг ҳаммаси жам бўлиб, унинг ўзига хос шеърӣй ва насрий услубларини белгилаб берган”⁹⁸.

Навоий услубига доир билдирилган бу умумий мулоҳазаларни Навоий улуғлаган ва азиз билган қайси бир Шарқ шоирига нисбатан ишлатмаслик мумкин?

Шунингдек, олимнинг қуйидаги “...Умуман, Навоий лирикасидаги тасвирий услубнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, шоирнинг ишқӣй-анъанавӣй мисра ва байтлари деярли ҳар қадамда ҳаётӣй мушоҳада ва мулоҳазалар, ҳаётӣй картина ва лавҳалар билан йўғрилган ҳамда безатилган”, – деган мулоҳазаларини Ҳофиз, Саъдий, Жомий ижодига ҳам нисбат бериш мумкин.

Тўғри, реалистик адабиётда масала бошқачароқ ҳал қилинади. Чунки, унда мумтоз адабиёт учун фазилат бўлган анъанавӣйлик реалистик асар учун камчилик ёки катта қусур саналади. Зеро, реалистик асардаги услуб – образларнинг, характер-руҳиятининг, муаллиф ва персонаж нутқининг, сюжет ва композициянинг, бадиӣй тасвир воситалари ва бошқаларнинг ўзига хослиги ва бетакрорлигидан келиб чиқади.

Назаримизда, баъзи ўринларда домла “услуб” атамасини “баён услуби” ва “пафос” маъносида ишлатган. “Улуғ шоирнинг поэтик услуби” мақоласида яна шундай мулоҳазалар билдирилади: “Навоийнинг эпик услуби лирик асарлари услубига нисбатан ҳам анча мураккаб. Чунки бунда бир достоннинг ёзилиши, ўқилиши, уни ёзишдан автор кузатган мақсад бошқасиникига ўхшамайди. “Ҳамса”даги “Ҳайрат ул-аброр” фалсафӣй-дидактик асар бўлса, “Фарҳод ва Ширин” ишқӣй-романтик достон...”⁹⁹.

⁹⁸ Ҳайитметов А. Улуғ шоир поэтик услубига доир.// Табаррук излар изидан. Тошкент, 1979. 25-бет.

⁹⁹ Ўша манба. 30-бет.

Олим назарда тутган “ёзилиши”, “ўқилиши” – асарнинг баён усулига, “унинг ёзишдан автор кузатган мақсад” эса ғояга алоқадор.

Навоий дostonлари турли хил пафосда ёзилган бўлса-да, Навоийнинг эпик услуби деганда, турли хилда ёзилган ана шу дostonлар учун хос бўлган хусусийлик – Навоий индивидуаллиги намоён бўлиши керак. Бошқача айтганда, услуб текшириладиёганда бу дostonларни бошқа ижодкор эмас, айнан Навоий яратганлиги сезилиши лозим.

Албатта, бу масалаларни бир мақола доирасида текширишнинг имкони йўқ. Шунинг учун Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўзи ҳам мақоласини “умумий мулоҳазалар”¹⁰⁰ дея эътироф этади. Олимнинг ушбу мақоласи навоийшунослик олдида турган яна бир муҳим масалани кун тартибига қўйганлиги билан аҳамиятлидир.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Туркистон ва Хуросон услублари” мақоласи услубий оқимларни ўрганишда қимматли ва теран мулоҳазаларга бойлиги билан эътиборни тортади. “Назаримизда, ўзбек адабиёти тарихида бир адабий тил доирасида шартли равишда икки услубий йўналиш бўлган, – деб ёзади олим. Булардан бири XII асрда Аҳмад Яссавий асос солган ва кўпроқ Мовароуннаҳр доирасида ривожланган Туркистон услуби, иккинчиси эса Навоий асослаган ва XV асрнинг иккинчи ярмида юзага келган Хуросон услубидир”.¹⁰¹

Олимнинг талқинича, туркистоний услубда жонли халқ тилига яқин туришга интилиш кучли бўлса, хуросоний услубда анъанавий мавзуларга, образларга кенг ўрин беришда, уларга форсий тил таъсирининг ниҳоятда кучлилигида намоён бўлади.

Услублар, услубий йўналишлар ранг-баранглиги ва бу масаланинг адабиётшунослик методологияси нуқтаи назаридан илмий текшириш борасида адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқовнинг “Навоий ва ўзбек шеъриятида услублар масаласи”¹⁰² деб номланган мақоласи теран кузатишларга бойлиги билан диққатни тортади. Олимнинг мулоҳазаларига кўра, туркий тилдаги поэзия ўз тараққиёти давомида уч асосий босқичда яратилган. Булар: туркона, классик ва олий ёки навоиёна босқичлардир. Бу услубларнинг ҳар бирининг ўзига хос қатор жиҳатлари бўлиб, кейинги асрларда ҳар бир услубнинг давомчилари бўлган.

¹⁰⁰ Ўша манба. 31-бет.

¹⁰¹ Ҳайитметов А. Туркистон ва Хуросон услублари// Адабий меросимиз уфқлари. Тошкент, 1997. 94 –бет.

¹⁰² Исҳоқов Ё. Навоий ва ўзбек шеъриятидаги услублар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, 5-сон, 3-8-бетлар.

Адабиётшунос Дилором Салоҳий “Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабий услублар ҳақидаги қарашлари” номли мақоласида олимнинг адабий услублар ҳақидаги қарашларига муносабат билдирад экан, “Абдуқодир Ҳайитметов масалага ўзбек адабиётидаги халқчиллик тамойили хусусиятлари нуқтаи назаридан ёндашди”¹⁰³, – деган хулосага келади.

Ёқубжон Исҳоқов Навоий айрим шоирлар услубига нисбатан қўллаган “туркона” атамасини туркона услуб вакиллари сифатида талқин этса, Абдуқодир Ҳайитметов ўша атамани “Туркистон услуби” тушунчаси билан изоҳлайди. Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Ўзбек адабиётида халқчиллик тенденцияси”¹⁰⁴ мақоласида билдирилган бу изоҳ, шу мавзуга оид кейин ёзилган мақоласида¹⁰⁵ учрамайди.

Абдуқодир Ҳайитметов “Туркистон услуби”, “Хуросон услуби” каби атамаларни адабиётшунослик истёмолига киритишда Эрон олимларининг тажрибасига таянади. Муаллифнинг ўзи буни шундай эътироф этади: “Эрон олимлари форс-тожик адабиётида Ироқ услуби (“Сабки Ироқий”), Ҳинд услуби (“Сабки Ҳиндий”), Туркистон услуби (“Сабки Туркистоний”) каби услублар бўлганини ёзадилар”¹⁰⁶.

Абдуқодир Ҳайитметов “Сеҳрли назм” мақоласида Лутфийнинг поэтик услуби хусусида фикр юритади. Гарчи бу мақолада бир ижодкор услуби тўғрисида сўз борса-да, бироқ унда биргина Лутфийнинг эмас, умуман, унга яқин услубда ижод қилган шоирлар шеърятининг тил хусусиятларига оид кузатишлар мавжуд. “Лутфий шеърятда содда ва равон услубни танлади. Бу услуб том маънода гўзал ва ёқимли услуб бўлиб, Лутфийга шоир сифатида катта шуҳрат келтирди. Унинг сўз бойлиги асос-эътибори билан жонли халқ тили ҳисобига бойиб борди. Бу билан у ўзига замондош шоирлар: Атойи, Саккокий, Гадоийларга ҳам кучли таъсир кўрсатган эди”¹⁰⁷. Мақолада Лутфий поэтик услубига хос белгилар сифатида жумла тузилишидаги соддалик, тасвирнинг ҳаётийлигига интилиш ҳамда таъриф-тавсифда ҳазил-мутуйибага ўрин бериш каби индивидуал услуб жиҳатлари таҳлил қилинади.

Адабиётшунос “Навоийнинг ижодий методи масаласи” номли мақоласида XV аср адабиётида реалистик йўналишдаги бадиий тасвир услуби, мажозий, яъни аллегорик услуб ҳамда романтик характердаги тасвир услублари мавжуд

¹⁰³ Салоҳий Д. Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабий услублар ҳақидаги қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, 1-сон, 10-бет.

¹⁰⁴ Ҳайитметов А. Ўзбек адабиётида халқчиллик тенденцияси // Ўзбек тили ва адабиёти 1993, 1-2 сонлар.

¹⁰⁵ Ҳайитметов А. Туркистон ва Хуросон услублари // Адабий меросимиз уфқлари. Тошкент : “Ўқитувчи” нашриёти, 1997. 91-95-бетлар.

¹⁰⁶ Ҳайитметов А. Туркистон ва Хуросон услублари // Адабий меросимиз уфқлари. 94-бет.

¹⁰⁷ Ҳайитметов А. Сеҳрли назм. // Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Тошкент, 1996. 94-бет.

бўлганлигини таъкидлайди¹⁰⁸. Навоий бу услубларнинг барчасидан бирдек фойдаланганлигини уқтирган олим улуғ шоирнинг реалистик асарларида автобиографик хусусиятлар, сатирик асарларида ҳаётӣй, реал тасвир, умуман ижодида эса романтик услуб, яъни метод устунлик қилади деган хулосага келади. Кўриниб турибдики, “услуб” Абдуқодир Ҳайитметов талқинида баъзан “метод” маъносида ҳам ишлатилган.

Шунингдек, ҳозирги адабиётшунослик билан мумтоз Шарқ адабиётшунослигида услуб масаласи бир хилда тушунилмаган. “Ғиёс ул-луғат”да “услуб”, “баён тарзи”, “фикрни ифода этиш маҳорати” маъносида талқин қилинган. “Баъзи адабиётшунос ва санъатшунос ёзувчиларнинг индивидуал услубидан ташқари ҳар тарихий даврнинг адабиёти ва санъатининг ўзига хос услуби борлигини ҳам тасдиқ этмоқдалар, – деб ёзади академик Иззат Султон. – “Давр услуби” назарияси реалистик адабиёт мисолида ҳам ўзининг исботини топмаган бўлса ҳам, классицизм ва романтизм даврларининг материалида маълум даражада асосланмоқда”¹⁰⁹.

Метод ва услуб бир-бирига боғлиқ ажралмас тушунчалар, уларни бир-биридан ажратиб текшириш ҳам кутилган натижани бермайди. Услуб ва метод – хусусийликнинг умумийлашувига ёки бир нарсанинг икки томонига ўхшаш тушунчалар. Шу боис бундай кузатувларда доимо баҳс-мунозара бўлиб туриши табиӣй.

Абдуқодир Ҳайитметов биринчилардан бўлиб, мумтоз адабиётимиздаги ана шу жиҳатга эътибор қаратди. Бу эса адабиёт тадқиқотчилари зиммасида мумтоз адабиётда услублар ранг-баранглиги масаласини текширишдек катта вазифалар турганлигини кўрсатади.

VI. АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ – МАТНШУНОС ВА НОШИР

Шарқ халқлари қадим замонлардан буён жаҳон маданияти хазинасига ўзининг мумтоз асарлари билан ҳисса қўшган кўплаб буюк ижодкорларни етиштириб берди. Уларнинг меросини кенг халқ оммасига етказиб бериш маданиятимизнинг тўқислиги учун ниҳоятда зарурдир. Бу ишларни ўтмиш қўлёзмаларни йиғиш, илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи манбашунослик ва матншунослик билимларисиз, арабий имло малакасисиз амалга ошириб бўлмайди.¹¹⁰

¹⁰⁸ Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масаласи // Навоийхонлик суҳбатлари Тошкент, 1993. 123-бет.

¹⁰⁹ Султон И. Адабиёт назарияси. Тошкент, 1980. 102 -бет

¹¹⁰ Ҳабибуллаев А. Адабий матншунослик ва манбашунослик. Тошкент, 2000. 4-бет.

Матншунослик – филологиянинг адабий, тарихий, илмий асарлар ҳамда тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи соҳасидир. Матншунослик бобидаги илмий изланишларнинг охир натижаси адабиёт тарихи ва назарияси учун манбавий асос яратиб бериш бўлганлигидан унга адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳаларидан бири сифатида қараб келинади. Шунга қарамай, матншуносликни филологик фанларнинг алоҳида тармоғи, мустақил бир соҳаси сифатида тушуниш тўғрироқ бўлади. Негаки, биринчидан, матншунослик фаолияти адабиётшунослик, тилшунослик ва тарих фанлари кесишган нуқтада кечади; иккинчидан, матншуносликнинг ўзи илмий изланишларида қатор ёрдамчи соҳаларни (палеография, услубшунослик, археография ва ҳ.к.) ўзига хизмат қилдиради.¹¹¹

Матншунослик адабиётшуносликнинг айрим муаммоларини ҳал қилишда муҳим ёрдамчи соҳа, тадқиқот тамойили бўлиб ҳам хизмат қилади. Масалан, унинг тадқиқ усулларида, тажрибаларидан ёзувчи ижодий лабораториясини, муайян асарнинг ижодий тарихини ўрганиш йўлидаги изланишларда кенг фойдаланилади.

Матншунослик филология фанининг адабий, илмий, тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи соҳаси ҳисобланади. Тадқиқот объектларининг турли-туманлиги матнларни ўрганишнинг ва нашр этиришнинг турли хил методларини юзага келтирган. Жаҳон адабиётшунослигида бу борада яратилган кўплаб тадқиқотларни, жумладан, рус адабиётшуноси Д.С. Лихачёвнинг бу борадаги илмий ишларини кўрсатиш ўринли.¹¹²

Ўтган давр мобайнида, айниқса, XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб ўзбек матншунослигининг амалий йўналиши тез ривож топди. Бу борада Садриддин Айний (Алишер Навоийнинг “Хамса” асарининг қисқартирилган нашри), Абдурауф Фитрат (“Эски ўзбек адабиёти намуналари”), Иззат Султон (“Мезон ул-авзон”), Порсо Шамсиев (“Хамса”), Суюма Ғаниева (“Мажолис ун-нафоис”) каби олимларнинг хизмати катта бўлди. С. Мирзаев, В. Зоҳидов, А. Қаюмов, Ғ. Каримов, С. Муталлибов, С. Долимов сингари ўзбек адабиётшунослари билан бир қаторда Абдуқодир Ҳайитметовнинг матншуносликдаги изланишлари мазкур соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

“Навоийнинг текстологик тадқиқотлари ва уларнинг тақдири ҳақида”, “Навоий ижодида таҳрир масаласи”, “Хазойин ул-маоний” нашри тўғрисида”, “Матншунослик масалалари”, “Текстологик хато – бош хато”, “Навоий “Хамса”сининг қўлёзмаларини ўрганиш” каби ўнлаб мақолаларида Абдуқодир Ҳайитметов матншунослик илмининг долзарб масалаларидан баҳс юритиб,

¹¹¹ Куронов Д. Адабиётшунослик асослари. Тошкент, 2005. 9-бет.

¹¹² Лихачёв Д.С. Текстология (На материале русской литературы X-XVII века) М. 1962.

тадқиқ этилаётган мавзунинг моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан тўлароқ очишга интилади.

Биринчи манбалар устида илмий тадқиқот олиб борувчи кўпгина адабиётшунослар ҳам мутахассислиги матншунос бўлмаса-да, текстологик текшириш ишлари олиб боришга мажбур. Чунки бир асар ёки ижодкор фаолияти устида иш олиб бориш, бу тўғрида бирор илмий хулосага келиш учун, аввало, матншунослик тадқиқотларини бажариш керак. Шу маънода, профессор Абдуқодир Ҳайитметов илмий тадқиқотларининг аксарияти матншунослик соҳаси билан чамбарчас боғлиқ. Чунки олим диссертация, илмий рисола ёхуд бошқа шаклдаги тадқиқотларининг барчасида бирламчи, ишончли манбаларга таянган.

“Матншунослик масалалари” мақоласида чорак асрлик ўзбек матншунослиги тарихига назар ташланади, соҳада қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинади. Абдуқодир Ҳайитметов, П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймонов ҳамда Ҳ.Зарипов, М.Қодирова, А.Мадаминов тадқиқотларини эътироф этар экан, матншунослик олдида турган муҳим масалаларга эътибор қаратади. Биринчи масала – нашрга тайёрланаётган ишларнинг тарихийлик принципига мувофиқ келиши. Чунки ҳар қандай иш, хоҳ у академик нашр бўлсин, хоҳ оммавий нашр, унинг биринчи ютуғи – матннинг тўғри ўқилиши ва ёзилишида. Бу, албатта, қўлёзма билан иш олиб бораётган тадқиқотчининг билим-савияси, тажрибаси, матннинг умумий ва ўзига хос жиҳатларини тўғри тушуниб олишга боғлиқ. Адабиётшунос мазкур мақоласида “Лисон ут-тайр” достонининг, Атойи, Лутфий шеърларининг, “Девони Фоний” нинг нашрида нотўғри ўқилиб-ёзилган ва бузиб талқин қилинган сатрларни кўрсатиб ўтади ҳамда бу мисралар қандай ўқилиши ва улар асар умумруҳида қандай аҳамият касб этишини асосли мисолар орқали далиллайди. Абдуқодир Ҳайитметовнинг фикрича, бир сўзнинг нотўғри ўқилиши баъзан жуда катта хатоларга, асарнинг ғоявий моҳиятини бузишга, чалкаш хулосалар чиқаришга олиб келиши мумкин.

Муаллиф диққатни қаратган яна бир масала бу – транслитерация масаласидир. Матнни бир ёзувдан бошқа ёзувга кўчириш, яъни транслитерация ҳам машаққатли меҳнат талаб қилади. “Транслитерация омма ўқийдиган текст. Шунинг учун уни тузишга максимум диққат ва эътибор берилиши, бирон жумланинг нотўғри ёзилишига йўл қўйилмаслиги, ҳатто тиниш белгилари ҳам ўз ўрнига тўғри қўйилиши талаб қилинади”.¹¹³

Ўртага қўйилган масалалардан яна бири – оммавий нашрларни изоҳлар билан чоп этиш масаласи. Мумтоз асарлардаги айрим сўзлар, исмлар,

¹¹³ Ҳайитметов А. Мерос ва ихлос. Тошкент, 1985. 102-бет.

географик жой номлари, атамалар бугунги ўқувчига тушунарсиз бўлиши мумкин. “Оммавий текстлар академик характерда бўлмаса ҳам, лекин яхши сўзбоши ва изоҳлар билан таъминланган бўлиши шарт, –деб ёзади адабиётшунос. – Тестология фанимиз савиясининг баланд ё саёзлиги шу билан ҳам белгиланади”.¹¹⁴

Тадқиқотчи ёхуд матншунос муайян асар матни тарихи ва манбаларини ўрганиш, ёзилиш даври ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш орқали муаллиф варианти ёки унга яқин энг ишончли вариантни танлаб, шу асосда матнини тиклайди. Илмий-танқидий матн котиблар ва ноширлар томонидан асар матнига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, асарнинг турли нусхаларини ўзаро таққослаш орқали яратилади. Охирги натижа эса ана шу матннинг нашри ҳисобланади.

Абдуқодир Ҳайитметов “Навоий “Хамса”сининг кўлёзмаларини ўрганиш” номли мақоласида кейинги асрларда кўчирилган кўлёмаларнинг илмий-танқидий матнини тузишда баъзан эътиборсизлик ҳолатларининг учраётганлигини таъкидлайди. Матнлар нашрида йўл қўйилаётган имловий, тиниш белгиларининг қўлланиши билан боғлиқ, услубий ёки бошқа турдаги нуқсонларни кўлёмаларни кўчирган котиблардан кўрмаслик керак, дея масалага ҳолисона ёндашади: “Зотан кўлёмаларни кўчирган котибларни қотиб қолган, масалага ўзича қараш қобилятидан маҳрум кишилар деб бўлмайди. Чунки улар ҳам Навоий “Хамса”сини кўчириш билан ўзи яшаб турган жамиятнинг, бирор бир ижтимоий табақанинг ижтимоий топшириғини бажарган, уни ўз даври эстетик дидига мослаштиришга ёки яқинлаштиришга ҳаракат қилган”.¹¹⁵

Хаттотлик тарихидан маълумки, кўлёмза охирида котиб бевосита ўқувчига мурожат қилиб, “кўлёмзани кўчиришда хато қилган бўлсам, узр кўзи билан қаранг” қабилдаги узрхоҳликлар қоида тусини олган эди. Шу қоидага мувофиқ котиблар кўпинча ўзларига таниш бўлмаган ёки ўзларига ёқмаган айрим сўз, мисра ва бандларни ҳам ўзгартирганлар. Абдуқодир Ҳайитметов ана шу жиҳатларга асосланиб, масаланинг моҳиятига кенгроқ қарашга ундайди.

Маълумки, Навоий дostonлари матнини тиклашда Абдулжамил котиб ва Султон Али Машҳадий кўлёмзалари мўътабар манба ҳисобланади. Шу кўлёмзалар билан чекланиб қолмасдан, “Хамса”нинг хорижий давлатларнинг кўлёмза фондлари, кутубхоналари ва шахсий фондларда сақланаётган кўлёмза нусхаларидан ҳам фойдаланиш¹¹⁶ “Хамса”нинг мукамалроқ вариантини яратишга хизмат қилади.

¹¹⁴ Қаранг: Ўша манба, 110-бет.

¹¹⁵ Ўша манба, 126-бет.

¹¹⁶ Ўша манба, 128-бет.

Олим “Навоий “Хамса”сининг қўлёзмаларини ўрганиш” мақоласида муаллиф, котиб, қўлёзма, матн, нашр каби мураккаб бир бутунликни ташкил қиладиган масалаларга муносабатда илмий аниқликка ва холисликка таянишга, тарихийлик мезонларига амал қилишга ундаганки, матншунослик билан боғлиқ кейинги тадқиқотларда бу ўз ифодасини топаётир.

Кўриб ўтганимиздек, Абдуқодир Ҳайитметов илмий тадқиқотлари негизида матншунослик билан боғлиқ изланишлар ётади. Шу боис олим мавзуга қайта-қайта мурожаат этиб, масаланинг тарихий ва назарий асосларини тадқиқ қилади.

Унинг “Навоийнинг текстологик тадқиқотлари ва уларнинг тақдири ҳақида”, “Навоий ижодида таҳрир масаласи” каби мақолалари шу жиҳатдан характерлидир.

Адабиётшунос Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Ғаройиб ус-сиғар”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Махбуб ул-қулуб”, “Муҳокамат ул-луғатайн” каби асарлари ҳамда Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”, Бобурнинг “Бобурнома” каби асарларининг қимматли маълумотларига таяниб, Навоийнинг матншуносликка оид қарашларини, бу борадаги саъй-ҳаракатларини ўрганиб чиқади, матншунослик тарихи ва назариясига оид бўлган асосли хулосаларга келади.

Албатта, Навоий даврида текстология фан сифатида ривожланмаган, унинг илмий асослари ишлаб чиқилмаган эди. Шу боис Навоий текстологик тадқиқотлар олиб борган дейиш эриш туйилиши мумкин. Ҳайитметов Навоийнинг бу соҳадаги фаолиятида ялт этиб кўзга ташланадиган муҳим жиҳат – бир асарни кўчираётганда унинг оригиналлигини сақлашга, ғоявий-бадийий путур етказмасликка ундашидадир, – дея таъкидлайди.

“Навоийнинг текстологик тадқиқотлари ва уларнинг тақдири ҳақида” мақоласида улуғ шоирнинг котибларга муносабати орқали матншунослик асослари XV асрдаёқ куртак шаклида мавжуд бўлганлиги тўғрисида олим батафсил мулоҳаза юритади. “Навоийдан олдинги ва Навоий давридаги котибларнинг асарларини янги нусхага кўчиришдаги асосий камчилиги,–деб ёзади у – саводсизлик туфайли сўз ва ибораларни нотўғри, ноаниқ ва хато кўчириш, ҳар қайси котиб ўз диди ва тушунчасига қараб асардаги сўз ва ибораларни аслдан бошқача қилиб, ўзгартириб, ўз дидига мослаб кўчириши.”¹¹⁷

Китоб қўлда кўчирилган шароитда котиб муаллифдан кейинги шахс ҳисобланган. Котиб китобнинг кимга мўлжалланганлигига ёки бугунги нуқтаи назардан ёндашсак, буюртмачининг талабига қараб иш кўрган бўлиши мумкин. Бой фактик материалларга асосланган мазкур мақоласида тадқиқотчи

¹¹⁷ Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Тошкент.1970. 146-бет.

масаланинг бу жиҳатларини ҳам назардан қочирмайди. “Навоий котибларни, айникса, шоирларга энг яқин ва зарур кишилар деб билади ва “Махбуб ул-қулуб”да: “Котиб шуаро сўзининг варақнигоридур ва сўз махзанининг хазинадори”,¹¹⁸ – деб ёзади.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий ижодида таҳрир масаласига биринчилардан бўлиб эътибор қаратган адабиётшунослардан. Унинг “Навоий ижодида таҳрир масаласи” номли мақоласи айни шу муаммога тадқиқотчилар эътиборини қаратганлиги билан ҳам қимматли. Навоий ижодида таҳрир масаласи кейинчалик бошқа тадқиқотчилар томонидан давом эттирилди ва бугунги кунда муайян ютуқларга эришилди.¹¹⁹ Навоийда таҳрир масаласи бўйича тадқиқот олиб борган адабиётшуносларнинг хизматини эътироф этган ҳолда яна бир мулоҳазани билдириб ўтсак. Бизнингча, Навоий таҳрири деб тадқиқ этаётганимиз –котиб таҳрири ҳам бўлиб чиқиши мумкин. Келгусида мавзунини кенг қўламда ўрганиш масаласига аниқликлар киритади, деб ўйлаймиз.

Матн устида ишлаш мутахассисдан катта куч, чидам, машаққатли меҳнатни талаб қилади. Ҳар бир сўз, ибора, ташбеҳ сатр устидаги жиддий мушоҳадагина матн моҳиятини очишга имкон беради. Абдуқодир Ҳайитметов матншунос ва ношир сифатида Навоий асарларининг ўн беш томлиги учун “Ҳайрат ул-аброр”ни таҳрир қилди, рус тилидаги нашри учун дostonни таржима қилди. “Ҳайрат ул-аброр”нинг Абдуқодир Ҳайитметов томонидан насрийлаштирган вариантини адабиётшунос Н.Комилов “Бу ўз характери жиҳатидан бадиий таржимага яқин турадиган ишдир”,¹²⁰ – деб баҳолайди.

Абдуқодир Ҳайитметов кейинчалик адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов билан ҳамкорликда “Ҳайрат ул-аброр”дostonини матншунос П.Шамсиев томонидан яратилган илмий-танқидий нусхаси асосида таҳрир, тузатиш, тўлдиришлар ва шарҳ-изоҳлар билан шоир мукаммал асарлари йигирма жилдлиги учун нашрга тайёрлади.

1965 йил П.Шамсиев изоҳлари билан Абдуқодир Ҳайитметов масъул муҳаррирлигида чоп этилган “Ҳайрат ул-аброр” дostonи нашри билан 1991 йил чоп этилган йигирма томликнинг дoston нашрини солиштирганда охириги нашрининг анча мукаммаллик касб этганига гувоҳ бўлиш мумкин. Буни нашрларнинг ҳажмидан ҳам билса бўлади. Иккала нашрнинг ҳажмидаги фарқ

¹¹⁸ Ўша манба, 143-бет.

¹¹⁹ Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Тошкент, 1965; Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. Тошкент, 1998; Салоҳий Д. “Бадоеъ ул-бидоя” малоҳати. Тошкент, 2004; Рамазонов Н. Алишер Навоийда “таҳрирни таҳрир” // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, 1-сон, 17-23-бетлар.

¹²⁰ Комилов Н. “Ҳайрат ул-аброр”нинг насрий баёни // Гулистон, 1976, 2 сон. 29-бет.

126 саҳифани ташкил қилади. Давр сиёсати йўл қўймагани боис биринчи нашрда ҳамд, муножот, наът қисмлари тушириб қолдирилган.

Порсо Шамсиев нашридаги изоҳлар аксарият ҳолларда сақланиш баробарида луғат, изоҳ, шарҳлар билан бойитилган. Масалан, 1965 йилги дoston нашрининг XIV бобида келтирилган шеърӣ муболаға ҳақида шундай изоҳ берилади: “Оддий сўзлашув орасида ёлғондек ёқимсиз, эътиборсиз нарса йўқ, аммо шеърға солинган, шеърда келтирилган ёлғонни ҳатто донолар ҳам ёқтиради: яъни шеърда муболағага йўл қўйилди, демоқчи шоир”.¹²¹

Абдуқодир Ҳайитметов ва Иброҳим Ҳаққулов нашрларида эса ана шу фаслларга кенгрок шарҳ берилган. Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашерға ёзган шеърӣ мактуби ва “Маҳбуб ул-қулуб”дан шунга ўхшаш мисоллар келтирилиб, шоир назарда тутган муддао батафсил изоҳланган.¹²²

Мисолларни яна давом эттириш мумкин, бироқ, бир асарнинг турли нашрларини қиёсий ўрганиш алоҳида тадқиқот мавзуи бўлганлиги учун шулар билан чекланамиз.

“Замонавий матншуносликнинг бош тамойили – муаллиф ижодий иродасининг даҳлсизлигидир, – деб ёзади Л.Д.Опульская. – Ушбу “ирода” ҳар бир асарнинг ёзилиши ва матнининг муаллиф томонидан қайта ишланиши билан боғлиқ барча босқичларда ўз ифодасини топади. Муайян асарнинг ижодий тарихини текшираётган тадқиқотчи учун ушбу босқичларнинг ҳаммаси бирдай муҳим ва аҳамиятлидир”.¹²³

Шу боис бўлса керак, Абдуқодир Ҳайитметов 2004 йилга келиб, “Ҳайрат ул-аброр”дostonига қайта мурожаат қилди. 1974 йилги “Ҳайрат ул-аброр”нинг насрий баёни нашридан тушириб қолдирилган ҳамд, муножот, наът бобларининг насрий баёнини яратди.¹²⁴ Шўро мафкураси тазйиқи туфайли насрий баёндан олиб қолинган бу боблар қўшилиши натижасида дostonнинг мукаммал насрий баёни нусхаси юзага келди.

Абдуқодир Ҳайитметов қўлёзма матнлари нашри билан боғлиқ масалаларға ўта талабчанлик ва масъуллик билан қараб келган. “Ҳазойин ул-маоний” нашри тўғрисидаги мақоласи ана шу талабчанлик ва масъулликнинг маҳсули. Мақолада девоннинг Ҳамид Сулаймон нашри Беруний номидаги

¹²¹ Навоий Алишер. Асарлар. Ўн беш томлик. Олтинчи том. Ҳайрат ул-аброр. Тошкент, 1965. 248-бет

¹²² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Еттинчи том. Ҳайрат ул-аброр. Тошкент, 1991. 355-356-бетлар.

¹²³ Опульская Л. Эволюция мировоззрения автора и проблема выбора текста // Вопросы тестологии. Сб.ст. М.: 1957.С.90.

¹²⁴ Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Насрий баён этувчи Ҳайитметов А. “Ёзувчи” газетаси 5-6-7 (135), 8-10 (136) -сонлари. Ноябрь-декабр. 2004; 2-3 (138), 4 (139)-сонлари.2-26 феврал, 2005.

Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган 677-қўлёзма билан қиёсий ўрганилади. Олим Ҳ.Сулаймоннинг матншунослик, хусусан навоийшунослик олдигаги хизматларини эътироф этган ҳолда, қўлёзмадаги шеърларни жойлаштирилишида, ўқилиши ва ёзилишида, транслитерацияда ҳамда нашр этишда йўл қўйилган нуқсонларни бирма-бир кўрсатиб ўтади.

Маълумки, эски ўзбек ёзувидаги адабиётимизда кўпинча унли товушлар ёзилмайди. Бунинг устига, жуда кўп сўзлар вазн ва қофия талабига мувофиқ икки-уч хил ёзилади. Эски матнларда тиниш белгилари қўйилмайди. Табиийки, буларнинг бари “Хазойин ул-маоний” нашрида ўз аксини қолдирган. Навоий асарларини тўғри ўқиш ва тўғри тушуниш учун ўз давридаёқ “Абушқа”, “Бадоеъ ул-луғат”, “Санглоҳ” ва Шайх Сулаймон Бухорий томонидан “Луғати чигатойи ва усмоний” каби луғатлар яратилган эди. Ҳамид Сулаймон ҳам “Хазойин ул-маоний”га луғат илова қилади. Абдуқодир Ҳайитметов бу луғатни Навоий лексикасида кўп учровчи яна бир қанча арабча, форсча, эски туркий сўзлар луғати билан бойитиш зарурлигини илмий асослайди.

Навоий асарларининг кейинги нашрларида Ҳайитметов мақоласида кўтарилган кўпгина масалаларнинг ўз ифодасини топганлиги бу – олимнинг адабий жараёнда фаоллигини кўрсатиш баробарида унинг зукко матншунос ва синчков ношир бўлганлигини кўрсатади.

1966 йили Алишер Навоийнинг устози Абдурахмон Жомийга бағишлаб ёзган “Тухфат ул-афкор” қасидасини домла форсийдан ўзбек тилига таржима қилди, изоҳ ва луғатлар тузиб нашр эттирди.¹²⁵

Шоирнинг мазкур қасидаси ўз даврига форс-тожик ва ўзбек адабиёти учун муҳим воқеа бўлган. Асар илгариги қасидалардан фарқли ўлароқ кўпроқ ижтимоий-сиёсий характерга эга бўлиб, унда шоир ўз даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий ғояларини илгари суради, илғор фалсафий, ахлоқий қарашларини ифодалайди. Таржимон қасиданинг оригиналдаги вазн, қофия ва ўша давр шеърлятига хос услубий хусусиятларни сақлашга ҳаракат қилган. Мисол учун:

Ранж зарди ошиқи бувад аз тири ишқ,

Ҳамчу саффо, к-аш алиф ишнад ба паҳлу асфар аст—

Байт ўзбекчага шундай таржима қилинган:

Саргарар бечора ошиқнинг юзи ишқ ўқидин,

Гар алиф “саффо”да ўтса олдиға, “асфар” эрур —

“Саффо”ва “асфар”даги сўз ўйини, ўқ ва алифдаги ўхшатилиш ҳам таржимада сақлаб қолинган.

¹²⁵ Ҳайитметов А. Табаррук излар изидан. 142-150-бетлар.

Албатта, ҳар қандай таржимада давр руҳини сақлаб қолишга ҳаракат қилинади.

Бегуноҳро сохтан озурда аз теги забон,

Нотавон кардан рағи беранжро аз нашта аст –

Қасида арузнинг рамали мусаммани мақсур (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнида ёзилган. Таржимада ҳам шу вазн сақлаб қолинган.

Бегуноҳ одамга тил тиғидан озор етса, бу–

Соғ томирга урилган ноўрин ништар эрур.

Эркин таржимадан кўра аслиятга яқин таржима қилинганда асар матнига изоҳ ва луғат илова қилишга тўғри келади. Мазкур таржимада тушунилиши қийин бўлган сўз, ибора, жой номлари, мисраларга йигирма беш ўринда изоҳ берилиб, луғат тузилган.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг матншунослик борасидаги тажрибалари шундан далолат берадики, изоҳ ва луғатлар фақат таржима асарларгагина эмас, транслитерацияда ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, Ҳайдар Хоразмийнинг “Гулшан ул-асрор” достонидаги соҳибқирон Амир Темури жасоратини куйловчи эллик олти мисралик шеърӣ ҳикояни кирилл ёзувига кўчирганда Ҳайитметов унинг журнал варианты учун луғат тузиб, унга йигирма бир ўринда изоҳ беради.¹²⁶

“Гулшан ул-асрор” матнининг олдинги нашрларида баъзан берилиб, баъзан нашрдан қолдирилган мазкур шеърӣ ҳикоядаги “уруж”, “мафлун”, “наҳиб”, “бўшқуча”, “тўнгулмоқ”, “шинеб”, “ёрманмоқ”, “яди байзо” каби ўзбекча, арабча, форс-тожикча сўзларнинг изоҳи берилганлиги боис бугунги шеърхон ҳикоятни қийинчиликсиз тушуниб, унинг тарбиявий-маърифӣ аҳамиятидан баҳра олади.

Матншунослик Абдуқодир Ҳайитметов илмӣ фаолиятининг алоҳида бир қиррасини ташкил этишини юқорида таъкидлаб ўтдик. Унинг томонидан нашрга тайёрланган мумтоз адибларнинг асарлари тўғри, саводли ўқилганлиги, бир неча қўлёзмалар ўзаро қиёсланганлиги билан ажралиб туради. Абдуқодир Ҳайитметовнинг хизматлари туфайли Турди, Машраб, Комил, Убайдий, Дурбек асарлари кенг китобхонлар мулкига айланди. Туркийда адабиётдан биринчи назарӣ қўлланма бўлган шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарининг нашрга тайёрланиши эса адабиётшунослигимиз тарихида алоҳида воқеа бўлди. Негаки “Фунун ул-балоға” ўзбек тилидаги адабиётнинг назарӣ масалалари бўйича илк мукаммал қўлланма бўлиши билан бирга, шеърӣ тазкира характеридаги асар ҳамдир.

¹²⁶ Ҳайитметов А. Темурибек ва ҷумоли. (Изоҳлар ва сўзбоши билан нашрга тайёрловчи) “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1996, 1-сон, 5-бет.

Шайх Аҳмаднинг бу асари ҳижрий 840 (милодий 1436-1437) йилларда ёзилган ва Шарқ шеърятининг назариясининг жанр, қофия, радиф, шеърининг санъатлари, аруз вази, шеърнинг ўша пайтларда кенг тарқалган тури муаммо ва унинг қоидаларини илмий ёритиб, изоҳлаб беришга бағишланган.

Абдуқодир Ҳайитметов ушбу қўлёзманинг нашри муносабати билан ёзган мақоласида: “Шайх Аҳмад аруз баҳрлари сонини қирққа етказиш, унинг қайси бирлари арузнинг ўзига хос асосий баҳрлари, қайсилари зихофалардан ясалган баҳрлар, қайси бирлари баҳрларнинг ўзаро қўшилганидан ясалган баҳрлар, ҳар баҳрдан юзага келган тармоқларни аниқлаб бериш билан аруз илми соҳасида жуда катта ижодкорлик кўрсатган. Навоийнинг “Мезон ул- авзон” асарида ҳаммаси бўлиб, 120 та вазн изоҳланган бўлса, Шайх Аҳмад “Фунун ул-балоға” да 366 вазнга тўхтаган ва уларнинг ҳар биттасини аниқ мисоллар билан тушунтириб берган. Бу унинг ўзбек адабиётшунослик илми тараққиётига қўшган катта ҳиссаси эди”,¹²⁷ деб ёзганди.

“Фунун ул-балоға” матнида учрайдиган арабча калима ва мақоллар, жумладан, “лавлал-лисанумоҳал инсон”, “...ман санна қадистаҳдафа” каби ибораларнинг таржима қилиниши ҳам айни муддао бўлган. Бундан ташқари, матндаги тушунилиши қийин бўлган арабча, форсча, туркча юзлаб сўзларга изоҳ берилиб, луғати тузилганлиги матншуносликнинг катта илмий-назарий тайёргарлик ва масъулият билан ишга киришганлигидан далолат беради.

Абдуқодир Ҳайитметов “Фунун ул- болоға” асарига таяниб, Мавлоно Лутфийнинг Шоший эканлигини, “Гул ва Наврўз” достонининг муаллифи эса Лутфий эмас, Ҳайдар Хоразмий эканлигини аниқлайди.¹²⁸

1581 йил Бухорода Мир Кулунки ал-Ҳожи деган котиб томонидан кўчирилиб бизгача етиб келган “Фунун ул-балоға” қўлёзмасининг ҳажми 139 варақни ташкил этади. Асарнинг айрим ўринлари ўчиб кетган, муаммо тўғрисидаги охириги қисми йўқолган, тўртинчи, яъни “Аруз” қисмининг охири ҳам чала. Лекин шунга қарамай “Фунун ул-балоға” адабиёт назарияси бўйича энг мукамал ва бой маълумотларга эга бўлган илмий тадқиқотдир. Унинг Абдуқодир Ҳайитметов томонидан илмий жамоатчиликка етказилиши олимнинг матншунослик ва ноширлик фаолиятининг ёрқин намунасидир.

Абдуқодир Ҳайитметов матншунослик тадқиқотлари ва фаолият турларининг назарий мақолалар, матнлар таҳлили, матншунослик ишларига тақризлар, тарихий атамалар юзасидан изланишлар, адабиёт тарихининг алоҳида масалалари юзасидан йиғма материаллар тўплаш, матнларнинг нашри, таржимаси, шарҳи каби йўналишлари бўйича бирдек баракали ижод қилди.

¹²⁷ Ҳайитметов А. Адабиётдан туркийда биринчи назарий қўлланма // Ўзбек тили ва адабиёти 2002, 1-сон, 72-бет.

¹²⁸ Тарозий Аҳмад. Фунун ул-балоға. Тошкент, 1996. 207-бет.

Хуллас, адабиётшунос ва матншунос Абдуқодир Ҳайитметовнинг бу тадқиқотлари мумтоз адабиётни, хусусан, Навоий ижодини халқимизга етказишда, ўқиб-ўрганишда, улар юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб боришда муҳим манба бўлиб қолаверади.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Олимни, энг аввало, ҳаёти илмдан, илми ҳаётидан ажралмаган киши деб биладилар. Фақат ана шундагина инсон ўзини илмга тўлиқ бағишлаши ва фан ривожига муносиб ҳисса қўшмоғи мумкин. Таниқли навоийшунос олим, ўзбек ва Шарқ мумтоз адабиётининг зукко билимдони Абдуқодир Ҳайитметов илм-фан заҳматкашларидан бири эди. Серқирра фаолият соҳиби Абдуқодир

Ҳайитметовнинг илмий қизиқишлар доираси ғоятда кенг бўлиб, у ўзбек адабиёти тарихи ва ҳозирги адабиёт масалалари, адабиёт назарияси, адабий алоқалар, матншунослик ва манбашунослик муаммолари билан барабар шуғулланиб келди. Аммо унинг илмий фаолиятида улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ижоди ва поэтикасини ўрганиш асосий ўрин тутади. Азалдан илм йўлини игна билан қудуқ қазишга ўхшатишган. Бу ҳикматни устоз Абдуқодир Ҳайитметов ижодига ҳам бемалол нисбат бериш мумкин. Чунки олим умрининг салкам олтмиш йилини шу йўлга бахшида этди.

Алишер Навоий ижоди, унинг бой лирикаси ўзбек халқи бадиий тафаккури тараққиётининг муҳим босқичини ташки этади, жаҳон адабиёти тарихида бадиий ижоднинг гўзал ва юксак чўққиларидан ҳисобланади.

Алишер Навоий ижодиётини ўрганиш юзасидан адабиётшунослик илми кўп ютуқларни қўлга киритди. Навоийни англаш, тушуниш, асарларини халққа етказиш йўлида қилиниши керак бўлган зарур вазифалар ҳам оз эмас.

Адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов илмий фаолиятида Навоий ижодини текширишга доир тадқиқотлар алоҳида ўрин тутади. Шоир лирикасининг тадрижий тараққиёти, унинг мавзу кўлами, жанр хусусиятлари, образлар тизими ҳамда шоир бадиий маҳоратининг муҳим қирралари тадқиқига бағишланган тадқиқотлари навоийшуносликнинг ютуғи. Абдуқодир Ҳайитметов ўзбек адабиётшунослари орасидан биринчилардан бўлиб Алишер Навоий лирикаси борасида кенг кўламли ишларни амалга оширган, “Навоий лирикаси” китоби бунга мисол. Муаллиф шоир лирикасининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, унинг шарқона лирик анъаналарга муносабати масалаларини батафсил муҳокама этади. Абдуқодир Ҳайитметов “Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари”, “Навоий даҳоси” китобларида ҳам шоир лирикаси ва ижодий услубининг бир қатор муҳим хусусиятлари, унинг лирик асарларида ижодий услубифодаси мавзуига диққатини жалб этади.

Шунингдек, адабиётшунос илмий ва ижодий фаолияти давомида Шарқ мумтоз адабиёти, шунингдек ўзбек адабиёти тарихига доир кўплаб тадқиқотлар яратди.

Адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметовнинг кўплаб илмий тадқиқотлари ўтган асрнинг 60-80 йилларида яратилган бўлса-да, уларнинг илмий аҳамияти бугунги кунда ҳам муҳим.

Дарҳақиқат, камтарин инсон, заҳматкаш олим, фидойи мураббий Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўз ижодий фаолияти давомида Навоий ижодиёти ва мумтоз адабиётимизнинг долзарб масалаларига бағишланган тадқиқотлари ўзбек адабиётшунослиги илмига қўшилган муносиб ҳиссадир.

**АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ ИЛМИЙ АСАРЛАРИНИНГ
БИБЛИОГРАФИЯСИ**

(хронология тартибида берилди)

***Китоблар, рисоалар, тўпламларда ва вақтли матбуотда
нашр қилинган мақолалар***

1953 йил

1. Муқимийнинг лирик шеърлари // Ёш ленинчи, 1953, 24 ноябрь.

1954 йил

2. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Филология фанлари номзоди унвони учун диссертация автореферати. //-Тошкент:- ЎзССР АН, Фан нашриёти. 1954. -Б.15
3. Ҳасан Пўлат. Танқидий биографик очерк. (Ўзбек совет адабиётидан материаллар) -Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1954. -Б. 40

1955 йил

4. Ойбек поэзияси ҳақида (А.Аброров билан ҳамкорликда) // Шарқ юлдузи, 1955. № 5.-Б. 123-128.
5. Поэзия Айбека // Звезда Востока, 1955. № 5-6. С.67-75 (совм. с Аброровым А.)
6. Ойбек поэзияси. (А.Аброров билан ҳамкорликда) // Ёш ленинчи, 1955, 26 апрель.

1956 йил

7. Аруз ҳақида // Ўзбекистон маданияти, 1956, 14 апрель.
8. Ўзбек классик адабиётини ўрганишдаги хато ва камчиликларга қарши // Ўзбекистон маданияти, 1956, 14 июль.
9. “Алпомиш”– халқимизнинг ўлмас қаҳрамонлик достони // Тошкент ҳақиқати, 1956, 22 сентябрь.

1957 йил

10. Бердақ асарлари ўзбек тилида // Ўзбекистон маданияти, 1957, 30 январь.

1958 йил

11. Алишер Навоий поэтик маҳорат ҳақида // Шарқ юлдузи, 1958.-Б. 143-151
12. “Мажолис ун-нафоис” ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1958. № 1- Б. 53-59.
13. Машраб. Танланган асарлар (Сўзбоши) –Т.: Ўздавнашр .1958.
14. Заҳириддин Муҳаммад Бобур // Комсомолец Узбекистана, 1958, 15 апрель.
15. Бегона сатрлар // Қизил Ўзбекистон, 1958, 26 апрель.
16. Алишер Навоий. Шатранжи кабир ўйинининг ҳикояти (Нашрга тайёрловчи ва изохлар муаллифи) // Ўзбекистон маданияти, 1958, 2 апрель
17. Кекса шоирнинг куйлари // Ёш ленинчи, 1958, 19 июнь.

1959 йил

18. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Монография. Тошкент, 1959.
ЎзССР ФА нашриёти .-Б.196
19. Ойбек поэзияси // Ёш ленинчи, 1959, 26 апрель.
20. Алишер Навоий о шахматах // Шахматы в СССР. № 5.1959
21. Шоир Турди Фароғий асарларининг қадимий қўлёзма нусхаси топилди // Ўзбекистон маданияти, 1959, 1 июнь.
22. Машраб. Вступительная статья. В кн. Машраб. (Избранное), Гослитиздат, 1959.
23. Шоир Турди Фароғий асарларининг нодир қўлёзма нусхаси // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари - № 2, Б. 73-75.
24. Аҳмад Яссавий (Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи) Ўзбек адабиёти, 1-том. Т.: Ўздавнашр.1959.
25. Дурбек. (Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи) // Ўзбек адабиёти. Т.: 1-том. Ўздавнашр.1959.
26. Лисон ут-тайр. (Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи) // Ўзбек адабиёти, Т.: 1959. 2 том. Ўздавнашр. 1959.

1960 йил

27. Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1960. № 1, - Б. 17-26.
28. Мажлисий. Ўзбек адабиёти. 3-том (Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи)- Тошкент: 1960.Ўздавнашр.-Б. 178-230.

- 29.Амирий. Ўзбек адабиёти. 3-том (Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи) -Тошкент:1960. Ўздавнашр.- Б. 472-487.
- 30.Мухаййир. Ўзбек адабиёти . 3-том (Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи) -Тошкент: 1960. Ўздавнашр.- Б. 200-215.
- 31.Чор дарвеш. Ўзбек адабиёти. 4-том (Нашрга тайёрловчи)-Тошкент: Ўздавнашр. 1960. -Б.248-295.
- 32.Шохнома. Ўзбек адабиёти. 5-том (Нашрга тайёрловчи)-Тошкент: Ўздавнашр.- Б. 300-318.
- 33.Тўтинома. Ўзбек адабиёти. 4-том (Нашрга тайёрловчи)-Тошкент: Ўздавнашр.1960. -Б. 248-260.
- 34.Алиф лайло ва Лайло. Ўзбек адабиёти. 4-том (Нашрга тайёрловчи) -Тошкент: Ўздавнашр.1960. -Б. 216-217.

1961 йил

- 35.Навоий лирикаси. Монография. Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти.1961.-Б. 295
- 36.Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки (“Проза”, “Поэзия”, “Болалар адабиёти”) -Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти. 1961 -Б. 137-204, 215-227.
- 37.Ценный источник для изучения жизни и творчество Алишера Навои //- Народы Азии и Африка. -№ 6 С. 136-142.
- 38.Исёнкор шоир // Қизил Ўзбекистон, 1961, 19декабрь.
- 39.Мухаммад Солиҳ “Шайбонийнома” (Достон) // –Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1961.
- 40.Ўзбек шеърятини антологияси 1-том (тайёрловчи А. Ҳайитметов) Тошкент. 1961.

1962 йил

- 41.Навоий лирикасида реалистик мотивлар ва элементлар // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари - № 2 , -Б. 14-26.
- 42.Алишер Навоий. Шайх Санъон. (Кириш сўз)-Тошкент: Ўздавнашр.
- 43.Ҳаққоний тасвир // Ёш ленинчи, 1962, 11 январь.
- 44.Навоийнинг эстетик идеали ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 5, -Б.57-66.
- 45.“Хазойин ул-маоний” // Шарқ юлдузи, 1962. № 2. -Б. 54-57.

1963 йил

- 46.Навоийнинг ижодий методи масалалари. Монография. Тошкент: Фан.-Б. 173.
- 47.Узбекская поэзия в первой половине XV века // Народы Азии и Африки, 1963. № 4 .-С. 218-222.

1965 йил

- 48.Навоийнинг ижодий методи. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация афтореферати. Тошкент: Фан.-Б. 115 .
- 49.Навоийнинг текстологик тадқиқотлари ва уларнинг тақдири ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1965. № 1. -Б. 23-31.
- 50.Абдурахман Джами об эстетических принципах поэтического творчества // Общественный науки Узбекистана,1965. № 7 С. 32-39.

1966 йил

51. Навоий даҳоси // Тошкент ҳақиқати, 1966, 8 февраль.
- 52.Улуғ ғоя ва орзулар куйчиси // Ўзбекистон маданияти,1966, 9 февраль.
- 53.Навоий дostonларидаги реалистик хусусиятлар // Шарқ юлдузи,1966. № 2. -Б. 207-214.
- 54.“Хамса”қахрамонларининг ижтимоий муҳитга муносабати масаласи// Совет мактаби, 1966. № 8. -Б. 7-14.
- 55.Алишер Навоий ва фантастика // Фан ва турмуш 1966. № 9. -Б. 8-11.
- 56.Собир Термизий // Совет Ўзбекистони, 1966, 19 июнь.
- 57.Алишер Навоий. Тухфат ул-афкор (Таржимон, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи) Совет Ўзбекистони, 1966, 15 июль.
- 58.Навоий бинолар беағи ҳақида // Тошкент оқшоми, 1966, 5 октябрь.

1967 йил

- 59.История узбекской советской литературы (“Проза”, “Поэзия”, “Детская литература”) М. Наука, 1967.- С. 245-301.
- 60.Велий Октябрь и проблемы изучения классического наследия узбекского народа // Тезисы юбилейной научной сессии АН УзССР, Т.: Фан. 1967.
- 61.Навоий ва табиий фанлар // Фан ва турмуш,1967. № 2.-Б. 31-33.
- 62.Навоий ижодида тахрир масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967.№ 4. -Б. 48-49.
- 63.Алишер Навоий об искусстве народных умельцев // Общественные науки в Узбекистане, 1967. № 2.- С. 47-51.
- 64.Буюк шоирнинг йигитлик манзумалари//Тошкент оқшоми, 1967,11 январь.
- 65.Адабиётимиз анъаналарининг замонавий аҳамияти // Совет Ўзбекистони, 1967, 4 февраль.
- 66.Табиат ҳодисалари ҳақида // Фан ва турмуш, 1967. № 7.-Б. 14-15.
- 67.Инсонни улуғлаб // Ўзбекистон маданияти, 1967, 5 декабрь.

1968 йил

68. Алишер Навоийнинг ижодий методи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968. № 3. -Б. 10-16.
69. Дўстлик куйчиси // Тошкент ҳақиқати, 1968, 9 январь.
70. Юксак фазилатлар соҳиби // Ўзбекистон маданияти, 1968, 9 февраль.
71. Наваи // Правда Востока, 1968, 19 январь
72. “Хамса” ва давр // Совет Ўзбекистони, 1968, 9 февраль.
73. Навоий ва Ҳасан Дехлавий // Навоий ва адабий таъсир масалалари (Тўплам) - Тошкент: Фан. 1968. -Б. 63-73.
74. Великий гуманист // Звезда Востока, 1968. № 3. -С. 147-196.
75. Алишер Навоий халқлар дўстлиги куйчиси // Ўзбекистон коммунисти, 1968. № 9. -Б. 64-71.
76. Алишер Наваи–невец дружбы народов // Комунист Узбекистана, 1968. № 9. -С. 64-74.
77. Гуманизм и творчестве Наваи // Общественная наука в Узбекистане, 1968. № 9. -С. 8-15.
78. Ўзбек адабиётининг қуёши // Тошкент ҳақиқати, 1968, 25 сентябрь.

1969 йил

79. Ўзбек классик адабиётининг ҳаётбахш анъаналари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969. № 3, 4, 5. -Б. 7-14, 8-17, 14-20.
80. Мактаб таълимида муҳим босқич // Ўқитувчилар газетаси, 1969, 16 март.
81. Ўлмас таълимот // Ўзбекистон маданияти, 1969, 21 октябрь.

1970 йил

82. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. X-XV асрлар. (Монография). - Тошкент: Фан. 1970. -Б. 329.
83. Навоий даҳоси (Адабий-танқидий мақолалар тўплами)–Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. -Б. 172.
84. Ўзбек адабиётини ўрганишнинг баъзи масалалари // -Тошкент: ЎзССР “Билим” жамияти, 1970. -Б. 25.
85. Адабий меросни ўрганиш таълимоти // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970. -Б. 10-17.
86. Сўнгги режалар // Ўзбекистон маданияти, 1970, 6 февраль.
87. Ақтуал масалалар // Ўзбекистон маданияти, 1970, 3 апрель.
88. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Тошкент: Фан, 1970. 25, 2 б.т.

1971 йил

104. Турди (Шеърлар) Кириш сўз. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.

105. Навоийшуносликнинг ҳозирги равнақи // Совет Ўзбекистони, 1971, 9 февраль.
106. Алишер Навоий Хўжа Ҳофиз Шерозий хақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974.№ 5. – Б.8-13.
107. Адабиётимиз тарихининг ўз изохлари // Шарқ юлдузи, 1971.№ 2.-Б. 191-197.
108. Маданиятимиз тарихида катта воқеа // Бухоро ҳақиқати, 1971, 22 май.
109. Воқеаи бузург // Маориф ва маданият, 1971, 17 июль.
110. Нафосат тарихидан лавҳалар // Ўзбекистон маданияти, 1971, 26 октябрь.
111. Абдурахмон Жомий // “Ўзбек совет энциклопедияси” 1-том.Т.: 1971. -Б. 37-40.
112. Бобур // “Ўзбек совет энциклопедияси” 1-том.Т.: 1971. -Б. 287-293.
113. Бобурнома // “Ўзбек совет энциклопедияси” 1-том. Т.:1971. -Б. 295-297.

1972 йил

114. Узбекская проза // История советской многонациональной литературы. - Ч. IV. Москва: Наука.-С. 488-499.
115. О древней поэзия тюрков (На материалах “Девону луготит турк” Махмуда Кашгарского)// Советская тюркология. -Баку.№ 1. -С. 123-129.
116. Отношение Алишера Навои к сарбадаром // Народы Азии и Африки, 1972. Москва. № 2. -С. 102-113.
117. Проблемы реализма в литературах народов советского Востока// Сб. Тезисы докладов. -Баку, изд. “Элм”.-С. 22-25.
118. Адабий меросга ленинча муносабат самаралари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. № 6. -Б. 16-24.
119. Тахминий талқинлар // Гулистон, 1972. № 6. -Б. 25-27.
120. Дўст афғон диёрида // Совет Ўзбекистони, 1972, 28 июнь.
121. Бугунги Ҳирот // Ўзбекистон маданияти, 1972, 22 сентябрь.
122. Халқ талантлари ижоди қайнасин // Ўзбекистон маданияти, 1972, 3 октябрь.
123. Навоий жаҳон адабиёти кўзгуси // Совет Ўзбекистони, 1972, 23 октябрь
124. Девон // “Ўзбек совет энциклопедияси”. 3-том. Т., 1972. -Б. 585-586.
125. Жангнома // “Ўзбек совет энциклопедияси”. 4-том. Т., 1972. -Б. 307-308.
126. Машраб // “Ўзбек совет энциклопедияси”. 7-том. Т., 1972. -Б.71-72.
127. Низомий Ганжавий // “Ўзбек совет энциклопедияси”. 7-том.Т., 1972 -Б. 648-649.
128. Дидактик адабиёт // “Ўзбек совет энциклопедияси”. 4-том. Т., 1972.-Б.28-29.
129. Дунёвий адабиёт // “Ўзбек совет энциклопедияси”. 4-том.Т., 1972.-Б.137-139.
130. Турди // “Ўзбек совет энциклопедияси”. 11-том. Т., 1972. -Б.36.

1973 йил

131. Алишер Навоий ва сарбадорлар // Паёми навин. Техрон, 1973. -№3.(Форс тилида)
132. Шоир яшаган жойларда // Гулистон, 1973. № 6. -Б. 9-10.
133. Устоз хотираси // Ўзбекистон маданияти, 1973, 9 февраль.

1974 йил

134. Ҳаётбахш чашма (Адабий-танқидий мақолалар тўплами). Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.-Б. 165.
135. Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” (Насрий баён) Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.-Б. 145.
136. История узбекская литературы до октябрьского периода//Наука в Узбекистане, 1974. № 2. -С.25.
137. Роль Алишера Навои в утверждении реалистических принципов в узбекской литературе //Проблемы реализма в литературах народов Советского Востока. Баку. изд. “Элм”.-С. 71-75.
138. Сайфи Саройи “Сухайл ва Гулдурсун” // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. № 3. -Б. 75-79.
139. Алишер Навоийнинг форсий мактублари ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. № 8.-Б. 9-14.

1975 йил

140. Комил. Девон. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи, В.Мўминова билан ҳамкорликда).-Тошкент: 1975. Адабиёт ва санъат нашриёти.-Б 224.
141. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин (Насрий баён ва сўнгсўз муаллифи) – Тошкент: 1975. Адабиёт ва санъат нашриёти. -Б. 246.
142. Афғонистондаги ўзбек шеваларига оид материаллар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975. № 1. -Б. 63-64.
143. Навоий ва тиббиёт // Совет Ўзбекистони, 1975, 9 февраль.
144. Навоийшуносликдан лавҳалар // Гулистон, 1975. № 2. -Б. 27-29.
145. Хисрав Дехлавий ва ўзбек адабиёти //Ўзбекистон маданияти, 1975, 26 сентябрь.
146. Адабиётимизнинг реалистик анъаналари // Совет Ўзбекистони, 1975, 1 октябрь.

1976 йил

147. Тинимсиз тадқиқот манбаи // Шарқ юлдузи, 1976. № 9. -Б. 133-135.
148. Алишер Навоийнинг бадиий поэтик услуби юзасидан мулоҳазалар // Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. Т., 1976. -Б. 9-17.
149. К вопросу об отношении литературы социалистического реализма Узбекистана к национальному классическому наследию // Истоки, формирование и развитие социалистического реализма в литературах Советского Востока. Т., 1976. С. 157-167.

150. Алишер Навоий асарларининг академик нашрини тайёрлаш ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976. № 1.-Б. 31-34.
151. Ажойиб истеъдод соҳиби // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976. № 5.-Б. 29-32.
152. “Мени ул Зухро кўзлик...” // Фан ва турмуш, 1976. № 1. -Б. 8-9.
153. Илғор ғоялар куйчиси // Совет Ўзбекистони, 1976, 9 июнь.
154. Лирик ижод санъаткори // Хоразм ҳақиқати, 1976, 7 сентябрь.
155. Таржималаримизни ўқиб // Тошкент оқшоми, 1976, 27 декабрь.

1977 йил

156. Кириш // Ўзбек адабиёти тарихи. I том.-Т.: Фан.1977. -Б.7-18.
157. Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли //Ўзбек адабиёти тарихи. II том. –Т.: Фан. 1977. -Б.39-81.(М.Мирзаахмедова билан ҳамкорликда)
158. Хамса // Ўзбек адабиёти тарихи. II том. Т.: Фан.1977. -Б. 202-212.
159. Ҳайрат ул-аброр // Ўзбек адабиёти тарихи. II том.Т.: Фан.1977. -Б. 212-235.
160. Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашерга шеърий мактуби //Ўзбек адабиёти тарихи. II том.-Т.: Фан.1977. -Б. 385-389.
161. Тарихи мулуки Ажам // Ўзбек адабиёти тарихи. II том. –Т.: Фан.1977. -Б. 440-449.
162. Фанимизнинг эртаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1977. № 3 .-Б. 6.
163. Адабиётимиз тарихини яратиш йўллари //Ўзбек тили ва адабиёти, 1977. № 4. -Б. 14-17.
164. Аёл гўзаллиги мадҳида // Саодат, 1977.№ 5. -Б.26-27.
165. Дунёвий лирикада психологизм // Шарқ юлдузи, 1977. № 6.-Б. 216-224.
166. Жавоб берамиз // Ўзбекистон маданияти, 1977, 4 январь.
167. А.С.Пушкин ва ўзбек адабиёти // Совет Ўзбекистони, 1977, 31 май
168. Фахримиз // Ўзбекистон маданияти, 1977, 16 сентябрь.

1978 йил

169. Улуғ шоир ғазаллари куйлайди // Ёш ленинчи, 1978, 9 февраль.
170. Тафаккур жасорати // Гулистон, 1978. № 2 .-Б.14.
171. Садриддин Айний – навоийшунос // Ўзбек тили ва адабиёти, 1978. № 4.-Б. 8-13.
172. Оташ билан йўғрилган шеърият // Ўзбекистон маданияти, 1978, 19 декабрь.

1979 йил

173. Табаррук излар изидан (Адабий-танқидий мақолалар тўплами)–Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. -Б. 152.
174. Покритель пяти вершин // Сельская правда, 1979, 9 февраль.
175. Она табиат куйчиси // Қишлоқ ҳақиқати, 1979, 9 февраль.
176. Совет навоийшунослигининг актуал масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979. № 2.-Б. 31-37.

177. Классик поэзия ва Ҳамза // Ўзбекистон маданияти, 1979, 14 май.

1980 йил

178. Традиции Низами в узбекской литературе // Альбом “Азербайджанская культура XI-XII вв. и творчество Низами Ганджави” Баку.-С. 32-34.
179. Табаррук дасхат // Совет Ўзбекистони, 1980, 8 февраль.
180. Адабий мероснинг ўрганилиши // Ўзбекистон маданияти, 1980, 26 февраль.
181. Гениальный творческий компас // Сельская правда, 1980, 27 ноябрь.
182. Доҳиёна ижодий компас // Қишлоқ ҳақиқати, 1980, 27 ноябрь.
183. Этюдлар: Нодир саҳифаларни варақлаганда // Гулистон, 1980. № 1. -Б. 25.
184. Навоий “Ҳамса”сининг қўлёзмаларини ўрганиш // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980. № 3.-Б. 3-9.
185. Машраб лирикаси // Шарқ юлдузи, 1980, № 3.-Б. 219-225.
186. Кўп томлик “Ўзбек адабиёти тарихи” // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980. № 4. -Б. 3-6.

1981 йил

187. Навоий лирикасининг баъзи масалалари // Навоий ва ижод сабоқлари.- Т.: Фан. 1981. -Б. 18-29.
188. Олтин саҳифалар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1981, 15 май.
189. Собир Абдулла мероси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1981, 3 июль.
190. Ганжа куёши // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1981, 9 октябрь.
191. Тўғри сўз шоир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1981, 27 ноябрь (Ш.Турдиев билан ҳамкорликда)
192. Низомий ва Навоий // Гулистон, 1981. № 9.-Б. 15.

1982 йил

193. Ўтмиш ўзбек насри ҳақида // Ўзбек насри тарихидан.-Т.: Фан.1982. -Б. 5-17.
194. Нишотий. Қушлар мунозараси // Асрлар нидоси. -Т.1982. -Б. 84-92.
195. Янги навоийнома // Гулистон, 1982. № 1. -Б. 12.
196. Матншунослик муаммолари // Шарқ юлдузи, 1982. № 3. -Б. 167-172.
197. Хатони тузатиш ҳеч қачон кеч эмас // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1982, 29 сентябрь.
198. Юксак ғоялар учун // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1982, 3 сентябрь.
199. Танқид маданияти: холислик, дадиллик ва теранлик. (Сухбат: А. Ҳайитметов, И.Султон, О.Ёкубов, Н.Каримов ва бошқалар) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1982, 15 октябрь.
200. Ихлос // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1982, 19 ноябрь.
201. Жаҳон Отин Увайсий лирикаси // Шарқ юлдузи, 1982. № 12. -Б. 160-164.
202. Шоира жасорати // Гулистон, 1982. № 12.-Б. 12-13.

1983 йил

203. Дўстлик мактуби // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1983, 1 январь.
204. Эрксевар шоира // Гулистон, 1983. -№ 2.-Б. 15.
205. Навоийда замонавий лирика таҳлили // Совет мактаби, 1983. № 2.-Б. 11-13.
206. Бобур рубойларининг ғоявий-бадиий концепцияси //Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. № 6.-Б. 20-24.
207. Тафаккур достони // Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи). -Т. 1983. -Б. 3-5.
208. Газетхонларга жавобларимиз //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1983, 22 январь.
209. Буюк шоир ва олим // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1983, 15 апрель.
210. Боқий мисралар // Совет Ўзбекистони, 1983, 1 июль.
211. Соловей поэзии //Сельская правда, 1983, 2 июль.
212. Камолот нурлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1983, 17 ноябрь.
213. Чочнинг санъат юлдузлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1983, 9 сентябрь.

1984 йил

214. Из опыта создания многотомной “История узбекской литературы”// фольклор, литература и история Востока.-Т: Фан. 1984.-С. 65-69.
215. Акмулла и узбекская литература //К 150 летию Акмуллы. Уфа Башкирский филиал АН СССР.1984.
216. Сехрли шеърят // Гулистон, 1984. № 8.-Б. 31.
217. Исёнкор шоир // Совет Ўзбекистони, 1984, 25 август.

1985 йил

218. Навоий ва Аланкува афсонаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1985, 10 февраль.
219. Навоий ва Бобур // Шарқ юлдузи, 1985. № 2. -Б. 131-135.
220. Замон хизматида // Совет Ўзбекистони, 1985, 17 январь.
221. Хуррият куйчиси // Хоразм ҳақиқати, 1985, 25 сентябрь.
222. Мерос ва ихлос. (Илмий-танқидий мақолалар тўплами) Т: Адабиёти ва санъат нашриёти. 1985. -Б.208.
223. Меҳнат ва табиат талқини // Қишлоқ ҳақиқати, 1985, 8 февраль.
224. Ўзбек демократик адабиётида Фурқатнинг ўрни //Ўзбек тили ва адабиёти, 1985. № 5. -Б. 8-11.
225. “Хамса”да янги ижтимоий тип талқини //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1985, 26 июль.

226. Баҳс тадқиқотга чорлайди //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1985, 27 сентябрь.
227. Асрлардан асрларга // Совет Ўзбекистони, 1985, 4 октябрь.
228. Беш бебаҳо ҳайкал // Қишлоқ ҳақиқати, 1985, 16 декабрь.
229. Эдеби достлук–эбеди достлук // Эдебиат ва сунгат. 1985, 15 ноябрь. (Сухбат: А. Ҳайитметов, А. Бекмуродов ва бошқалар)
230. Озбек шириетининг нурлы юксеклиги // Ўйлдиз, 1985. № 5.-Б. 132-158.
231. “Хамса”нинг яратилиш жараёни // Шарқ юлдузи, 1985. № 9.-Б. 152-158.
